

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ



«ЕР УСТИ ТРАНСПОРТ ТИЗИМЛАРИ» КАФЕДРАСИ

“АВТОМОБИЛЛАРНИНГ ТЕХНИК СЕРВИСИ” фанидан

5310600–Ер усти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси
(автомобил транспорти) бакалавр таълим йўналиши талабалари учун

МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

Қарши-2020 йил

Маъruzалар матни ўқув дастури Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 20 июлдаги 617 –сонли буйруғи билан тасдиқланган ва БД-5310600-4.02 2019.05.07 рақами билан рўйхатга олинган ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилди.

Тузувчилар:

Э.У.Эшдавлатов - “Ер усти транспорт тизимлари” кафедраси доценти.

О.Т.Мамадиёров - “Ер усти транспорт тизимлари” кафедраси ассистенти

Такризчилар:

С.Бойтўраев – “Қашқадарё йўл куриш таъмирлаш” унитар корхонаси механиги

А.А.Каримов – КарМИИ “Ер усти транспорт тизимлари” кафедраси катта ўқитувчи

“Автомобилларнинг техник сервиси” фанидан ММТ “Ер усти транспорт тизимлари” кафедраси йиғилишида (№_____, _____ 2020 й.), Муҳандис-техника факультети Услубий Комиссиясида ((№_____, _____ 2020 й.) ва институт Услубий Кенгашида (№_____, _____ 2020 й.) муҳокама этилган ва ўқув жараёнида фойдаланишга тавсия қилинган.

Ўқув- услубий бошқарма бошлиғи _____ Рахимов О.Д.

Факультет Услубий Комиссияси раиси _____ Эшқобилов О.Х.

Кафедра мудири _____ Бўронов Ш.Э.

1-Маъруза

Мавзу: Кириш. Автомобиллар сервиси автомобилларга хизмат кўрсатишнинг умум тан олинган усулидир

РЕЖА:

1. Кириш. Автомобилларга сервис усулида хизмат кўрсатиш тўғрисида тушунчаси ва унинг моҳияти.
2. Автосервиснинг дунёда ва мамлакатимизда пайдо бўлиши ва ривожланиши тўғрисида маълумот.
3. Автомобиль сервисининг иқтисодий-ижтимоий аҳамияти. Автосервис хизматининг турлари ва таърифи.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси 1991 йил мустақилликка эришгач, ўзининг автомобил заводига ва автомобилларига эга бўлиш мақсадида "ДЭУ" Жанубий Корея фирмаси билан шартнома тузиб, Асака шахрида ўрта синфли NEXIA, кичик синфдаги TICO ва DAMAS автомобиллари ишлаб чиқаришга мўлжалланган "УзДЭУавто" автомобил заводини, Самарқанд шахрида Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси "Самкочавто" заводидан ЎЗОТАЙЎЛ кичик туркумдаги автобуслар (M.23, M.24, M.29,M.50) ва ихтисослашган юқ автомобиллари (35.9, 65.9, 85.12 ва бошқалар)кичик сифидаги автобуслар ишлаб чиқариш заводларини ва бошқа турдаги автомобил, ҳамда унинг агрегатларини ишлаб чиқаришга мўлжалланган кархоналар барпо эта бошлади.

Асака шахрида " УзДЭУ Авто КО " АЖ автогигантининг қурилиши Ўзбекистонда Автосервис соҳаси ривожига туртки берди. Ўзбекистон ўз автомобил саноатига эга бўлган 28-давлатга айланди, автомобил саноати эса сифатли автомобил сервисига бўлди.

"УзДЭУ Авто Ко" АЖ-бу Марказий Осиёдаги биринчи автомобил ишлаб чиқариш компаниясидир. Корхонанинг таъминланганлиги юқори жаҳон стандартлари талабларига жавоб беради. Ушбу қўшма корхонанинг қисқа муддат ичida бутун Ўзбекистон саноатининг ривожланишидаги асосий куч ҳисобланиши бежиз эмас. Бунинг устига Асака шахрида автогигантнинг қурилиши натижасида мамлакатимиз иқтисодиёти ўзининг миқдорий ва сифатли ривожланиши учун кучли туртки олди.

"УзДЭУАвто Ко" АЖ га 1993 йил март ойида асос солинган. АЖ таъсисчилари бу Корея томонидан DAEWOO корпорацияси, Ўзбекистон томонидан эса "Узавтосаноат" ДАЖ дир.

Завод ўта замонавий техника билан жиҳозланган, қуввати умумий ҳисобда йилига 200000 автомобил (ўрта синфли NEXIA автомобиллари-100000 дона, TICO автомобиллари-50000 дона, DAMAS автомобиллари-50000 дона) ишлаб чиқаришга мўлжалланган.

Корхонанинг қурилиш-монтаж ишлари 1994 йил апрел ойида бошланиб, 1995 йил декабр ойида тугади ва биринчи автомобил(DAMAS) 1996 йил 25 март ойида ишлаб чиқарилди. Заводнинг расмий очилиши-1996 йил 19 июлда бўлиб ўтди. 1996 йилда ишлаб чиқарилган автомобиллар сони-2500 дона, 1997 йилда 125000 дона, 1998 йилда 150000 дона ишлаб чиқарилди ва 1999 йил завод томонидан 200000 дона автомобил ишлаб чиқариш мўлжалланган.

Республикамизда 2019 йилда 274000 та автомобил ишлаб чиқарилган.

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилаётган ва четдан келтирилаётган автомобилларнинг улуши кўпайиши билан бу соҳада ишловчи мутахассислар тайёрлаш энг асосий масала бўлиб қолди.

2017–2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясининг “Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари”га киритилган Аҳолининг ҳаёт шароитлари яхшиланишини таъминловчи йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш йўналиши бўйича қўйидагиларни амалга ошириш белгилаб қўйилган:

- аҳолига транспорт хизмати кўрсатишни тубдан яхшилаш;
- йўловчи ташиш хавфсизлигини ошириш ва атроф муҳитга зарарли моддалар чиқишини камайтириш;
- ҳар томонлама қулай янги автобусларни сотиб олиш;
- автовокзал ва автостанцияларни қуриш ҳамда реконструкция қилиш;
- йўл инфратузилмаси қурилиши ва реконструкция қилинишини жадал давом эттириш;
- минтақавий автомобиль йўлларини ривожлантириш;
- хўжаликларро қишлоқ автомобиль йўлларини, аҳоли пункти кўчаларини капитал ва жорий таъмирлаш;

Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш ҳамда шаҳарлар ва қишлоқларда автобусларда йўловчилар ташиш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси президентининг 2017 йил 10 январдаги ПҚ-2724-сонли қарорида қўйидагилар келтирилган.

Автотранспорт хизматлари билан таъминлаш соҳасини янада ривожлантириш, худудларни комплекс ижтимоий-иктисодий ривожлантиришга эришиш ҳамда мамлакат, шаҳар ва қишлоқларида аҳоли бандлиги муаммоларини ҳал этишда автотранспорт хизматлари кўрсатишнинг ролини кучайтириш, йўловчилар ташиш хавфсизлигини ошириш ва атмосферага зарарли ташламаларни қисқартириш мақсадида, қўйидагилар республикада автомобиль транспортида йўловчилар ташишни янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

-ҳаракатдаги таркибни замонавий, қулай автобуслар ва микроавтобуслар билан янгилаш, йўналишларни оқилона ташкил этиш ва кенгайтириш, йўл қопламаларини биринчи навбатда қишлоқ жойларда яхшилаш ҳисобига аҳолининг автомобилларда ташувларга бўлган талаб-эҳтиёжини янада тўлиқ қондиришни таъминлаш;

-йўловчилар ташиш хавфсизлиги чора-тадбирларини кучайтириш, йўналишлар бўйича ҳаракатланиш жадвалларига қатъий риоя этилишини таъминлаш, қўрсатилаётган хизматларнинг сифат даражасини ошириш, йўловчилар ташиш соҳасида истеъмолчилар ҳукуқларини ҳимоя қилиш тизимини шакллантириш, йўлкира ҳақи учун нақд пулсиз тўлов тизимини жорий этиш;

-автобуслар ва микроавтобуслардан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлаш, автомобиль транспорти корхоналарининг молиявий-иктисодий ҳолатини мустаҳкамлаш;

-йўловчилар ташишни бошқариш тизимига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш.

Автомобильсозлик саноатини ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш мақсадида қабул қилинган бир қатор ҳужжатлар ва ҳуқуқий асос натижаси ўлароқ 150 дан ортиқ инвестиция лойиҳалари амалга оширилди, 2,7 млрд. долл. дан ортиқ миқдордаги сармоялар ўзлаштирилди, 25 мингдан зиёд иш ўринлари яратилди. Ишлаб чиқарилаётган енгил автомобилларнинг турлари бутунлай янгиланди ва кенгайтирилди, юк ҳамда автобус техникаларининг замонавий турлари ўзлаштирилди, двигатель, совутиш ва кондиционер тизими, генераторлар каби автомобиль маҳсулотларининг мутлақо янги турлари ўзлаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 01.06.2017 йилдаги ПҚ-2038-сонли қарорга кўра корпоратив бошқарув тизимини яхшилаш маъсадида “Ўзавтосаноат” АҚ нинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли қонунчилик талабларига мувофиқ – акциядорлик жамиятига мувофиқлаштирилди.

2017-2021 йилларда “Ўзавтосаноат” АЖ зиммасига янги рақобатбардош маҳсулотларни ўзлаштириш, сотиш бозорлари ва экспорт қилинаётган маҳсулотларнинг номенклатурасини диверсификациялаш, бутловчи қисмлар ва узелларни маҳаллийлаштириш кўламини кенгайтириш ҳисобига импорт улушкини ва маҳсулот таннархини камайтириш, туб ҳом-ашё ва материаллар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ҳамда уларнинг ҳажмини ошириш бўйича тармоқлараро кооперацияни кенгайтириш, ишлаб чиқариш ва операцион ҳаражатларни оптималлаштиришни таъминлаш каби бир қатор муҳим вазифалар юклатилди.

Ҳужжатда, чакана савдо ҳамда аҳолига ҳизмат кўрсатиш тизимини тубдан яхшилаш, замонавий талабларга мувофиқ самарали савдо усулларини қўллаш ва уларнинг шаффофлигини ошириш зарурати алоҳида таъкидланган. Шу билан бирга, Қарорда “Ўзбекистон Республикаси автомобильсозлик соҳасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ривожланиш дастури”га кўра 835 млн. долл. қийматига тенг 51 та инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш вазифаси белгилаб берилган. Ҳусусан, енгил автомобилларнинг иккита янги моделини ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва мавжуд моделларни янада замонавийлаштириш, газ двигатели билан жиҳозланган автобусларни йиғиш, шунингдек, автотранспорт воситалаларининг янги тури бўлмиш – енгил тижорат автомобилларини ўзлаштириш каби вазифалар кўзда тутилган.

Мазкур дастурнинг амалга оширилиши 2021 йилга келиб, товар ишлаб чиқариш ҳажмининг 3 бараварга ошишини таъминлайди. Шу билан бирга, импортнинг ишлаб чиқариш салмоғига нисбатини 12,5 фоизгача камайтириш имконини беради. Соҳада эса қарийиб 29,4 мингга яқин янги иш ўринлари пайдо бўлади.

Шунингдек, қарорда “Ўзавтосаноат” АЖ ташкилотларини давлат томонидан қўллаб-куватлашнинг қатор чора-тадбирлари кўзда тутилган, жумладан:

экспортга йўналтириладиган транспорт воситаларининг бутловчи ва эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқариш мақсадида “Ўзавтосаноат” АЖ корҳоналари томонидан олиб кириладиган ускуналар, материаллар, ҳом-ашё, технологик ҳужжатлар ва қолиплар учун божҳона тўловлари ва солиқларни тўлашдан озод этиш;

экспортга ортилган автобус, юк транспорти, ўрнатма ва шатакка олиш қурилмаларининг тўловларини келиб тушиши ёки қайта олиб кириш муддатларини 60 кундан 180 кунга қадар узайтириш;

“Самарқанд автомобиль заводи” МЧЖ ва “ЖВ МАН Ауто-Узбекистан” МЧЖ корҳоналарига маҳсулот етказиб берадиган, оғир юк кўтарувчи автотранспорт воситалари учун юқори қўшилган қийматга эга ўрнатма ва шатакка олиш қурилмаларини, қишлоқ хўжалиги қурилмаларини ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган “УзАутоТраилер” МЧЖ корҳонасига мазкур маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини янада ошириш мақсадида божҳона ва солиқ тўловлари бўйича бир қатор имтиёзларни бериш.

“ЖМ Ўзбекистон” АЖ томонидан ишлаб чиқарилаётган автомобиллар учун тўланадиган аксиз солиғини жорий йилнинг 1 июнидан эътиборан 29% дан 27% га камайтириш;

Қарорнинг фаолиятга тадбиқ этилиши, шубҳасиз автомобильсозлик соҳасида барқарор ривожланишни таъминлайди. Энг асосийси, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш, шунинг баробарида тармоқда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш имконини беради.

Мамлакатимиз автомобиль транспортида ўтказилган ислоҳатлар натижасида республика автомобиль паркининг ошиши сабабли автомобилларга муттасил равшда техник хизмат кўрсатувчи, таъмирловчи, ёнилғи-мойлаш, эҳтиёт қисмлар ва бошқа автоматериаллар билан таъминловчи ҳаммабоп, сервис усулида ишловчи мустақил корҳоналар хизматига талабларнинг кескин ошиб кетишига олиб келди. Чунки янги шаклланган автотранспорт эгаларининг кўпчилиги ўз техник таъминлаш базасига эга эмас, бунинг учун эса маҳсус хизмат кўрсатишга ихтисослашган автосервис корҳоналар хизматидан фойдаланиши зарур ва мақсадга мувофиқ эди. Авваллари фақат аҳоли автомобилларига техник хизмат кўрсатиб турган маҳсус автосервис корҳоналарининг тармоғи, сони ва ишлаб чиқариш қувватини оширишга катта эҳтиёж туғилди.

Автосервиснинг иқтисодий ва ижтимоий аҳамияти мамлакатимиз автомобиллари учун улкан бўлиб, унинг хизматидан йил давомида мамлакат автомобиль паркининг асосий қисми мунтазам фойдаланади.

1. Автомобилларга сервис усулида хизмат кўрсатиш тўғрисида тушунчаси ва унинг моҳияти.

Жаҳонда автомобиллар ишлаб чиқарилиб, улардан транспорт воситалари сифатида фойдалана бошлаган даврдан бошлаб (XX аср бошлари) автомобилларнинг техник ҳолатини доимий тиклаб бориш эҳтиёжи юзага келди. Чунки автомобиль инсонларга хизмат қилиши учун техник жиҳатдан соз, ишончли бўлиши ва ҳаракатланганда хавфсизликни таъминлаши керак эди. Бунинг учун уларга мунтазам техник хизмат кўрсатиш ва ишдан чиқсан деталлари ва қисмларининг ишлаш қобилиятини тиклаш ёки алмаштириш (таъмирлаш) ишларини бажариш талаб этилган.

Жаҳон автомобиль транспорти амалиётида автомобилларга техник хизмат кўрсатиш (ТХК) ва уларни таъмирлашда қуидаги усуллардан фойдаланиланилади:

- автотранспорт эгалари (корхоналар, ташкилотлар, фуқаролар) ўз автомобилларига хизмат кўрсатишни ўzlари ташкил этадилар;
- ТХК ва таъмирлашга ихтисослашган маҳсус сервис корхоналар хизматидан фойдаланилайдилар;
- автотранспорт эгалари техник хизматнинг баъзи оддий ва енгил ишларини (автомобилларни ювиш, тозалаш, бўшаган жойларини қотириш, айрим деталларини алмаштириш, ва х.к) ўzlари бажарадилар, мураккаб ишларни бажариш учун эса (агрегат, деталлар, кузовлар, тизимлар ва х.к ларни таъмирлаш, созлаш, алмаштириш ва х.к) маҳсус хизмат кўрсатишга ихтисослашган сервис корхоналар хизматидан фойдаланилайдилар.

Сервис инглизча “serveise” сўзидан олинган бўлиб, турли ҳолдаги хизмат кўрсатиш (шу жумладан, автомобилларга ҳам техник хизмат кўрсатиш) маъносини билдиради [13]. Хизматлар сервис усулида бажарилиши учун у қуидаги хусусиятларга эга бўлиши шарт:

- ҳаммабоплиги, яъни хизматлардан барча турдаги мижозлар фодалана олишлари, шу билан бирга улар ўzlари истаган корхона хизматидан фойдаланиш имкониятига эга эканлиги;
- бажарилган хизматлар сифати давлат қонунлари ва соҳа стандартлари асосида кафолатланиши;
- хизмат кўрсатишлар бозор муносабатларига асосланганлиги, унда мижозларни жалб қилиш учун рақобат мавжудлиги;
- алмаштирилган эҳтиёт қисмлар ишончли эканлиги (сертификатланганлиги);

- хизматлардан фойдаланишнинг қулайлиги, мижозларни ўзига жалб қила оладиган хусусиятларга эга эканлиги.

Автосервис хизматининг асосий вазифаси мамлакатлардаги автомобиль транспортини, қайси мулк шаклида бўлишидан катъи назар, бетўхтов, хавфсиз, тежамкор ва ишончли ишлашини таъминлашdir.

Деярли ҳар куни ишга чиқувчи автомобилларни ёнилғи-мой билан таъминлаш, уларни ювиш-тозалаш ва назорат қилиш ҳамда зарур бўлса хизмат кўрсатиш ёки таъмирлаш талаб этилади. Бу вазифалар илгари бизнинг мамлакатимизда автомобиллар асосан автотранспорт корхоналарида жамланганлиги сабабли мазкур корхоналарда бажарилар эди. Аҳолига тегишли автомобиллар 60 -йилларгача жуда кам бўлганлиги сабабли, уларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш автомобиль эгалари тамонидан ўз хонадонларида, мураккаброқ ишлар эса автотранспорт корхоналарида амалга оширилар эди. 60-йиллардан сўнг эса аҳолига тегишли автомобиллар сонининг ошиши муносабати билан уларга автосервис хизматини ташкил қилиш эҳтиёжи туғилди ва жойларда техник хизмат кўсатиш шохобчалари ташкил қилина бошланди.

2. Автосервиснинг дунёда ва мамлакатимизда пайдо бўлиши ва ривожланиши тўғрисида маълумот.

Автомобилларга сервис усулида хизмат кўрсатишни биринчи бўлиб бошлаганлар албатта, автомобиллар ишлаб чиқарувчи ва улар билан савдо қилувчи Америка Қушма Штатлари (АҚШ) ва Европа мамлакатларининг автомобильсозлик компаниялари ва уларнинг дилерлариdir.

АҚШлик машҳур тадбиркор Генри Форд жаҳонда биринчи бўлиб автомобилларни оммавий усулда ишлаб чиқарувчи завод қурди (1900й) ва ўз замонаси учун қулай ва арzon бўлган “Т” моделли автомобилларни ишлаб чиқариб сота бошлади ва албатта шу пайтдан бошлаб автомобилларга эҳтиёт қисмлар етказиб бериш, уларга ТХК ва таъмирлашни ташкил қилиш эҳтиёжи туғилди. Шундан келиб чиқиб барча автомобиль ишлаб чиқарувчи корхоналар ўзлари ишлаб чиқарган автомобилларга эҳтиёт қисмлар етказиб бериш, уларга ТХК ва таъмирлаш ишлари, яъни автомобиль сервиси билан шуғулланишни бошладилар. Автомобиллар қаерда сотилса ўша жойларда автомобиллар сервиси ташкил қилинган.

Автомобильсозлик компаниялари ташкил этган бу автосервис хизмати кўрсатувчи корхоналар тармоғи тобора ривожланиб ва такомиллашиб фирма усулидаги автосервисга айланди. Кейинироқ эса дунё автомобиль паркининг кескин ўсиши, автомобиль транспортининг ривожланиши натижасида мустақил, яъни автомобиль ишлаб чиқарувчи заводларга тўғридан-тўғри алоқаси бўлмаган, автосервис хизмати кўрсатувчи корхоналар сафи ва тармоғи юзага келди.

Е.С. Кузницовнинг маълумотларига қараганда, 1984 йилда АҚШ мамлакатида 329 минг автосервис корхоналари фаолият кўрсатиб турган, шундан 25 минги (7,6%) фирма усулида ишловчи, янги енгил ва юк автомобиллари сотувчи ва техник хизмат кўрсатувчи диллерлар, 115 минги (35%) автомобилларга ёнилғи қуювчи ва шу билан бирга техник хизмат кўрсатувчи станциялар, 150 минги (46,6%) мустақил таъмирлаш ва ТХК устахоналари, 39 мингги (11,8%) гаражлардаги таъмирлаш устахоналари бўлган [12].

Шуни таъкидлаш зарурки, хозирги пайтда дунёнинг барча қитъаларида ва мамлакатларидаги автосервис хизматини бажарувчи корхоналар, устахоналар, дилерлар тармоғи кенг ёйилган бўлиб улар шаҳарлар, қишлоқлар, магистраль йўл бўйлари, автомобиль сақлаш гаражлари ва бошқа қўплаб жойларда фаолият кўрсатиб, автомобиль транспортининг самарали ишлашини таъминлаб турибди. Автомобиллар сервиси автомобильсозликнинг йўлдоши, тенгдоши ва автомобиль транспортининг ажралмас қисми, у билан бир хил шаклланиш тарихига эга бўлиб, ўзаро ҳамкорликда ривожланиб келмоқда.

Республика автосервиси ҳам ўзига хос ривожланиш тарихи ва йўлига эга. Кўпчилик хорижий мамлакатларда енгил автомобилларга техник хизмат кўрсатиш аҳолига барча турдаги майиши хизмат кўрсатишдан тушган маблағлар бўйича биринчи ўринда туради.

Ваҳоланки, собиқ шўролар мамлакатида автосервиснинг пайдо бўлиши ва унинг ривожланиши асосан фуқароларнинг автомобилларга эга бўлиши билангина боғлиқ бўлган. Давлат сиёсати ҳамма соҳада бўлганидек, автомобиль транспортида ҳам асосан жамоат транспортини ривожлантиришга қаратилган эди.

Шахсий, фуқаролар транспорти иккинчи даражали ҳисобланар ва унинг транспорт тизимидағи ўрни қадрланмас, унга хизмат кўрсатиш автомобиль эгаларининг ўз муаммолари бўлиб қолган эди. Автомобилларга техник хизмат кўрсатувчи корхоналар мамлакатнинг фақат йирик ва марказий шаҳарларидагина бўлиб, улар, асосан, чет эл саёҳатчилари ва элчихоналари автомобилларига хизмат қиласа экан.

Фақат 1960 йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб аҳолига қарашли автомобиллар сонининг ошиши муносабати билан, шахсий автомобилларга хизмат кўрсатувчи маҳсус корхоналар ташкил қилиниб ишга туширила бошланди. Ҳукуматнинг 1968 йилдаги “Фуқаролар автомобилларига техник хизмат кўрсатишни ташкил қилиш” тўғрисидаги қарори соҳага давлат аҳамиятига эга масала сифатида ёндошишнинг бошланиши эди.

МДҲ мамлакатларидаги аҳолига тегишли автомобиль парки 1970 йиллардан бошлаб тез суръатлар билан ўса бошлади. Статистик маълумотларига қараганда,

ҳар 1000 кишига тўғри келадиган автомобиллар сони қуйидагича ўсиб борган (1.1-жадвал) [13].

1.1-жадвал

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги ҳар 1000 кишига тўғри келадиган автомобиллар сони

Йиллар	Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига	Ўзбекистонда
1972	8	6
1973	10	8
1978	16	14
1981	43	38,5
1986	49	42
1990	51	45
2004	-	51

Ўзбекистон аҳолисига тегишли автомобиль парки 1991 йил бошида 1 млн.га яқинлашиб қолган ва маркаларига қараб 1.2-жадвалдаги кўринишда тақсимланган эди.

1.2-жадвал

Автомобиллар моделлари	%	Автомобиллар моделлари	%
“Волга” барча моделлари	2,9	УАЗ барча моделлари	0,05
ВАЗ барча моделлари	47,4	ЗАЗ	15,6
Москвич	26,9	Чет эл автомобиллари	7,15

Дастлабки ташкил қилинган автосервис корхоналари-АСС- лар, автоустахоналар, автомобилларни ижарага бериш пунктлари, автосақлаш жойлари, махаллий ҳокимиятлар қўл остида бўлган, сўнгра улар ҳукумат қарорига асосан янги ташкил қилинган. Ўзбекистон Республикаси аҳолига майший хизмат кўрсатиш вазирлигининг таркибидаги “Ўзавтотеххизмат” бошқармасига ўtkazilgan.

Ишлаб турган автосервис корхоналари қаторига 1974 йилдан бошлаб фирма усулида техник хизмат кўрсатувчи “АвтоВАЗ-теххизмат”, сўнгра “КамАЗавтотеххизмат”, “АвтоЗАЗтеххизмат”, “Москвичавтотеххизмат” ва

бошқа автомобиль заводларига қарашли автосервис корхоналари қўшила бошлади. Фирма усулида автосервис хизмати кўрсатиш ўша пайтда МДХ ва шу жумладан, Ўзбекистон учун ҳам янгилик бўлиб, бу соҳадаги янги даврнинг бошланиши эди. Эндиликда мамлакат автомобиль заводлари дунё автомобильсозлик фирмалари изидан бориб, ўз маҳсулотларига ўзлари хизмат кўрсатиш мажбуриятларини ола бошладилар.

Автосервиснинг Ўзбекистонда ривожланиш тарихини қуидаги даврларга бўлиш мумкин:

Биринчи давр (1965-70 йиллар) - бу даврда автосервис мустақил хизмат кўрсатиш соҳаси сифатида давлат томонидан тан олинди, ўз фаолиятини расмий равища бошлади.

Иккинчи давр (1971-81 йиллар) - автосервиснинг ривожланиши республика аҳолиси автомобиль паркини кескин ўсиб бориши билан бирга кузатилди. Бу даврда республика автосервиси бутунлай янги, фирма усулида хизмат кўрсатувчи “АвтоВАЗтеххизмат” ва “КАМАЗтеххизмат”лар келиб қўшилди. Автосервиснинг моддий-техника базаси жиддий равища мустаҳкамланди.

Учинчи давр (1981-90 йилларда) – автосервиснинг ривожланиши корхона тармоқлари ва таркибининг янада ўсиши, уларнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамланиши билан белгиланади. Автосервис корхоналари тармоқларининг ўсиши, энг аввало, автомобиль заводларига қарашли фирма усулида хизмат кўрсатувчи “АвтоВАЗ”, “АЗЛК”, ”АвтоЗАЗ”, “АвтоГАЗ” ва бошқа ширкат шаклидаги мустақил сервис корхоналарининг ташкил қилиниши ва ишга туширилиши билан боғлиқдир.

Тўртинчи давр (1991-96 йиллар) - автосервиснинг ривожланишида, бутун МДХ даги сиёсий, иқтисодий-ижтимоий таназзул сабабли турғунлик, ҳатто чекинишлар юз берди. Кўрсатилаётган хизматлар ҳажми кескин камайди, кўпгина корхоналар, айниқса, ширкат усулида ташкил бўлганлари ёпилди. Мухандис-техник ходимлар, мутахассислар ва ишчиларнинг анчагина қисми бошқа ишларга ўтиб кетишли. Чунки мамлакатнинг иқтисодий ва молиявий аҳволи жуда мураккаб таназзул ҳолда эди.

Бешинчи давр (1996-2000 йиллар) – мамлакатда иқтисодий-ислоҳотлар ўтказилиши сабабли, соҳада ўсишнинг яна бошланиши, хизмат турлари ва ҳажмининг сезиларли ўсиши, ишлаб-чиқариш техника базасини янада мустаҳкамланиши, автосервис корхоналари тармоқлари ва таркибининг яна кенгайиши ва ўсиши, кичик ва ўрта бизнес шаклида ишловчи кўплаб хусусий автосервис корхоналари, автоустахоналар, техник хизмат кўрсатувчи постларнинг кескин кўпайиши, мамлакатимизда автомобильсозлик саноатини ишга тушиши (“УзДЕУАвто” ва “СамКочАвто” корпорациялари) ҳамда улар

томонидан қайта қурилган автомарказлар ва дилер станцияларнинг ишга тушиши, соҳада автосервис бозори ва унда рақобатни пайдо бўлиши билан ажралиб туради. (1.1-расм).

Олтинчи давр (2001 йилдан-ҳозирга қадар) – соҳада янада ўсиш, чет эл автомобилларига хизмат кўрсатиш шохобчаларини юзага келиши, ишлаб чиқариш-техника базасини замоновий жиҳозлар билан мустаҳкамланиши, чет мамлакатларида Ўзбекистон автомобилсозлик корхоналари дилерлик тармоқларини юзага келиши ва кенгайиб ривожланиши. Автосервис бозорининг кенгайиши, республикамизда автосервис хизмати кўрсатиш бўйича мутахассислар тайёрланишининг бошланиши, соҳанинг тинмай такомиллашиб бориши билан тавсифланади.

3. Автомобиль сервисининг иқтисодий-ижтимоий аҳамияти. Автосервис хизматининг турлари ва таърифи.

Мамлакат автомобиль транспорти ва аҳолининг шахсий автомобиллари учун **автосервиснинг иқтисодий ва ижтимоий аҳамияти** катта бўлиб, унинг хизматидан йил давомида миллионларча автомобиллар доимий фойдаланадилар.

Ҳозирги пайтда республикамиз ҳудудида автосервис хизмати кўрсатувчи йирик бирлашмалар- “Ўзавтотеххизмат” хиссадорлик жамияти, “ЎзбекЛада” ассоциацияси, “Интеравтосервис” корхонаси ва шунингдек, юзлаб хусусий АССлари, ТХК постлари, автоустахоналари ва автосалонлар ишлаб турибди (1.1-расм).

Улардаги ишчи постларнинг сони тўрт минг атрофида бўлиб ишчиларнинг умумий сони эса ўн мингдан ошади.

Бу соҳадаги автосервис хизмати ишларини бажаришда корхоналар орасида, ўзига хос ихтисослашиш шаклланган, яъни кичик қувватли АССлари оддий, қўп бўлмаган хажимдаги (3-4 ишчи-соатгача) профлактик ишларни бажарсалар, ўрта ва йирик қувватли станция ва автомарказларда мураккаб ва катта ҳажмдаги ишлар (агрегат деталлари ва электрон приборларни таъмирлаш, кузовларни тиклаш, уларга ишлов бериш ва бўяш ва х.к) бажарилади.

Автомобилларга сервис хизмати сифатида ўтказиладиган ишлар техник хизмат, тижорий ва ахборот хизматлардан иборатdir.

Автосервис хизмати турлари: автомобиль ва унинг агрегатлари, деталлари ва қисмларининг техник ҳолатини назорат қилиш, созлаш, ростлаш ва таъмирлаш билан боғлиқ бўлган ишлар жамланмаси ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда техник хизмат ишлари:

- автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш;
- автомобиллар агрегатлари, деталлари, кузовлари, шиналари, аккумуляторларини таъмирлаш ва иш қобилиятини тиклаш;
- автомобилларни буюртмалар асосида диагностика қилиш;
- автомобилларга кўчаларда, йўлларда, сақлаш жойларида талабга биноан техник ёрдам кўрсатиш;
- автомобилларни қайта жиҳозлаш;
- автомобилларни давлат техник кўригига тайёрлаш;
- енгил автомобиллар ва автобуслар кузовларига занглашга қарши ишлов бериш;
- аварияга учраган автомобиллар кузовларини тиклаш;
- автомобилларни сақлаш;
- автосервисда ўзига-ўзи хизмат кўрсатиш ишларини ташкил қилиш;
- техник маслаҳатлар, автосервис хизматлари ҳақида ахборот бериш;
- автоэкспертиза, яъни автомобилдаги таъмирлаш ишларининг ҳажми ва нархини аниқлаб бериш ва ҳ.к.



1.1-расм. Ўзбекистон автомобиллар сервиси бозорининг субъектлари.

Тижорий ва ахборот хизмати ишлари: автомобилларни эҳтиёт қисмлар, эксплуатацион материаллар ва анжомлар билан таъминлаш, савдо ва реклама қилиш бу соҳанинг бизнес фаолияти ҳисобланади, яъни:

- автомобиллар, эҳтиёт қисмлар, материаллар, анжомлар билан савдо қилиш;
- автомобилларни ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари билан таъминлаш;
- кўрсатиладиган хизмат турларини реклама қилиш, мижозларни ахборот билан таъминлаш, соҳадаги рақобатга мослашиш, мижозларнинг талаблари, фикрлари

ва дидларини доимо ўрганиб, иш фаолиятида ҳисобга олиб бориш ва ҳ.к.лардан иборатдир.

Шу жумладан, автосервиснинг хизмат турларига автомобилларни комиссион усулда сотиб бериш, баъзи ҳолларда аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш ва автомобилларни ижарага бериш кабилар ҳам киради.

Назорати саволлари:

1. Автомобилларга сервис хизматини кўрсатишнинг моҳияти.
2. Автосервиснинг дунёда ва мамлакатимизда пайдо бўлиши ҳамда ривожланиши.
3. Республика автосервисининг ўзига хос ривожланиш тарихи ва йўли
4. Жаҳон автомобиль транспорти амалиётидаги автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш усуллари.
5. Сервис усулида бажариладиган хизматларнинг хусусиятлари.
6. Автосервис хизмати турлари, таърифи ва иқтисодий-ижтимоий аҳамияти
7. Техник хизмат ишлари.
8. Тижорий ва ахборот (информацион) хизмати ишлари.
9. Ўзбекистонда автомобиллар сервиси бозорининг юзага келиши ва ривожланиши.
10. Автосервиснинг Ўзбекистондаги ривожланиш йўлининг ўзига хослиги ва босқичлари.

2-Маъруза

Мавзу: Автосервис корхоналари ва уларнинг таърифлари

Режа:

- 2.1.Автосервис корхоналарининг турлари**
- 2.2.Автомобилларга ёнилғи қуиши шоҳобчалари**
- 2.3 Автомобилларни сақлаш жойлари**
- 2.4.Мотеллар ва кемпинглар**
- 2.5.Автосервискорхоналарининг асосий техник-иктисодий кўрсаткичлари**

2.1.Автосервис корхоналарининг турлари

Табиийки, автосервис хизматининг асосий қисмини маҳсус автосервис корхоналари курсатадилар. Улардан ташқари, бу хизматни асосий ишлаб

чиқариш фаолияти бошқа, турли соҳа бўлган корхоналар (масалан, юк ва йўловчилар ташувчи автотранспорт корхоналари) ҳам бажарадилар. Лекин уларнинг улуши кўрсатилган умумий хизмат ҳажмида жуда оз, фақат бир неча фоизнигина ташкил этади.

Жаҳонда автосервис корхоналари ўз ишлаб чиқариш фаолиятлари ва мавжуд иқтисодий-ижтимоий тузум асосида тарихий шаклланиб ва ривожланиб келган. Улар барча мамлакатлар худуди бўйлаб шаҳарлар ва қишлоқларда-магистраль йўллари ёқалари, аҳоли зич яшовчи мавзелар, автосаёҳатчилар тўхтовчи меҳмонхоналар ва оромгоҳларда (мотелларда) жойлаштирилган. Бундай корхоналар ўзлари бажарадиган хизмат турлари, ишлаб чиқариш фаолиятига ва жойлашган ўрнига кўра 2.1-расмдаги бўйича турларга бўлинади.

Авто сервис корхоналари			
Автосавдо марказлари, автосалонлар, эҳтиёт қисмлар дўконлари	Автомобилларга ТХК корхоналари	Авто сақлаш жойлари	АЁҚШ лар

2.1.1-расм. Автосервис корхоналарининг турлари.

Тижорат ишлари автосавдо марказлари, автосалонлар ва эҳтиёт қисмлар дўконларида амалга оширилади.

Автосавдо марказлари автомобиллар ва эҳтиёт қисмлар билан улгуржи савдо қиласидилар. Автосавдо марказларини автомобильсозлик ҳиссадоролик жамиятлари, тижоратга ихтисослашган маҳсус йирик фирмалар ташкил этадилар. Уларнинг марказий омборлари йирик шаҳарларда жойлашган бўлиб, савдо шохобчалари вилоятлар шаҳарларида ташкил қилинади. Автосавдо марказларида ёки уларнинг шохобчаларида автомобилларга техник хизмат кўрсатиш амаллари ҳам бажарадилади.


Автосалонлар автомобильсоз фирмаларнинг автомобилларини намойиш қилиш, мижозларга фирмаларнинг фаолияти ҳақида маълумот бериш, автомобиль, унинг деталлари ва жиҳозлари билан савдо қилиш, уларни сотишига тайёрлаш технологик амалларни бажарадилар.

Эҳтиёт қисмлар дўконлари харидорларга автомобиллар эҳтиёт қисмлари, анжомлари, автомобиль мойлари ва антифризлар ва бошқа моллар билан савдо қиласидилар. Улар автосавдо марказлари, автосалонлар таркибида ёки мустақил тижорат дўкони сифатида фаолият кўрсатадилар.

Автомобиллар техник сервиси корхоналари таснифи ҳам ҳар хил адабиётларда ҳар хил берилган ва бугунги кун талабларига мосланиб шаклланиб

бормоқда. Бу корхоналар АТВ техник сервиси билан шуғилланиб, уларда ТХК ва ЖТ бўйича хизматлар кўрсатилиди.

Автомобилларга техник хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг қуидаги таснифини келтириш мумкин (2.2-расм).



2.1.2-расм. Автомобиллар техник сервиси корхоналари таснифи

Автомарказлар автомобиль ишлаб чиқарувчи ва улар билан савдо қилувчи компаниялар томонидан ҳиссадорлик асосида ташкил этилади. Улар йирик шаҳарларда ва вилоят марказларида жойлашади ва улар филиаллари вилоят туманлари, шаҳарлар ҳамда қишлоқларида бўлиши мумкин.

Автомарказлардаги постлар сони ихтисослашган автомобиллар учун 10 тадан 40 тагача, енгил автомобиллар учун 25 тадан 100 та ва ундан ортиқ бўлиши мумкин. Автомарказлар бир ёки бир неча русумли автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишларини амалга оширадилар. Улар мустаҳкам ишлаб чиқариш техника базаси - бинолар, иншоотлар, қурилмалар, зарур технологик жихозлар, маҳсус асбоб ускуна ва қурилмалар, эҳтиёт қисмлар ва материаллар билан тўлиқ таъминланган, малакали кадрлар ва техникик-технологик ва меъёрий ҳужжатларга эга бўладилар.

Марказлар ва уларнинг филиалларида ишлаб чиқаришда янги илғор технологияни жорий этиш, кадрлар малакасини ошириш, хизмат кўрсатиш сифатини ва маданиятини яхшилашга катта эътибор берилади. Замонавий автомобилларга сервиси учун кадрларнинг малакаси юқори бўлиши, автомобиллар конструкциясининг алоҳида хусусиятларини яхши билиши, замонавий электрон диагностик қурилмалар ва ажратиш-йифиш, созлаш мосламаларини ишлата олиши лозим.

Шунинг учун ҳам фирмавий автосервиснинг мутахассислари юқори малакага эга бўлишлари, ўз малакаларини мунтазам ошириб боришлари тақозо қилинади.

Хорижий автосервис усталарининг қўпчилиги олий маълумотли бўлишининг ҳам сабаби шундан иборат. Мамлакатимиздаги мавжуд автосервис корхоналарига қўшимча 1970-80 йилларда 12 та автомарказ қурилиб, ишга туширилган. 1996-98 йилларда 10 та автомарказ тўлиқ қайта жихозланган, ҳозирги пайтда уларнинг сони 400 тадан ошган.

Бу автомарказлар асосан енгил автомобилларга хизмат кўрсатишга мўлжалланган. Республикаизга хорижий мамлакатлардан автобус ва юқ автомобиллари келтирилиши муносабати билан уларнинг фирмавий автосервиси ташкил этилган.

Тошкент шаҳрида 1996 йилдан бошлаб, “Тошшаҳарйўловчitrans” ҳиссадорлик уюшмаси таркибида “Мерседес Бенц” сервис хизмат кўрсатиш маркази фаолият кўрсатмоқда. Бу автобусларнинг сони бир мингга яқинлашмоқда, олдин келган автобусларнинг юрган йўли 1-1,2 миллион километрни ташкил этмоқда. Бундай сервис марказлари 8 -, 2 - ва 7-автобус саройлари худудида жойлашган бўлиб, замонавий ишлаб чиқариш техника базасига малакали мутахассисларга эга ва автобус ишлаб чиқарувчи заводдан мунтазам маслаҳат олинади, мулоқотда қилинади, меъёрий ҳужжатлар, эҳтиёт қисмлар билан таъминланади ва энг янги технологиялар жорий қилиб борилади.

Шунингдек, Тошкентда “Тоёта”, “Хундай”, “КамАЗ”, “МАЗ” автомарказлар фаолият кўрсатмоқда, Самарқандда ишлаб чиқарилаётган “Исузу” автобусларининг сервис маркази ҳам “Тошшаҳартрансхизмат” ҲҚ тасарруфида ташкил этилмоқда.

Автомарказлар автомобиллар сервиси соҳасида техник сиёсатни белгиловчи, илмий-техник тараққиётни таъминловчи корхоналардир.

Автомобиллар техник сервисистанциялари

Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш станциялари (АТХКС) автомобиллар, эҳтиёт қисм, автомобиль жиҳозлари ва материаллар билан савдо қилиш, автомобилъарга техник хизмати кўрсатиш, агрегат, тизим ва деталларни таъмирлаш, ишдан чиққанларини алмаштириш, кузовларни қайта тиклаш,

мижозларга автомобилни ишлатиш бўйича маслаҳатлар бериш билан шугулланади. АТХКСлар қуввати, бажараётган хизматлари ва маъмурийташкилий тузилишига қараб бир неча турларга бўлинади (2.3-расм).

Автосервис хизматининг асосий қисми шаҳарларда жойлашган АТХКСларда бажарилади, улар кўрсатадиган хизмат турлари хилма-хилроқ, бажарадиган иш ҳажмлари каттароқ, мижозлар таркиби бир қадар доимий.

АТХКСлар маъмурий-ташкилий тузилишига қараб, автомобильсозлик фирмаларига қарашли автомарказлар таркибида ёки мустақил фаолият олиб борувчи корхоналар сифатида шаклланган.

Универсал АТХКСларда ҳамма русумдаги автомобилларга техник хизмат кўрсатишининг ва таъмирлашнинг барча амаллари бажарилади.

Ихтисослашган АТХКСлар автомобилларнинг айрим русум ва турларига хизмат кўрсатишга ёки сервис хизматининг айрим амалларини бажаришга мослашган бўлади.

АТХКСлар бажараётган иш ҳажмига қараб, кичик (15 ишчи постгача), ўрта (16-25 ишчи постгача) ва катта (25 дан кўп ишчи постли) станцияларга бўлинади.

Кичик ва ўрта станцияларда асосан техник хизмат кўрсатиш ва майда таъмирлаш ишлари бажарилиб, уларнинг иш ҳажми 5-7 ишчи соатни ташкил этади. Дунё автосервиси амалиётида кичик ва ўрта станциялар ҳам сон, ҳам кўрсатиладиган ялпи иш ҳажми хисобида етакчи ўринда туради, АТХКСларининг ўртacha қуввати 3,5-4,5 ишчи постини, ишчилар сони 4,5-5,5 кишини ташкил этади.

Катта станцияларда катта ҳажмдаги ишлар бажарилади ва таъмирлашнинг барча турлари амалга оширилади, чунончи автомобиль кузови тикланади ва бўялади, автомобиль ва агрегатларнинг иш қобилиятлари тикланади.



2.1.3-расм. Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш станциялари таснифи

Магистраль йўллар бўйида жойлашган АТХК Сларда асосан техник хизмат кўрсатиш, майда таъмилаш ишлари амалга оширилади, автомобиль эҳтиёт қисмлари, анжомлари ва материаллари билан савдо қилинади. Бундай станциялар асосан енгил автомобилларга хизмат кўрсатишга мўлжалланган, сони ҳам етарли эмас, юк автомобиллари ва автобусларга хизмат кўрсатиш имконияти жуда кам. Улардаги ишчи постларнинг сони 1 дан 5 тагача боради. Ўзбекистонда ҳалқаро автомобиль йўлларининг тез сураътларда қурилиши ҳалқаро юк ташишнинг ривожланиши натижасида бундай станцияларга талаб ортиб бормоқда ва уларнинг сони кўпаймоқда. Магистраль йўл қурилиши амалиётида йўл бўйларида сервис хизмати инфраструктурасини ҳисобга олиш кўзда тутилган, кичик автосервис корхоналари лойиҳаланмоқда ва қурилмоқда.

Собиқ Иттифоқда Ленгипроавтотранс, ВАЗ, Гипроавтотранс лойиҳалаш институтлари томонидан ишчи постлар сони 6, 10, 11, 15, 20, 25, 50 бўлган автосервис корхоналарининг намунавий лойиҳалари ишлаб чиқилган ва амалга

оширилган. Бундан ташқари, Республикаизда фаолият кўрсатаётган автомобильсозлик фирмаларининг автосервис марказлари ва салонлари қурилган ва мустақил сервис корхоналарининг янги ва қайта қуриш лойиҳалари ишлаб чиқилган ва амалга оширилмоқда.

Автоустахоналар автомобильларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишларининг айрим турларига ихтисослашган кичик корхоналардир. Уларда автомобильни ювиш, шина таъмирлаш, мой алмаштириш, автомобиль кузовини тиклаш ва бўяш, таъминот тизими агрегатларини (карбюратор, инжектор, форсунка, юқори босимли ёнилғи насоси) таъмирлаш ва созлаш, электр жиҳозлари носозликларини бартараф этиш ишлари амалга оширилади. Бундай устахоналар шаҳарларда, қишлоқларда ва магистраль йўл бўйларида жойлашади. Улар мустақил фаолият олиб борувчи оиласвий кичик корхона бўлиб, ишчиларнинг сони бирикки кишидан иборат бўлади.

Кўчма автоустахоналар маҳсус автофургонларга ёки тиркамалар кузовига ўрнатилиб, унда жиҳозлар, асбоб-ускуналар, эҳтиёт қисмлар ва материаллар захираси бўлади, магистраль йўллар ёқаларида, аҳоли зич яшовчи мавзелада, катта автомобиль сақлаш жойларида мижоз буюртмаси бўйича сервис хизмати кўрсатадилар. Автоэвакуаторлар автоҳалокат натижасида пачоқланган автомобиллар ва йўлда носозлик туфайли тўхтаган автомобилларни сервис корхонасига элтиб бериш учун хизмат қиласи. Улар мустақил фаолият кўрсатиши ёки АТХКС таркибида бўлиши мумкин.

Автомобиль агрегатлари ва тизимиларини таъмирловчи корхоналар. Бу корхонлар автомобилларни ва унинг айрим агрегатларини таъмирлашга ихтисослашади. Ўзбекистонда автомобиль сервисининг ривожланиши жараёнида Намангандаги енгил автомобилларни таъмирлаш заводи фаолият кўрсатган ва кейинги даврда Тошкент вилояти Олмазор автомобиль таъмири заводида ҳам фуқароларнинг енгил автомобиллари мукаммал таъмирдан чиқарилган. Ҳозирги вақтда асосан автомарказ ва унинг филиалларида ҳалокатга учраган ва коррозия натижасида яроқсиз ҳолга келган автомобилларнинг кузовлари алмаштирилмоқда. Масалан, “УзДЕУ авто” томонидан 2015-2019 йиллар давомида 1644 та кузови алмаштириш учун сотилган.

Агрегатларни ва уларнинг базавий деталларини таъмирлаш йўлга қўйилган. Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш станцияларида тўлиқ комплектли двигателлар, маҳсус устахоналарда двигателнинг цилиндрлар блоки ва тирсакли вали мукаммал таъмирланади. Айрим устахоналар ҳорижий автомобилларнинг двигатели ва унинг деталларини таъмирлашга ихтисослашган.

Автомобилларда учрайдиган энг кўп нуқсонлар таъминот тизими ва электр жиҳозларига тўғри келади ва бу тизимлар ёнилғи тежамкорлигига катта таъсир

кўрсатади. Шундан келиб чиқиб, бозор иқтисодиёти шароитида таъминот тизимиға техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлашга мослашган маҳсус устахоналар фаолият кўрсатади. Улар томонидан карбюратор, бензонасос, инжектор, форсунка, юқори босимли ёнилғи насоси ва таъминот тизимининг газ аппаратураларини таъмирлаш йўлга қўйилган. Дизель ёнилғиси ва газда ишлайдиган двигателлар таъминот тизимининг таъмири бўйича, ҳаттоқи автотранспорт корхоналари ҳам шундай маҳсус устахоналарга мурожаат қиласидилар.

Электр жиҳозлари бўйича ҳам аккумуляторларни таъмирлаш ва замонавий автомобилларнинг йўлда содир бўладиган носозликларини бартараф этиш бўйича маҳсус устахоналарга мурожат қилинади.

Кузовларни таъмирловчи маҳсус устахоналар автоҳалокатга учраган автомобилларнинг ва эксплуатация жараёнида коррозияга учраган ва жилосини йўқотган автомобилларни таъмирлаш ва бўяш бўйича маҳсус устахоналар фаолият кўрсатади. Улар шахсий кичик корхоналар бўлиб, мижозлари автомобилларининг пачоқланган қисмларини тўғирлаш, капот, эшик, қанотларни алмаштириш, мижоз дидига мослаб бўяш билан шуғулланадилар.

АТК, АЁҚШ сақлаш жойлари ва бошқалар таркибидаги устахоналар

Автомобиль хайдовчилари учун автомобилларга ёнилғи қўйиш шоҳобчаларига келиб, ёнилғи захираларини тўлдириган вақтда автомобилдаги майда нуқсонларни бартараф этиб олиш қулай ва осон. Ҳориж амалиётида йўл бўйида жойлашган АЁҚШлар таркибида асосан кичик автосервис корхоналари фаолият кўрсатади. Республикамизда ҳам кўпгина АЁҚШ таркибида ёки унинг ёнида ўрнашган кичик автосервис устахоналарида автомобилларни ювиш, шиналарни таъмирлаш, уларни азот билан дамлаш ва мувозанатлаш, мой алмаштириш, двигатель ва унинг тизимларидаги майда носозликларни бартараф этиш амалга оширилади.

Фуқароларнинг енгил ва айниқса юк автомобиллари ва автобуслар учун сервис хизмати кўрсатиш йўл ёқасидаги станцияларда ёки автотранспорт корхоналари таркибидаги сервис хизмат кўрсатиш постларида амалага оширилади. Автотранспорт корхоналари (АТК)да юк автомобиллари ва автобусларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишлари яхши йўлга қўйилгани учун фуқаролар ўзларининг шундай автомобилларига хизмат кўрсатиш бўйича уларга мурожаат этадилар. Олдинги таксомотор паркларининг ишлаб чиқариш техника базаси асосида енгил автомобилларга сервис хизмати кўрсатиш ишлари яхши йўлга қўйилган ва улар автосервис корхоналари билан рақобатлаша оладилар. Бундан ташқари сақлаш жойлари, сайёхлар мотеллари ва турли муассасалар худудида жойлашган устахоналар мавжуд.

2.2. Автомобилларга ёнилғи қуиши шоҳобчалари

Ёнилғи қуиши шоҳобчалари автомобилларни ёнилғи-мой маҳсулотлари ва бошқа эксплуатацион материаллар билан таъминлаш учун хизмат қиласиди.

Автомобилларга ёнилғи қуиши шоҳобчалари (АЁҚШ) тарқатадиган ёнилғисига қараб бензин ва дизель ёнилғилари қуиши ҳамда газсимон ёнилғилар тарқатиш шоҳобчаларига бўлинади.

АЁҚШ шаҳардаги, йўл ёқасидаги ва кўчма турларга бўлинади
(2.2.1-расм).



2.2.1-расм. АЁҚШ турлари

Шаҳардаги АЁҚШлар шаҳар ичидаги барча автомобилларга хизмат қиласиди.

Йўл ёқасидаги АЁҚШлар шу магистралдан ўтаётган барча автомобилларга хизмат қиласиди.

Кўчма АЁҚШлар автобус йўналишларининг охирги бекатларида, сиҳатгоҳларда, мотелларда ва муассасалар талаби бўйича автомобилларни ёнилғи билан таъминлайди.

Барча АЁҚШлар автомобилларни ёнилғи билан, баъзиларида эса мой маҳсулотлари ва автоэксплуатацион материаллар билан ҳам таъминлайди, баъзиларида эса қўшимча сервис хизмати ҳам кўрсатилади.

Республикамизда автомобилларни сони қўпайиши билан АЁҚШлар сони кескин қўпаймоқда. Ҳозир қурилган ва қурилаётган АЁҚШлар сервис устахоналари билан биргалиқда қурилмоқда. АЁҚШнинг ўрнашган жойига ва катта-кичиклигига қараб автомобиллар сервиси устахоналари, ҳам ювиш, мой алмаштириш ва шина таъмиридан тортиб, то электротехника ишлари, диагностикалаш, двигатель ва бошқа агрегатлар таъмиригача бўлган ишлар бажарилмоқда.

Хорижий давлатларда ҳам шундай амалиёт қўлланилиб келинмоқда. Масалан, АҚШда автомобиллар ТХК ва Т ишларининг учдан бир қисми АТХКС ва АЁҚШда бажарилади.

Замонавий АЁҚШ лар, айниқса, шаҳардаги ва йўл ёқасидаги АЁҚШ ларнинг ўтказувчанлик қобилияти етарли даражада юқори бўлиши учун қуийидаги тартибларга риоя қилиш керак.

Биринчи навбатда, АЁҚШ ҳудудидаги ҳамма автомобиллар ҳаракати, күчадан кириб келиш ва унга чиқиши, бир тарафлама ҳаракатни ташкил этилиши, манёврлар – кесишувларсиз ҳаракатланиши ва шу билан бирга ҳар бир оролчада биттадан колонка жойлаштирилиши мақсадга мувофиқ.

Иккинчи навбатда, ёнилғи қуиши ҳудудигача кириб келиш масофаси қанчалик узун бўлса, оролчада ёнилғи қуяётган автомобиль эса эркин ёнилғи қуиби олдинга ҳаракатланади. Бу эса автомобилларни навбат кутиб турган пайтда йўлни ҳаракатланиш бўлагига ҳалақит беришини олдини олади.

Учинчи навбатда, АЁҚШ даги оролчалар йўл ўқига нисбатан 45 градус бурчак остида жойлашган бўлиши лозим. Оролчаларнинг бундай жойлашиши автомобилларни АЁҚШ дан чиқишини осонлаштиради, ўз навбатида бу автомобилларни АЁҚШ га кириб келишини ҳам осонлаштиради.

Тўртинчи навбатда, цистерналарга ёнилғи тўлдириш учун келган ёнилғи ташувчи автомобиль бошқа автомобиллар ҳаракатланишига ҳалақит бермаслиги керак. Ҳозирда Республикаизда кўплаб сиқилган ва суюлтирилган газ тўлдириш шохобчалари фаолият кўрсатмоқда

2.3 Автомобилларни сақлаш жойлари

Автомобилларни сақлаш жойлари аҳоли яшайдиган мавзеларда, аэропортда, вокзалларда, бозорларда, стадионларда, томошахоналарда ва одамлар кўп тўпланадиган бошқа жойларда ташкил қилинади.

Автомобилларнинг 4 хил сақлаш усули мавжуд:

- ёпиқ, иссиқ бинода;
- ёпиқ, иситилмайдиган бинода;
- ярим очиқ, очиқ айвонда; - очиқ майдонда.

Сақлаш усули автомобиль турига, иқлим шароитига, сақлаш биноларини қуриш учун сарфланадиган маблағлар миқдорига қараб танлаб олинади. Одатда, енгил автомобиллар ва автобуслар ёпиқ биноларда, юк автомобиллари очиқ майдонларда сақланади.

Сақлаш жойларида шахсий автомобиллар қисқа вақт ва узоқ муддат сақланиши мумкин.

Автомобиллар, очиқ майдонларда, асосан қисқа вақт, унинг эгаси ўз ишини битириб чиққунча сақланади.

Аҳоли зич яшайдиган катта шаҳарларда (Милан, Кельн ва бошқалар) автомобиллар механизацияшган кўп қаватли турар жойларда сақланади.

Автомобилларни узоқ муддат сақлаш учун автомобиллар турар жойлари жиҳозланади.

Автомобилларни сақлаш жойлари шахсий ҳовли юзасида ёки бостирмаларда, күп қаватли биноларга яқин жойлардаги якка тартибдаги жойда, ер усти ва остида ташкил қилинади.

Ер усти ва ер ости автомобиль сақлаш жойлари бир қаватли ёки күп қаватли бўлиши мумкин.

Бир қаватли сақлаш жойлар ахоли яшайдиган күп қаватли биноларга яқин жойда жиҳозланади.

Ер устидаги бир қаватли сақлаш жойлари учун маҳсус ер ажратилади ва у жиҳозланади.

Ер остидаги бир қаватли автомобиль сақлаш жойлари йўллар, тротуарлар, кўприклар, гулзорлар ва иморатлар остига жойлаштирилади.

Тошкент шаҳрида Пушкин ва Ассакинская кўчалари чоррахасида, Космонавтлар проспектида ва бошқа жойларда шундай автомобиль сақлаш жойлари қурилган.

Ер усти автомобиль сақлаш жойлари күп қаватли бўлиши ҳам, автомобилларнинг қаватдан қаватга қўтарилиши механизациялашмаган, яrim механизациялашган ва механизациялашган бўлиши мумкин.

Механизациялашмаган сақлаш жойларида автомобиллар қаватдан қаватга рампалар орқали ҳаракатланади.

Рампа турлари: - бир йўлли, икки йўлли;

- бино ичкарисида, бино ташқарисида;
- очик, ёпик;
- параллел, кесишадиган.

Рампаларнинг бўйлама оғиши:

- тўғри чизиқлида -18%;
- эгри чизиқлида -13%;
- очик рампада -10%.

Яrim механизациялашган сақлаш жойларида автомобилларнинг ҳаракати, қаватларга чиқиши ва тушиши лифт ёрдамида, қават бўйлаб эса, ўзининг юриши орқали амалга оширилади.

Адабиётларда келтирилишича механизациялашган сақлаш жойларининг элеватор, цилиндр, минора турлари кенг тарқалган. Элеватор тизими учта автомобилнинг майдонига мос келадиган майдонда 44 тагача автомобильни сақлаш мумкинлиги сабабли катта шаҳарларда қўл келади.

Цилиндр шаклидаги сақлаш жойи кичкина майдондан самарали фойдаланиш имкониятини беради. Транспорт лифти айлана марказида ҳаракатланади ва ҳар бир қаватда 6-12 машина-ўрин жойлаштирилади. Минора тизимида ҳар бир қаватда бтадан автомобиль жойлаштирилади ва қаватлар ер ости ва ер устидаги бўлиши мумкин.

Катта шаҳарларда кичик майдонлардан самарали фойдаланиш мақсадида механизациялаштирилган кўп қаватли очик сақлаш жойлари ҳам жорий этилмоқда. Бундай енгил конструкциялар мавжуд очик автомобиль сақлаш жойларига ўрнатилса, унинг сифимини бир неча баробарга ошириб беради. Бу тизимлар анча арzon ҳамда уни доимий ва вақтинча вариантларда ҳам қўлласа бўлади. Кўп ўринли сақлаш жойларида автомобильларга техник хизмат кўрсатиш ва майда таъмираш ишлари бажарилиши мумкин.

Автомобиль сақлаш жойи ер ости ва ер усти қаватлардан таш-кил топган, бошқа биноларга ёндошган ёки ёнига қурилган, ер сат-ҳидан паст ёки баланд, шу жумладан, биноларнинг тагида, ер остида, ертўла, цокол ёки пастки ерусти қаватларида бўлиши ҳамда маҳсус жиҳозланган ер сатҳидаги очик майдончаларда жойлашиши мумкин. Ер ости автомобиль сақлаш жойини кўча, майдон, сайилгоҳ ҳудуди тагига ҳам қуриш рухсат этилади.

Сиқилган табиий газ ва суюлтирилган нефть газларида ишловчи двигателли автомобиллар учун сақлаш жойини бошқа биноларга улаш ҳамда ер сатҳидан пастга жойлаштириш рухсат этилмайди.

Ер усти автомобиль сақлаш жойлари 9 қаватдан ва ер остилари эса пастки 5 қаватдан ошмаслиги лозим.

Сақлаш жойларида навбатчи ва хизматчи ходимлар учун хоналар, ғазна, назорат жойлари, нозимхона, муҳандислик жиҳозлари, ҳожатхона, мижозлар қўл юки учун омборлар, тельефон ва лифт мўлжалланиши мумкин. Йўловчи лифтига ногиронлик аравачаси кира олиши талаб қилинади.

Механизациялашган автомобиль сақлаш жойи 50 машина – ўриндан кўп бўлмаган блокларга бўлиниши ва иморат баландлиги 28 метрдан ошмаслиги белгиланган.

Биноларда жойлашган автотранспорт воситаларини сақлаш жойлари шароитга қараб иситиладиган ва иситилмайдиган бўлиши мумкин.

Автотранспорт воситалари иситиладиган биноларда сақланганда, бинонинг ички ҳарорати $+5^{\circ}\text{C}$ дан паст бўлмаслиги даркор. Бинога кирувчи автотранспорт воситалари қишки пайтда иситиб киритиладиган хона (тамбур) ёки майдонча билан жиҳозланади.

Автомобилларни сақлаш учун мўлжалланган бинолар бир ва кўп қаватли бўлиши мумкин. Бир қаватли бинолар содда ва кам харажатли бўлганлиги учун кенг тарқалган.

Автомобиллар ер ости бинолари (ертўла)да сақланганда ёнфиннинг олдини олиш ва озодалик талабларига амал қилинган бўлиши лозим.

Кўп қаватли сақлаш жойлари, асосан, енгил автомобиллар учун қўлланилади. Унинг таркибида 5 қаватли 285 машина-ўринли сақлаш жойи, бинога кириш ва чиқиш қоровулхоналари, автомобилнинг ўзи ҳаракатланадиган,

сақлаш жойидан ажратилған иккита бир йўлли рампа, техник хоналар, иситиши тизими ҳамда бинога бириктирилған, майдони 90 квм. бўлган, автомобиль эҳтиёт қисмлари магазини мавжуд. Автомобилларнинг кириб – чиқиши иккита автомат равишда очиладиган дарвоза орқали амалга оширилади. Сақлаш жойи куну –тун, дам олишсиз ишлайди.

Рампалар конструкциясига қараб тўғри чизиқли, ярим айланали, айланали турларга бўлинади. Рампаларда ҳаракат бир ёки икки томонлама бўлиши мумкин. Бинонинг катталиги, қаватларнинг кўплигига қараб рампалар тизими содда ёки мураккаб бўлиши мумкин. Рампалар бино ичига ёки таш-қарисига ўрнатилиши мумкин. Рампа бино ташқарисига жойлаштирилса, унга ёғингарчилик тушмаслиги чораси кўрилади.

Сақлаш жойларида қўлланиладаган рампалар қуйидаги талабларга жавоб бериши зарур:

- а) ҳаракат йўлагининг бўйлама ўқи бўйича қиялиги:
 - берк тўғри чизиқли рампаларда 18 % дан;
 - эгри чизиқли рампаларда 13 % дан;
 - очиқ (атмосфера ёғинларидан ҳимоя қилинмаган) рампларда - 10 % дан ошмаслиги шарт.
- б) рампаларнинг қўндаланг қиялиги 6 % дан ошмаслиги керак;
- в) пиёдалар ҳам юрадиган рампаларда кенглиги камида 0,8 м бўлган тротуар мўлжалланиши зарур.

Механизациялашган сақлаш бинолари автомобилларнинг тик ва горизонтал ҳаракатланишининг механизацияланиш даражасига қараб қуйидаги икки гурухга бўлинади:

1. Тўлиқ механизациялашган – автомобилларнинг қаватлар оралиғида тик юриши ва қават ичидаги горизонтал ҳаракати механизациялашган;
2. Ярим механизациялашган – автомобилларнинг фақат қаватлар оралиғидаги кўтарилиши ва тушиши механизациялашган, қават ичидаги эса ўзи ҳаракатланади.

Механизациялаштирилган ва автоматлаштирилган сақлаш биноларида автомобилларни жойлаштириш ва эгасига топшириш лифт-кўтаргич ва транспорт аравачалари (платформа) ёрдамида амалга оширилади

Автоматик сақлаш жойларининг элеватор, цилиндр, башня турлари кенг тарқалган. Элеватор тизими учта автомобилнинг майдонига мос келадиган майдонда 44 тагача автомобилни сақлаш мумкинлиги сабабли катта шаҳарларга қўл келади.

Цилиндр шаклидаги сақлаш жойи кичкина майдондан самарали фойдаланиш имкониятини беради. Транспорт лифти айлана марказида ҳаракатланади ва хар бир қаватда 6-12 машина-ўрин жойлаштирилади. Башня

тизимида ҳар бир қаватда бтадан автомобиль жойлаштирилади ва қаватлар ер ости ва ер устида бўлиши мумкин.

Катта шаҳарларда кичик майдонлардан самарали фойдаланиш мақсадида механизациялаштирилган кўп қаватли очиқ сақлаш жойлари ҳам жорий этилмоқда. Бундай енгил конструкциялар мавжуд очиқ автомобильсақлаш жойларига ўрнатилса, унинг сифимини бир неча баробарга ошириб беради. Бу тизимлар анча арzon ҳамда уни доимий ва вақтинча вариантларда ҳам қўлласа бўлади.

Бундай комплекс механизациялаштириш усуллари автомобиллар орасидаги масофаларни ҳамда қаватлар баландлигини камайтириш ҳисобига бино майдони ва ҳажмини, яъни бир сақлаш жойига тўғри келадиган майдонни анчагина тежаш имконини беради.

Лекин кўргина мамлакатларда, шу жумладан, бизнинг мамлакатимизда ҳам ҳозирга қадар аҳоли тасарруфидаги автомобиллар кўп қаватли уйлар мавзеларида темир гаражларда сақланиб келинган. Бу эса, ер майдонининг ортиқча сарфига, мавзе манзарасини бузилишига олиб келади. Ҳозирги кунда МДХ давлатларининг кўпчилигига шаҳар қурилишидаги ҳолат ўзгарди, масалан Россияда 2004 йилдан бошлаб яшаш учун бинолар қурилаётган мавзеларда замонавий кўп қаватли автомобилларни сақлаш иншоотлари ҳам қуриш мўлжалланган. Энди шаҳарлар гузарларда фақат дўконлар ва савдо марказлари эмас, балки замонавий автомобиль сақлаш жойлари ҳам режалаштирилмоқда ва шахсий автомобиль эгаларининг маблағлари ҳисобига “Халқ гаражлари” қуриш ҳам кенг йўлга қўйилмоқда.

Кўп қаватли сақлаш жойларида очиқ ва ёпиқ вариантлар мужассамлашган бўлиши, масалан, икки ер ости қавати ва биринчи ер усти қаватлари – ёпиқ, ундан юқорилари эса очиқ бўлган сақлаш жойлари қурилиши мумкин. Бундан ташқари, сақлаш жойларининг томларидан фойдаланиш масалалари ҳам кўриб чиқилмоқда, яъни бу жойлар шу мавзеда яшовчиларнига бир неча кунга келган меҳмонлар учун ҳам мўлжалланган бўлади.

Енгил автомобиль учун кенг тарқалган стандарт майдон $2,5 \times 5,7$ метр. Лекин шу қаторда 3×6 ёки 4×6 метрли майдон режалаш-тириш ҳам мумкин. Бу люкс майдон бўлиб, талабга биноан унинг атрофини енгил материаллар билан ўраб қўйиш, иситиш учун манба келтириш ва ҳоказо ишлар бажарилиши мумкин.

Ҳозирги кунда ривожланган мамлакатларда замонавий терминаллар билан биргаликда тўхташ ва сақлаш жойлари мажмуаси ҳам қурилмоқда.

2.3.7-расм. Замонавий терминал ва сақлаш жойларининг режаси.

P_1 – қисқа муддатли тўхташ жойи, P_2 – қисқа муддатли сақлаш жойи, P_3 – қисқа муддатли сақлаш жойи, P_4 – автобуслар сақлаш жойи, P_5 – автомобиллар ижараси, P_6 – такси автомобилларини сақлаш жойи.

Унда қисқа муддатли тўхташ жойи, қисқа муддатли сақлаш жойи, автобуслар сақлаш жойи, автомобиллар ижараси, такси автомобилларини сақлаш жойи мўлжалланган бўлиб, терминал биносига кириш икки поғонадаги йўлак билан амалга оширилади. Майдонлар юк аравачалари, турар жой ҳақини тўлаш учун автоматик ғазналар, ногиронларни тушириш жойи каби қуайликларга эга.

2.4. Мотеллар ва кемпинглар.

Мотель – автотуристлар ва юк ташувчи хайдовчилар учун мўлжалланган меҳмонхона, ресторан, автомобиллар сақлаш жойи, автосервис биноси, ёнилғи қўйиш шохобчаси, автомобилларнинг қисқа муддатга тўхташ майдонларидан ташкил топган мажмуадир. Мотеллар жойлашишига қараб икки турга бўлинади: биринчиси - 1-тоифа автомобиль йўлларининг чеккалари ва асосан катта шаҳарга кириш жойларида, иккинчиси эса, дengиз, дарё ёки сув ҳавзалари бўйлари ва манзарали ўрмон массивларида фаол (овчилик, саёхат, от ёки бошқа спорт тури) дам олувчилар учун курилган мажмуалардир.

Мотеллар йил давомида куну-тун ишлайди. Катта шаҳарларнинг ҳалқа йўлларида жойлашган мотелларнинг асосий биносида меҳмонхона, ресторан, бар, алоқа бўлими, савдо шохобчалари ва алоҳида бинода эса мукаммал жиҳозланган автосервис станцияси жойлаштирилган ҳамда худудда ёнилғи қўйиш шохобчаси, қўриқланадиган сақлаш жойи ва тўхташ майдончалари режалаштирилган бўлади. Туристлар қисқа муддатга тўхтаганда мотелнинг асосий худудига кирмасдан ошхона, кафе, тозалик-санитария ва автосервис хизматидан фойдаланиш имконияти яратилади ва бунинг учун уларга кириш йўллари магистраль йўлга яқин жойлаштирилади. Меҳмонхона ва дам олиш масканлари эса ичкари қисмга режалаштирилади.

Автосервис станцияси автомобилларни автоматик ювиш, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш постларига эга. Устахоналарда эса носоз деталларни мавжуд эҳтиёт қисмларга алмаштириш билан агрегатлар, кузов ва қанотларнинг шикастланган жойлари таъмирланади ва қузовни қисман ёки тўлиқ бўяш ишлари олиб борилади. Халқаро автомобиль йўллари бўйлаб жойлашган мотелларда енгил автомобиллардан ташқари юк автомобиллари ҳамда автобусларга керакли сервис хизмати ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш имконияти яратилади. Масалан, Москва-Крим автомагистралида жойлашган "Мотель-Авто" мажмуаси барча турдаги автомобиллар учун қуйидаги хизматларни таклиф этади: барча

турдаги чилангарлик ишлари (8 постда); двигатель ва узатмалар қутиларининг мукаммал таъмири; компьютер диагностикаси; ҳар қандай мураккабликдаги кузов ва бўёқчилик ишлари; компьютерда ранг танлаш; сигнализация ва аудиоаппаратлар ўрнатиш; кондици-онерни тўлдириш ва таъмирлаш; фараларни созлаш; олдинги ғил-диракнинг яқинлашув-оғиши бурчакларини созлаш; ультратовуш билан барча турдаги форсункаларни тозалаш ва йиғиш; тонировка, тюнинг, автомобиль ойналарининг дарзи ва қотирилишини таъмирлаш; автомобилларни ювиш, ялтиратиш, кимёвий тозалаш; шино-монтаж ва ғилдиракни компьютерли мубаозанатлаш. Булардан ташқари холис экспертиза, эвакуация хизмати ва қўриқланадиган автомобиль сақлаш жойи, катта номенклатурада эхтиёт қисмлар таклиф этилади ва йўқлари эса буюртма асосида етказиб берилади.

Фаол дам олиш масканларида жойлашган мотелларнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, уларда катта ҳудудда дам олувчилар учун шариот яратилади. Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишлари учун ишлаб чиқариш-техника базаси эса кичик ҳажмда, яъни автомобилларни ювиш, майда таъмирлаш ишлари учун устахона, сақлаш жойи мўлжалланган бўлади.

Бундай мажмуаларда меҳмонхонанинг энг қулайи ва арzon-лари, шинам коттеджлар, ресторан, бильярд, кафе-бар, дискотека, ҳаммом, сауна, ижарага бериш жойи, зоопарк, спорт мажмуаси ва дам олиш йўналишига қараб бошқа иншоотлар бўлиши мумкин.

Уларда ёзда ҳайвон, қуш ва балиқ ови, пляж, қайиқ станцияси, спорт майдончаси, қишда эса тоғ чанғиси, оддий чанғи трассалари ва конки катоклари таклиф этилади. Айримлари корпоратив дам олишни (300 кишигача) ҳам ташкил этадилар ва улар учун имтиёзлар берилади.

Кемпинг – ёз мавсумларида енгил автомобиль ва автобусларда саёҳат қиласидиганларга хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган керакли қурилмалар билан жиҳозланган ва ободонлаштирилган ҳудуддир. Кемпинглар, одатда, манзарали табиат қўйнида, катта автомобиль йўлларига яқин жойларга қурилади. Автотуристлар учун ётоқхона сифатида палаткалар (2-4 ўринли) ишлатилади. Палаткалар атрофида автомобиль учун сақлаш майдончаси ажратилади. Сақлаш жойи умумий майдонда қўриқланадиган бўлиши ҳам мумкин. Замонавий кемпингларда палаткалардан ташқари ёғоч уйчалар ва коттеджлар, экзотик қалъа, гор ва бошқалар таклиф этилмоқда.

Доимий қурилмалар сифатида мустақил овқат тайёрлаш ошхонаси (чойхона), ресторан, кафе-бар, идора, палатка ва бошқа анжомларни ижарага бериш жойи, санитар-гигиена (табобат, массаж хоналари, душ, ҳожатхона) мажмуаси, автомобилларни ювиш жойи ва уларни кичик техник кўриқдан ўтказиш учун эстакада қурилади. Булардан ташқари мавжуд талаб ва

шароитлардан келиб чиқиб озиқ-овқат дўкони, алоқа бўлими, дискотека ва бошқа спорт мусобақалари ташкил этиш иншоотлари режалаштирилиши мумкин. Хорижда от спорти, чанғи учиш ва шунга ўхшаш спорт мусобақаларини табиат қўйнида ташкил этувчи кемпинглар мавжуд. Замонавий кемпингларда мижозларнинг барча талабларини эътиборга олган ҳолда сервис хизмати яратилган, яъни уларда муҳим ишчи-ҳамкорлик учрашувлари ўтказиш ҳам дам олиш мумкин.

Худудни лойиҳалаётганда палаткаларни жойига қараб қулай жойлаштириш, улар орасидаги масофани тўғри белгилаш ва табиат манзараси ҳамда ўсимликларни сақлаб қолишга эътибор берилади. Кемпингда транспорт ҳаракати дам олиш жойларидан йирокроқда, яъни дам оловчига халақит бермайдиган ҳолда шакллантирилади. Худуд майдони бир турист учун 100-120 м² ҳисобидан аниқланади. Кемпинг қурилиши нисбатан кам сарф-харажат талаб қилиши, Ўзбекистон худудининг географик қулайлиги ҳамда зиёратгоҳ ва манзарали дам олиш масканларининг кўплиги ушбу сервиснинг республикамизда истиқболли эканлигини белгилайди.

2.5. Автосервис корхоналарининг асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлари

Лойиҳаланаётган, қурилаётган ва фаолият кўрсатаётган автосервис корхоналарининг ҳозирги замон талабларига жавоб бериши уларнинг техник иқтисодий кўрсаткичлари ҳисобларини таҳлил қилиш натижасида аниқланади.

Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш станцияларининг техникиктисодий кўрсаткичлари сифатида бир ишчи постига тўғри келадиган 7 та солиштирма кўрсаткич тавсия этилади (3.1-жадвал).

Лойиҳалар техник-иқтисодий кўрсаткичларининг қийматлари фарқ қилишининг боиси - лойиҳалашнинг технологик ҳисобида дастлабки маълумотлар сифатида Гипроавтотранс автомобилларнинг бир қанча моделларини олган, ВАЗ лойиҳалаш бюроси фақат ВАЗ автомобилларини олган. Иш ҳажмлари ва корхонанинг ишлаш режими ҳам ҳар хил қабул қилинган.

ЎзДЕУ автомобиллари учун ҳам станцияларнинг шундай техникиктисодий кўрсаткичлари маҳсус адабиётларда келтирилади.

Автосервис корхонасининг қуввати ундаги ишчи постларининг сони билан характерланади. Ишлаб чиқариш участкаларининг қуввати технологик жихозларнинг иш унуми ва ишчилар сонига қараб ҳамда битта ишбай ишчининг ҳар йилги йилга нисбатан) автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш хизматининг ҳажми билан баҳоланади.

3.1жадвал

ШаҳарАТХКС лойиҳаларининг солиштирма техник-иқтисодий кўрсаткичлари


Кўрсаткичлар	Ленгипроавто- транс			ВАЗ лойиҳалаш бюроси			Гипроавтотранс		
Хизмат кўрсатиладиган автомобиллар сони	Постлар сони								
	6	11	15	25	25*	50*	50*	10	20
	120	116	125	151	151	182	260	203	203
Бино ичидаги автомобиль постлари **	1.0	2.2	2.3	2.8	2.0	3.4	3.7	2.2	2.5
Жами ходимлар сони	6	5.4	5.8	6.6	6.4	7.5	7.1	7.7	7.1
Ишлаб чиқариш ишчилари	4.3	4.0	4.4	4.9	4.9	5.3	5.5	5.9	5.7
Участка майдони, м ²	1383	1000	973	1048	1048	682	680	820	650
Бош бино фойдали майдони, м ²	138	218	222	241	205	249	254	201	246
Бош бино қурилиш ҳажми, м ³	833	1380	1456	1575	1240	1722	1850	1225	1469

* - дўкон билан;

**- бунга ишчи, ёрдамчи постлар ва кутиш постлари ҳам киради.

Назорат саволлари

1. Автотранспорт воситалари сервиси корхоналарининг турлари ва уларнинг вазифалари.
2. Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш корхоналари турлари ва уларнинг вазифалари.
3. Автомарказларнинг вазифалари.
4. Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш станцияларнинг турлари ва вазифалари.
5. Ёнилғи қўйиш шоҳобчалари ва вазифалари.
6. Ёнилғи қўйиш шоҳобчаларининг ишлаб чиқариш техник базасининг вазифалари.
7. Сиқилган ва суюлтирилган газ тўлдириш шоҳобчалари.
8. Автомобилларни сақлаш жойлари ва усуллари.
9. Автосервис корхоналарининг асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлари.



3-Маъруза. Автосервис хизматига қўйиладиган талаблар ва уларни белгиловчи ҳужжатлар

Режа:

- 3.1.Автосервис хизматининг сифати тўғрисида тушунча. Ишлар сифати ва хизмат маданияти.**
- 3.2.Давлат, тармоқ ва корхоналарнинг хизматлари сифатини белгиловчи ва кафолатловчи стандартлари, хавфсизлик ва экологик талаблари.**
- 3.3.Автосервис хизмати сифатини таъминлаш учун зарур бўлган техник-технologик ҳужжатлар.**

Мамлакат автомобиль транспортининг кескин ўсиши шароитида моддий-техника ва меҳнат ресурсларини тежашни таъминловчи омиллардан бири - бу автотранспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш ва жорий таъмирлаш сифатини оширишdir.

Бозор муносабатларининг чуқурлашишида бу йўналиш ўз аҳамиятини янада оширади, чунки сифатсиз ТХК ва ЖТ қўшимча харажатларга олиб келади,

автосервис корхонасининг обўсини туширади ва мижозни йўқотишга олиб келади.

Махсулотнинг нави, синфи унинг ажралмас хусусияти бўлгани ҳолда сифат – бу маҳсулотни харидор талабига қандай жавоб берини кўрсатувчи кўрсаткичdir.

Махсулотнинг сифати деганда унинг нимага мўлжалланганлигига қараб, белгиланган талабларни қониқтирувчи хусусиятлар мажмуаси тушунилади. “Ёмон”, “яхши” ва “аъло сифатли” терминлар қўлланиши мумкин.

Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш сифатини бошқаришда асосий кўрсаткич бўлиб, автомобил ва унинг агрегат ҳамда тизимларининг техник ҳолат даражаси қабул қилинади.

Бозор иқтисодиёти шароитида рақобатга чидаш ва унда муваффакиятли кураш олиб боришнинг асосий шартларидан бири бозорга қўйилган товар ёки хизматнинг юқори сифатли бўлиши ва унга бериладиган кафолат ҳисобланади. Автосервис хизмати ҳам бу қоидадан ҳоли эмас, чунки мижозлар автомобилларига кўрсатилаётган хизматларнинг сифати хизмат кўрсатувчиларнинг бозордаги, тадбиркорлик фаолиятидаги муваффакиятлари гаровидир. Хизмат кўрсатиш соҳасида, жумладан, автосервис хизматида ҳам, сифат икки қисмдан, яъни автомобилда бажарилган ишларнинг сифати ва автомобиллар эгалари мижозларга қилинадиган муомала маданияти ҳамда қулийклардан иборатdir.

Автомобилларга ТХК ва уларни таъмирлаш миқёсида бажариладиган ишлар техник хужжатларда кўрсатилган технологик тартибда, техник талаблар ва шартларга риоя қилинган ҳолдагина бажарилса, бундай бажарилган ишларни сифатли деб тан олиш мумкин. Масалан, автомобил моторининг блок каллаги алюминий қотишмасидан тайёрланган блокларда совук ҳолдалигида қотирилса, чўян қотишмасидан тайёрланган блокларда иссиқ ҳолдалигида қотирилади (бу техник шарт), қотириш ўртадаги шпилькадан бошлаб шахмат усулида бажарилади (бу технологик талаб), қотириш моментли “ГАЗ-53” мотори учун 67-72 Нм, “Зил-130” мотори учун 70-90 Нм ва “ГАЗ-24” моторлари учун 73-78 Нм бўлиши (бу техник талаб).

Ҳар бир соҳадаги каби сервис хизмати кўрсатишда ҳам сифат муаммосини ечишда хар томонлама ёндошиш талаб этилади, яъни бир неча ўзаро боғлиқ бўлган масалаларни кетма-кет ёки параллел равишда ҳал этиш зарурияти пайдо бўлади.

ТХК ва таъмирлаш ишлари сифатини шакллантирувчи омилларни санаб ўтамиз, улар қуйидагилар:

1. Ишлаб чиқаришни технологик тайёрлаш;
2. Моддий-техника таъминоти;

3. Кадрларни тайёрлаш ва доимо ўқитиши;
4. Метрологик таъминот;
5. Хизмат сифатига бўлган талабларни меъёrlаштириш ва хизмат сифати даражасини барқарорлаштириш;
6. Хизматни баҳолашдан ўтказиш (сертификация);
7. Хизмат сифатини яхшилашни рағбатлантириш;
8. Хизмат сифатини бошқаришни хуқуқий таъминлаш;
9. Давлат томонидан давлат стандартларининг жорий этилиши ва унга риоя қилинишини, техник шартларни, техник ўлчов воситалари ҳолатини назорат қилиш;
10. Хизмат сифатини муассасалар томонидан назорат қилиш;
11. Тизимни маълумот (ахборот) билан таъминлаш.

Шу кўrsatилган барча йўналишлар бўйича корхонада ишлаб чиқаришни стандартлари тузилади ва уларда ўз йўналишлари бўйича бажариладиган тадбирлар, бажарувчи бўlimлар ва ижроилар аниқ кўrsatилади.


3.2. Давлат, тармоқ ва корхоналарнинг хизматлари сифатини белгиловчи ва кафолатловчи стандартлари, хавфсизлик ва экологик талаблари.

Ҳар қандай кўrsatиладиган хизматнинг сифатига мижозлар қўядиган талаблар давлат қонунларида акс эттирилади ва шу ҳолатдагина уларнинг бажарилишига хуқуқий асос яратилади. Ўзбекистонда ва Россияда бундай қонунлар хозирча иккита: "*Истеъмолчиларнинг хуқуқини ҳимоя қилиши тўғрисида*"ги қонуни 1996 йил май ойида қабул қилинган (Ўзбекистонда) ва "*Товарлар ва хизматчиларни сертификация қилиши тўғрисида*"ги қонун. Бу қонунларда товар (мол) ишлаб чиқарувчи ёки савдо қилувчилар билан истеъмолчилар, мижозларнинг ўзаро ҳақ-хуқуқлари, вазифалари, жавобгарликлари умумий тарзда келтирилган. Иккинчи қонунда эса товарни ёки хизматни сертификация қилиш, яъни уларни барча талаблар, стандартлар асосида тайёрланганлиги ёки бажарилганлигини давлат томонидан тасдиқланиши ва шу тўғрисида хужжат ёки белги бериш белгиланган.

Бу қонунлардан ташқари давлатнинг яна бир қанча стандартлари (ГОСТлари) мавжуд бўлиб улар хавфсизликни таъминлаш ва табиатни асрар, экология талабларидан келиб чиқади. Масалан, автомобилнинг кафолати, чироқлари, сигнализация, бошқарув органларига қўйилган стандартлар шулар жумласидандир.

Шунингдек, автомобиллар ишлаб чиқарувчи фирмаларнинг ўз маҳсулотларига техник хизмат кўrsatiш ва таъмирлашда қўлланиладиган турли қоидалар, низомлар, техник талаблар, шартлар, технологик интизом ва ҳоказолар ҳам мавжуддир.

Юқорида келтирилган давлат қонунлари, стандартлари, соҳа ва муассасаларнинг талаблари асосида сервис хизмати кўрсатувчи корхоналар хизмат сифатини таъминлаш ва уни талаб даражасида барқарор ушлаб туриш мақсадида айтиб ўтилган йўналишлар бўйича ўз стандартларини ишлаб чиқаради ва амалга оширади. Товарлар ва хизматлар сифатига қўйиладиган барча ҳукуқий ва меъёрий хужжатлар тизимини қўйидаги чизмада тасаввур қилиш мумкин.



3.1-расм. Давлат қонунлари ва стандартлари.

Ўзбекистонда автомобилларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш тўғрисида «НИЗОМ» ва аҳоли автомобилларига хизмат кўрсатиш қоидалари ишлаб чиқилган (3.1-расм).

Низомда автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлашнинг асослари, меъёрлари, шунингдек уларни автотеххизмат корхоналарида ташкил этиш бўйича тавсияномалар келтирилади [25]. Низомни асос қилиб автомобилларни техник ҳолатини таъминловчи маълум бир стратегия танлаб олинади.

Қоидада эса мижоз билан ижрочи орасидаги алоқаларни, таркибларни ҳукуқий меъёрлари келтирилади. Шу жумладан:

- а) буюртмани бажариш муддати:
- ТХК ва давлат техник қаровига тайёрлаш - 2 кун;
- жорий таъмирлаш - 15 кунга қадар;

- кузовни тўла бўяш (эскисини олиб ташлаб) - 15 кунга қадар;
 - кузовни тўла тиклаш ва бўяш - 45 кунга қадар;
- б) сифатнинг кафолати:
- ТХК - камида 10 кун;
 - автомобиль, агрегат, узелнинг жорий ремонти - 30 кун;
 - кузовни бўяшга - 6 ой;
 - агрегатни қайта тиклаш - 6 ой, юрган йўли 15 минг км.га қадар;

3.3. Автосервис хизмати сифатини таъминлаш учун зарур бўлган техник-технологик ҳужжатлар

Автомобилларга ТХК ва уларни таъмирлаш ишларининг ташкил этилиши тартиблари ҳамда технологиялари автомобиль-созлик компаниялари томонидан тайёрланган махсус техник-технологик ҳужжатлар асосида олиб борилади. Ҳар бир компания турли русумдаги ўзи чиқарган автомобилларга ТХК ва таъмирлаш ишларини белгиловчи ҳужжатларни ўз вақтида тайёрлаб, аввало, автомобиллар билан савдо қилувчи ва хизмат қўрсатувчи дилер-ларга етказиб беради, айримларини эса ҳар бир сотилган автомобилларга қўшиб харидорга беради. Бу ҳужжатларнинг асосийлари қўйидагилардир:

- автомобиллардан фойдаланиш қоидалари;
- сервис дафтарчаси;
- автомобилдан фойдаланиш тўғрисида қўлланма;
- автомобилга ТХ қўрсатиш ва таъмирлаш тўғрисидаги қўлланма;
- кафолатли хизмат тўғрисидаги низом;
- ТХК ва таъмирлаш ишларини бажаришга технологик хариталар ва ҳ.к.

Ҳужжатлар автомобиллар сотиладиган мамлакатлар, географик ҳудудларда қўлланиладиган давлат тилида ёзилиши шарт. Кўр-сатилган ҳужжатларга таяниб, ҳар бир мамлакат ўз давлат қонун-чилигидан келиб чиқсан ҳолда автомобилларга техник хизмат кўр-сатиш ва уларни таъмирлаш қоидасини ёки низомини тасдиқлади.

Автокомпаниялар ва давлатлар томонидан тасдиқланадиган ҳужжатлар соҳада ягона техник сиёsat ўрнатиш ТХК ва таъмирлаш тизимига, унинг ташкил этилишига зарур талаблар қўйиш имкониятларини яратади. Ҳужжатларда автомобиллар эгалари, автомобильсозлик компаниялари ва хизмат қўрсатувчи корхоналарнинг ўзаро муносабатлари белгиланади, шунингдек, автомобилларнинг ишончли ва хавфсиз ишлашларининг таъминловчи ТХК ва таъмирлашнинг турлари ҳамда меъёрлари келтирилади.

Автомобилларга ТХ қўрсатиш ва уларни таъмирлаш тизими, яъни автомобилларнинг ишончли, самарали ва хавфсиз ишлашларини таъминловчи

низомлар, дастурлар, ТХК ва таъмирлаш меъёрлари мажмуи маълум бир стратегияга асосланган бўлади.

Бу стратегия дунё мамлакатларида автомобиль транспортида турлича аталса-да, моҳияти жиҳатидан бир хил бўлган тасодифий бузилишларнинг олдини олувчи режали “ТХК ва таъмирлаш” тизимиdir. ТХКСларида техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича барча амал(операция)ларнинг асосини **технологик харита** ташкил қиласи, яъни барча амаллар илгаридан тузилган хариталар бўйича бажарилади [24].

Технологик харита – бу автомобиль ёки унинг агрегатлари, узелларига бўладиган таъсиrlарнинг барча турлари ва кетма-кетли-ги, уларни бажариш учун керак бўладиган жиҳоз, ускуна ва асбоб-лар, бажарувчилар малакаси, бажариш учун вақт бирлиги ва амал қилиниши зарур бўлган техник талаблар келтирилган ҳужжатдир. Технологик хаританинг шакли қуидаги жадвалда келтирилган.

Технологик харита

№	Амалларнинг номлари	Ба-жарилиш жойи	Хиз. кўр. жойлари сони	Бажарувчи и малакаси	Керакли жиҳозлар, мосламалар асбоблар	Мехнат ҳажми, и. с.	Техник талаблар

Назорати саволлари:

1. Автосервис хизматини хуқуқий ва меъёрий жиҳатдан таъминловчи ҳужжатлар.
2. Автосервис хизмати сифатини шакллантирувчи омиллар.
3. Ишлар сифати ва хизмат маданияти.
4. Давлат, тармоқ ва корхоналарнинг хизматларни сифатини белгиловчи ва кафолатловчи стандартлари.
5. Давлат, тармоқ ва корхоналарнинг хавфсизлик ва экологик талаблари.
6. Ўзбекистонда автомобилларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш тўғрисида «НИЗОМ»
7. Сифатнинг кафолатланиши.

Автобус кузовини таъмирлаш ва бўяш технологик харитаси

Операция №	Операция ва ўтишлар номи	Жиҳоз ва мосламалар номи	Бажарилиш жойи	Бажарувчин инг мутахассисл иги ва	Техник шарти	
1	Автобусни постга қўйиш	ИСУЗУ			2	
2	Кузов қанотини автобусдан ечиш	Махсус калитлар	Кузов устахонаси	Туникикасоз 4-разряд	10	Занг босган болтларни ечиш учун тормоз суюклиги ёки юмшатгичдан фойдаланилади
3	Кузов қанотини пачоқланган жойини тўғрилаш	Тунукасоз маҳсус асбоблари			120	Зарур бўлса, электр пайвандлагич, кемпинг ёки газ пайвандлагичдан фойдаланилади
4	Текисланган юзани бўяшга тайёрлаш:		Бўяшга тайёрлаш пости Бўёқчи, 3 разряд	Туникикасоз 4-разряд		
	а) текисланган юзани силлиқлаш	кумқоҳоз			30	Юза маҳсус сувга чидамли қумқоҳоз билан силлиқланади
	б) юзани шпаклёвкалаш	Шпател			30	Шпатлёвкаланган юза 20÷30 мин қуритилади
	в) юзани силлиқлаш	кумқоҳоз			20	Юза маҳсус сувга чидамли қумқоҳоз билан силлиқланади
	г) юзани якуний шпаклёвкалаш	Шпател			30	Шпаклёвкаланган юза 20÷30 мин қуритилади
	д) юзани якуний силлиқлаш	кумқоҳоз			20	Юза маҳсус сувга чидамли қумқоҳоз билан силлиқланади
	е) юзани грунтовкалаш	Бўёқ сепгич, қиздиргич			20	Грунтовкани текис ва бир катлам сепилади ва 110-130°C ҳарорат билан 20 минут қуритилади
5	Юзани бўяш	Бўёқ сепгич	Бўяш камераси	Туникикасоз, 3-разряд	20	Бўяш 60÷70°C ҳароратда бажарилади
6	Юзани қуритиш	қиздиргич			40	қуритиш ҳарорати 110-130°C бўлиши керак
7	Юзани ялтиратиш	Юмшоқ мато			10	Ялтиратиш пастасидан фойдаланилади
8	Автомобилдан ечилиган буюмларни жойига ўрнатиш			Тунукасоз, 3-разряд	20	Автомобилдан ечиб олинган буюмлар тескари кетма-кетликда жойига ўрнатилади

4. Мавзу. Фирма усулидаги автосервис хизмати

Режа:

- 4.1. Фирма усулидаги автосервис тўғрисида тушунча ва унинг соҳадаги етакчи ўрни.**
- 4.2. Автомобилсозлик компаниялари ва уларнинг дилерлари ташкил этган фирма усулидаги автосервис.**
- 4.3. Фирма усулидаги автосервиснинг жаҳон автосервис бозорларидағи роли ва аҳамияти Ўзбекистонда фирма усулидаги автосервис.**

Фирма усулидаги автосервис хизматини кўрсатиш автосервис хизматининг энг аҳамиятли усулларидан бўлиб, у биринчидан, автомобилларни ишлаб чиқариш ва харидорларга сотиш билан боғлиқдир. Чунки автомобилларни сотиб олаётган харидорлар сотувчидан автомобилларни ишончли ишлашини, бузилган ҳолларда тузатиб беришлари ва ишдан чиқсан қисмларини алмаштириш учун эҳтиёт қисмлар билан таъминлашни кафолатлашларини талаб этишади. Шу сабабли автомобилларни сотиш учун автосервис хизмати кўрсатувчи тизимни ташкил қилиш эҳтиёжи туғилган. Ўзбекистонда ҳам автомобилсозлик саноатига боғлиқ фирма усулидаги автосервис хизматини кўрсатиш ташкил этилган. Бундай автомобилсозлик саноати томонидан ташкил этилган автосервис хизмати бугунги кунда янада ривожланиб бораяпти ва унинг номи фирмавий автосервис ёки фирма усулидаги сервис хизматидир.

Фирма усулидаги сервис хизмати қўйидаги хусусиятларга эгадир:

- хар бир автомобил ишлаб чиқарувчи компания факат ўз маҳсулотлари бўлган автомобилларга сервис хизмати кўрсатишни ташкил этади;
- сервис хизмати автомобиллар дунёning қаерида сотилса, ўша жойларда ташкил этилади;
- хизмат тўла шаклда, яъни автомобиллар сотишдан тортиб то ТХК ва таъмирлашнинг барча турлари бажарилади, шунингдек эҳтиёт қисмлар, таъмирлаш материаллари билан тўлиқ таъминланади;
- автосервис хизмати кўрсатувчи ва фирма усулида ишловчи барча корхоналар (автомарказлар, дилер станциялари, маҳсус устахоналар ва х.к.) ўз компаниялари томонидан зарур технологик жиҳозлар асбоб-ускуналар, техник ва технологик ҳужжатлар билан тўла таъминланади;
- компания ўз автосервис корхоналари учун барча кадрлар ва мутахассисларни тайёрлайди ва уларнинг касбий малакаларини доимо ошириб боради.

Фирмавий усулда автосервис хизматини ташкил этишнинг қўйидаги **8 та қоидаси**, айниқса, муҳимдир:

1.Стратегия танлаш. Ҳар бир бозор учун мижозлар кандай хизматларни талаб этади, аввало шуни аниқлаш (маркетинг) га эътибор берилади.

2.Мижозлар билан алоқа ўрнатиш, улар учун қулайликлар яратиш. Агар мижозлар талаби кўп жиҳатдан қондирилмаса, улар-нинг кўнгли совиб кетишига қарши чоралар қидириш, қўшимча хизматлар ташкил этиш (видео, кинофильмлар намойиш қилиш, кўргазмалар ташкил этиш ва х.к.).

3.Хизмат корхонасининг ўз ходимларига бўлган аниқ ва равshan талаби. Хизмат кўрсатиш ходимларининг барчаси учун баробар зарур бўлган намунавий (стандарт) хизмат қоидасини жорий этиш.

4.Узлуксиз таъминлаш тизимини яратиш.

5.Сервис хизмати ходимлари малакасини доимо ошириб бориш, ўқитиши.

6.Нуқсонсиз ишлашга эришиш. Сервис хизмати элементлари сонини мумкин қадар камайтириш, яъни буюртма қабул килингандан то у эгасига топширилгунга қадар.

7.Мижоз хизматни баҳоловчи энг ишончли ҳакам. Уларнинг фикрларини ўрганиш ва иложи борича ҳисобга олиш.

8.Ижодга йўл очиш. Ҳозирги сервиснинг шиори "Мижозга кўпроқ хизмат кўрсатиш". Унга автомобил сотиши, у билан алоқа ўрнатилишининг бошланишидир. Сервис хизматининг янги усулларини доимо излаш.

Сервиснинг муҳим элементларидан бири бу **техник хужжатлардир**. Улар истемолчилар тилида содда ва равон усулда чиқарилади.

Бу хужжатларнинг муҳими:

-автомобиллардан фойдаланиш тўғрисида йўриқномалар:

-ТҲК ва таъмирлаш тўғрисида қўлланмалар:

-эҳтиёт қисмлар каталоги:

-кафиллик хизмати тўғрисидаги хужжатлар.

Амалда автомобильсозлик компаниялари фирма усулидаги автосервис хизматини ташкил этишда мавжуд вариантлардан (4.2. банд) бирини танлаб олиш билан чекланмай балки бир неча вари-антларидан иборат тизимларини қўллашлари мумкин. Масалан, Франциянинг энг йирик автомобиль компанияларига қарашли бутун дунё бўйлаб кенг ёйилган автомобилларга фирма усулида хизмат кўрсатувчи тармоқларида 13000 атрофида АСС лари ва авто-устахоналари фаолият кўрсатади. Шулардан 6000 таси мамлакат ташқарисидадир. Ихтисослашган автомарказларда 50, 75, 100 постли АССлар, автомобиллар ва эҳтиёт қисмлар билан улгуржи савдо қилувчи

базалар ва бошқа маъмурий, молиявий, юридик ва ахборот муассасалари жойлашган.

4.2. Автомобилсозлик компаниялари ва уларнинг дилерлари ташкил этган фирма усулидаги автосервис

Автомобилсозлик компаниялари ўзлари ташкил этган автосервис тизимида жуда катта эътибор ва жиддийлик билан қарайдилар. Чунки бу тизим автомобилсозларни ўз мижозлари, яъни автомобилларни сотиб оловчи ва ишлатувчилар билан боғловчи муҳим вазифани бажарадилар, ўз компаниялари автомобилларини, сервис хизмати кўрсатишдаги мижозлар учун яратилган қулайликларни реклама қиласидар. Хуллас, ўз компаниялари автомобилларини сотиб оловчи ва ишлатувчилари билан алоқа боғлашда муҳим вазифани бажаради, яъни ўз компанияларининг хақиқий жонкуярлари эканлигини намойиш этади. Шу сабабли компанияларнинг автомобиллар бозорларидаги мавқеи, тижорий ишларининг муваффақияти айнан шу сервис хизмати тизимининг самарали ишлашига боғлиқдир. Бу сервис хизматининг фирмавий усули деб аталишини сабаби эса, ҳар бир автомобильсозлик компанияси автосервисининг ўзига хослиги, бошқа компаниялар сервисидан бирон-бир жиҳати билан ажралиб туришидир. Албатта, бу ўзига хосликлар биринчи навбатда мижозлар манфаатиларига хизмат қилишлари шарт.

Масалан, баъзи автомобильсозлик компаниялари ўз автомобилларига ёки уларнинг муҳим қисмларига кафолатли ишлаш даврларини бошқаларга нисбатан кўпроқ белгиласалар, бошқа бирлари эса сервис хизматида мижозлар учун турли қулайликлар яратиш билан шуғулланадилар.

Шуни таъкидлаш зарурки, фирмавий усулда ишловчи автосервис хизматини ташкил этиш автомобилсозлик компаниялари учун осон иш эмас. Бунинг учун компания мутахассислари катта ҳажмдаги иқтисодий-ташкилий масалаларни таҳлил ва ҳисоб-китоб қилиб чиқадилар, сўнгра фирмавий усулда автосервис хизмати ташкил қилинишининг қўйидаги вариантларидан бирини танлаб оладилар:

- ўзининг махсус тизимини яратиш;
- автомобиллар ишлаб чиқарувчи компаниялар билан махсус шартлар асосида ишловчи, асосий фаолияти бошқа соҳа бўлган (сугурта компаниялари, АЁҚШ эгалари ва бошқа фирмалар ёрдамида сервис хизматини ташкил қилиш);
- тижорат фирмаларнинг махсус тайёргарлиқдан ўтган мутахассислари томонидан ташкил қилиш;
- автомобиллар сотувчи агентлар (дилерлар) ёрдамида (Рено, Франция);

-автомобилларнинг айрим қисмларини ва тизимларини (мотор, электр жиҳозлар, шиналар, аккумуляторлар ва ҳ.к.) ишлаб чиқарувчи фирмалар ташкил этган сервисдан фойдаланиш;

-маҳсулотлар ишлаб чиқарувчининг (бошқа автомобильсозлик компанияларининг) фирмалари орқали ташкил этилган автосервис хизмати (АвтоВАЗ, ЎзДЕУАвто).

Бу усулларнинг ҳар бири ўз афзаллик ва камчиликларга эга, улардан қайсини қўллаш мураккаб таҳлилий ишни талаб этади. Аммо қайси усулни куллашдан қаътии назар сотувчи маҳсулот (автомобиль) сифатига жавоб беради ва бу эса тижорат муваффакиятининг калитидир.

4.3. Фирма усулидаги автосервиснинг жаҳон автосервис бозорларидағи роли ва аҳамияти Ўзбекистонда фирма усулидаги автосервис.

Умуман олганда фирма усулидаги автосервис хизматининг қадри юқори бўлсада унинг ҳажми юқори эмас. АҚШда барча автосервис хизмати кўрсатувчи корхоналарнинг фақат 30 фоизигина фирма усулида ишлайдилар. Уларни ТХК ва таъмирлашдаги бажарган ишларининг ҳажми 36 фоизигина ташкил этган (1990 йил).

Хизмат кўрсатиш корхоналари ичida энг кўп тарқалгани автомобилларга техник хизмат кўрсатиш станциялари бўлиб, улардаги ишчи постлари сони биттадан (хусусий тадбиркорлар) 50 тагача (Тошкент шаҳридаги "ВАЗ" автомобиль маркази, "Автотеххизмат" бош корхонаси ва бошқалар) боради.

Марказлашган техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш базаси сифатида "ЎзДЕУавто" компанияси Тошкент шаҳри ва вилоятлар марказларида ташкил қилинган автомарказлар, "Тошшахарийўловчitrans" Давлат уюшмаси томонидан ташкил этилган, муваффакиятли фаолият кўрсатаётган "Мерседес-Бенц О405" ва ихтисос-лаштирилган "ДЕУ" (чиқинди ташувчи) юк автомобилларига сервис хизмати кўрсатиш марказларини келтириш мумкин.

"Ўзавтосаноат" ассоциацияси томонидан ҳам ўзининг тассаруфида бўлган корхоналарида ишлаб чиқарилаётган автомобилларга сервис хизматини ташкил қилиш ҳам яхши йўлга қўйилган.

Республикамизда автомобил саноатининг пайдо бўлиши ўз навбатида мамлакат автосервисини янада ривожланишига ижобий таъсир кўрсата олди. "ЎзДЕУавто" компанияси автомобиллари билан савдо қилиш ва уларга фирма усулида хизмат кўрсатиш мақсадида мамлакатимизнинг барча вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги йирик автомарказлардан 13 таси

такомиллаштирилиб тўла қайта жиҳозланди (8.1-расм), бир қанча замонавий автосалонлар, автодўконлар қурилиб, кадрлар малакасини оширишга эътибор берилди.



4.1-расм. Тошкент шаҳридаги ЎзДЕУавто автомобилларига мўлжалланиб қайта жиҳозланган автомарказ.

Ўзбекистон автомобилларини ташки бозорга олиб чиқиш учун ассоциация томонидан кенг дилерлик тармоғи яратилди. Россия ва Латвия давлатлари ҳамда қўшни республикаларда “Ўзавтосаноат” ассоциациясининг дилерлик корхоналари ва уларнинг филиаллари тизими ташкил қилинди (4.2-расм). Бу корхоналарда Ўзбекистон автомобилларини сотиш билан бирга, уларга сервис хизмати қўрсатиш ҳам ташкил қилинган. Бундан ташқари, «ЎзДЕУавто» корхонасининг дилерлик корхона-лари Қозогистон ва Қирғизистон мамлакатларида ҳам мавжуд бўлиб, ҳозирги пайтда Хитойнинг шимолий-ғарбий минтақалари-даги бозор ўрганилмоқда. 1999 йилда Рига (Латвия) шаҳрида «Ўз-ДЕУавто» корхонасининг ташрифхонаси ташкил қилинди.

Дилер станцияларининг мижозлари асосан якка автомобиль эгалари (ТХК ва таъмиrlаш бўйича) ва турли автотранспорт корхоналаридир (эҳтиёт қисмлар савдоси бўйича). Дилерларнинг мавқеи бошқа мустакил станцияларга қараганда юқори туради, уларда бажариладиган ишларнинг сифати юқори баҳоланади ва алмаштирилган эҳтиёт қисмлар ишончли

хисобланади. Шу сабабли Ўзбекистон автосевиси Марказий Осиё давлатларининг хизмат кўрсатиш бозорига кириб борди (4.3-расм) .



4.2-расм. Ўзбекистон автомобилларини ташки бозорга олиб чиқиши бўйича дилерлик тармоқлари.



4.3-расм. “Ўзавтосаноат” ассоциацияси дилерлик тизимининг фаолият кўрсатиш бозорлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 01.06.2017 йилдаги ПҚ-2038-сонли қарорга кўра корпоратив бошқарув тизимини яхшилаш маъсадида “Ўзавтосаноат” АҚ нинг номи ва ташкилий-хуқуқий шакли қонунчилик талабларига мувофиқ – акциядорлик жамиятига мувофиқлаштирилди.

2017-2021 йилларда “Ўзавтосаноат” АЖ зиммасига янги рақобатбардош маҳсулотларни ўзлаштириш, сотиш бозорлари ва экспорт қилинаётган маҳсулотларнинг номенклатурасини диверсификациялаш, бутловчи қисмлар ва узелларни маҳаллийлаштириш кўламини кенгайтириш хисобига импорт улушкини ва маҳсулот таннархини камайтириш, туб ҳом-ашё ва материаллар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ҳамда уларнинг ҳажмини ошириш бўйича тармоқлараро кооперацияни кенгайтириш, ишлаб чиқариш ва операцион ҳаражатларни оптималлаштиришни таъминлаш каби бир қатор мухим вазифалар юклатилди.

Хужжатда, чакана савдо ҳамда аҳолига ҳизмат қўрсатиш тизимини тубдан яхшилаш, замонавий талабларга мувофиқ самарали савдо усулларини қўллаш ва уларнинг шаффофлигини ошириш зарурати алоҳида таъкидланган. Шу билан бирга, Қарорда “Ўзбекистон Республикаси автомобильсозлик соҳасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ривожланиш дастури”га кўра 835 млн. долл. қийматига teng 51 та инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш вазифаси белгилаб берилган. Ҳусусан, енгил автомобилларнинг иккита янги моделини ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва мавжуд моделларни янада замонавийлаштириш, газ двигатели билан жиҳозланган автобусларни йиғиш, шунингдек, автотранспорт воситалаларининг янги тури бўлмиш – енгил тижорат автомобилларини ўзлаштириш каби вазифалар кўзда тутилган.

Мазкур дастурнинг амалга оширилиши 2021 йилга келиб, товар ишлаб чиқариш ҳажмининг 3 бараварга ошишини таъминлайди. Шу билан бирга, импортнинг ишлаб чиқариш салмоғига нисбатини 12,5 фоизгача камайтириш имконини беради. Соҳада эса қарийиб 29,4 мингга яқин янги иш ўринлари пайдо бўлади.

Шунингдек, қарорда “Ўзавтосаноат” АЖ ташкилотларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қатор чора-тадбирлари кўзда тутилган, жумладан:

экспортга йўналтириладиган транспорт воситаларининг бутловчи ва эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқариш мақсадида “Ўзавтосаноат” АЖ корҳоналари томонидан олиб кириладиган ускуналар, материаллар, ҳом-ашё, технологик хужжатлар ва қолиплар учун божҳона тўловлари ва соликларни тўлашдан озод этиш;

экспортга ортилган автобус, юқ транспорти, ўрнатма ва шатакка олиш курилмаларининг тўловларини келиб тушиши ёки қайта олиб кириш муддатларини 60 кундан 180 кунга қадар узайтириш;

“Самарқанд автомобиль заводи” МЧЖ ва “ЖВ МАН Ауто-Узбекистан” МЧЖ корҳоналарига маҳсулот етказиб берадиган, оғир юқ кўтарувчи автотранспорт воситалари учун юқори қўшилган қийматга эга ўрнатма ва

шатакка олиш қурилмаларини, қишлоқ хўжалиги қурилмаларини ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқаришга иҳтисослашган “УзАутоТрайлер” МЧЖ корхонасига мазкур маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини янада ошириш мақсадида божхона ва солиқ тўловлари бўйича бир қатор имтиёзларни бериш.

“ЖМ Ўзбекистон” АЖ томонидан ишлаб чиқарилаётган автомобиллар учун тўланадиган аксиз солиғини жорий йилнинг 1 июнидан эътиборан 29% дан 27% га камайтириш;

Қарорнинг фаолиятга тадбиқ этилиши, шубҳасиз автомобильсозлик соҳасида барқарор ривожланишни таъминлайди. Энг асосийси, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш, шунинг баробарида тармоқда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш имконини беради.

[«Ўзавтосаноат» АЖ матбуот хизмати](#)

Назорати саволлари:

1. Фирма усулидаги автосервис хизмати.
2. Фирма усулидаги сервис хизматининг хусусиятлари.
3. Фирмавий усулда автосервис хизматини ташкил этишнинг қоидалари.
4. Фирма усулидаги автосервис хизматини ташкил қилинишининг варианлари.
5. Автомобильсозлик компанияларининг ташкил этган фирма усулидаги автосервис корхоналари.
6. Ўзбекистонда фирма усулидаги автосервис.
7. “Ўзавтосаноат” ассоциацияси дилерлик тизимининг фаолият кўрсатиш бозорлари.

5-Маъруза

Мавзу: Автосервис корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш асослари

Режа:

- 5.1. Автомарказлар ва автосервис станцияларида ишлаб чиқаришни ташкил этиш тартиби ва талаблари.**
- 5.2. Сотиш олди ва кафолатли техник хизмат.**
- 5.3. Турли қувватли умум АССлари ва ихтисослашган корхоналар ишлаб чиқариш жараёнларининг ўзаро боғланиши.**
- 3.4. Автомобилларни хизматга қабул қилиш ва эгасига топшириш тартиби ва қоидалари.**

5.1. Автомарказлар ва автосервис станцияларида ишлаб чиқаришни ташкил этиш тартиби ва талаблари.

АССларида автосервис хизмати турларининг энг муҳимлари автомобилларга ТХК ва уларни таъмирлаш ҳисобланади. Хизматнинг бошқа турлари тижорат ва техник таъминот аҳамиятга эга бўлсада, шу икки хизматни тўлдирувчи сифатида бажарилади.

ТХК ва таъмирлаш ишлари ишлаб чиқариш биносининг маҳсус жиҳозланган ишчи постлари ва устахоналарида бажарилади.

Автомобилларнинг ўзида бажариладиган ишлар пост ишлари деб аталади ва маҳсус постларда бажарилади. Автомобиллардан чиқариб олинган агрегатлар, асбоб-ускуналар ва турли қисмлар эса маҳсус устахоналарда таъмиранади ва созланади. АСС ларда ишлаб чиқаришни ташкил этиш технологияси автомобилни тозалаш-ювиш-йиғишириш, қабул қилиш учун кўриб чиқиш. Зарур бўлган ҳолларда автомобилни диагностика постидан ўтказиб, бажариладиган ишлар ҳажмини олдиндан тахминий аниқлаш ҳамда уларни бажариш шартларини мижоз билан келишишдан бошланади. Қайси ва қандай ишларни бажарилишини танлаш ва буюриш мижознинг ҳуқуқидир. Бунда, албатта сервис ходими унга малакали тушунтириш ва маслаҳат бнриш ёрдамини кўрсатиши мумкин.

Мижоз билан сервис қабул қилувчи мутахассиси барча асосий масалалар (ишлар ҳажми, бажариш муддати ва хизмат нархи) бўйича келишиб, керакли ҳужжатлар(техник ҳолат далолатномаси, буюртма-наряд) тўлдирилгандан сўнг автомобил ТХК ёки таъмирлаш миңтақасига (участкасига) жўнатилади. Биринчи навбатда таъмирлаш ишлари бажарилиб, сўнгра ТХК ишлари бажарилади.

ТХК ва таъмирлаш ишлари ишлаб чиқариш биносининг махсус жиҳозланган ишчи постлари ва устахоналарида бажарилади.

Айрим ишчи постлари баъзи ишларни бажаришга ихтисослашган бўлишлари мумкин, масалан, мойлаш ва мойларни алмаштириш пости, тормозларни текшириш ва созлаш, олдинги ғилдиракларни ўрнатиш бурчакларини назорат қилиш ва созлаш постлари ва ҳ.к.

ТХК ва таъмирлашнинг барча умумий ишлари (созлаш, қотириш, агрегатлар, қисмларни ўрнидан ажратиб олиш ва ўрнига қўйиш ва ҳ.к.) универсал постларда бажарилади ва бу ишлар катта ҳажмни ташкил этади. Кичик қувватли станцияларнинг (2-6 постли) постлари асосан универсал постлардан иборатдир. Йирик ва баъзан ўрта қувватли АСС ларида автомобиллардаги майда таъмирлаш ишларини бажариш учун алоҳида, кириш ва чиқиш учун қулай бўлган жойда, махсус постлар ажратилади. Бунда автомобил ювиш-тозалаш ва қабул қилувчи билан келишган ҳолда бўш турган постга киритилади ёки бўши бўлмаган ҳолда кутиб турилади. Шу жойнинг ўзида, айнан шу постда, барча ишлар бажарилади ва автомобил чиқиб кетади.

Баъзан, асосан, хориж амалиётида, шу постларнинг қаторида ўз-ўзига хизмат қўрсатиш постлари ҳам ажратилади, яъни мижоз ўзи ёки ёрдамчиси билан айрим ишларни ўзлари бажариб олишади.

Автомобилларга тўла равишда (комплекс) хизмат қўрсатувчи корхоналарда қуйидаги ишлаб чиқариш участкалари ташкил этилади:

- автомобилларни ювиш ва қуритиш;
- автомобилларни ТХКга қабул қилиш ва уларни эгасига топшириш;
- махсус диагностика участкаси;
- техник хизмат қўрсатиш постлари;
- таъмирлаш ва агрегатларни алмаштириш постлари;
- кузов элементларини (эшиклари, қанотлари, бамперлари ва ҳ.к.) таъмирловчи постлар;
- агрегатлар ва деталларни таъмирловчи устахоналар;
- ғилдираклар ва шиналарга хизмат қўрсатувчи устахоналар;
- аккумуляторларни таъмирловчи ва зарядловчи устахоналар;
- электр жиҳозларига хизмат қўрсатувчи устахоналар;
- двигателнинг таъминот тизими приборлари (карбюратор, инжектор, бензонасос ва ҳ.к.) га хизмат қўрсатувчи устахоналар;
- кузовни таъмирлаш комплекси (тунукасозлик, пайвандлаш, арматура, бўяшга тайёрлаш, бўяш ва қуритиш).

5.2. Сотиш олди ва кафолатли техник хизмат

Сотиши олди техник хизмати автомобиллар билан савдо қилувчи барча автосервис корхоналарида бажарилиши шарт. Зеро сотишга қўйилган автомобиллар сифати ва бутлиги жиҳатидан ишлаб чиқарган автомобилсозлик компанияларининг маҳсус стандартларига мос бўлишлари талаб этилади. Сотиш олди техник хизматининг бажарилишидан мақсад-харидорга техник жиҳатдан соз ва фойдаланишга яроқли автомобилни сотишидир.

Сотиш олди техник хизматига эҳтиёж эса автомобилларни сотиши жойларига етказиш ва сақлаш жараёнларида улар кузовлари ва салонларининг ифлосланиши, айрим механизмлари ва тизимларida майда носозликлар пайдо бўлиши, турли шикастлар этишидан келиб чиқади. Бундан ташқари автомобилни харидорга тақдим этишдан аввал уни кузовининг баъзи жойларидаги занглашдан сақловчи суркама мойлардан тозалаш, агрегатлари ва тизимларидаги мой ва маҳсус суюқликлар сатҳини текшириш ва зарур ҳолларда меъёрига келтириш, барча агрегатлари ва ҳаракат хавфсизлигини таъминловчи механизмлари ва тизимларининг соз ва равон ишлаши текширилади ва зарур ҳолларда созланади ёки алмаштирилади. Шунингдек, автомобилнинг техник хужжатлари: “Автомобилдан фойдаланиш қоидалари”, “Сервис дафтарчаси”нинг автомобилга мослиги ва автомобилни бутловчи қисмлар, захира ғилдираги, маҳсус асбоб-анжомлари билан таъминланганлиги текширилади. Бу хизмат автомобилни ишлаб чиқарган компаниялар ҳисобидан бажарилади. Бажарилган ишлар сифатига эса бу хизматни бажарган корхона маъсул ҳисобланади. Барча аниқланган носозликлар, алмаштирилган қисмлар ва таъмиrlаш ишлари содир бўлган ҳолларда бу ҳакда маҳсус қайдномалар тузилади ва автомобилсозлик компаниясига хабар берилади. Сотиш олди техник хизмати маҳсус ажратилган постларда зарурий малакага эга бўлган мутахассислар томонидан бажарилади ва автомобилнинг сервис дафтарчасига ёзиб қўйилади.

Сотиш олди ТХ ишларининг ҳажми автомобиллар моделига қараб 1-2 ишчи - соатни ташкил этади, “УзДЕУАвто” компанияси барча автомобиллари учун бу ишлар ҳажми 0,77 ишчи-соат миқдорида белгиланган.

Кафолатли техник хизмат курсатиши - автомобилларга автомобилсозлик компанияси томонидан бузилмасдан, соз ишлашига кафолат берилган давр ичida, юзага келган носозликларни автомобилсозлик компанияси ҳисобидан бартараф этиш бўйича бажариладиган ТХ ва

таъмираш ишлариdir. Автомобилни кафолатлаш муддати турли компаниялар томонидан турлича белгиланади. Бу муддат мавжуд худуд автомобил бозоридаги рақобатга боғлиқ бўлиб, 1-3 йиллар оралиғида, маълум босиб ўтилган йўл ҳисобида белгиланади. Масалан, "УзДЕУАвто" компанияси ишлаб чиқараётган барча русумдаги автомобиллари учун кафолат муддатини 1 йил ёки 20 минг км миқдорида белгиланган. Кафолатланган муддат давомида автомобилга маҳсус кафолатли ТХ кўрсатилади ва зарур ҳолларда кафолатли таъмираш ишлари бажарилади. Кафолатли ТХ ишлари таркиби ва ҳажмини автомобилсозлик компанияси белгилайди. Кафолатли таъмираш ишлари эса ТХ кўрсатиш пайтида аниқланган ёки автомобилдан фойдаланиш жараёнида унинг агрегатлари, узеллари ва турли тизимларида содир бўлган носозликлар ва бузилишларни тузатишга қаратилгандир. Бу ишларнинг барчасини компанияларнинг маҳсус дилерлари бажаради.

Кафолат муддатида автомобилда бузилишлар, носозликлар содир бўлиб, уни тузатиш зарурати пайдо бўлган ҳолларда кафолатли таъмираш ишлари бажарилади. Бу давр давомида автомобилдан фойдаланиш қоидаларига қатъий риоя қилиш талаб этилади.

Компанияларнинг кафолати сифатида тузатиладиган автомо-биллардаги бузилишлар, носозликлар эътиrozли ва эътиrozсиз даъволарга бўлинади. Эътиrozли даъволарга деталларнинг бевақт синиши, ишдан чиқиши, агрегатлар, механизмларнинг носозла-ниши ва натижада, агрегатни автомобилдан чиқариб, қисмларга ажратиш ишларини бажариш ёки бузулган агрегат, узелни янгисига алмаштириш зарурати пайдо бўлган ҳоллар киради.

Эътиrozсиз даъволарга эса алмаштирилиши осон ва майда деталларнинг нормаллар, электр сақлагичлар, лампочкалар ва ҳ.к. ишдан чиқиши кириб, улар ТХнинг баъзи ишларини бажариш жараёнида алмаштирилади. Кафолатли ТХ ва таъмираш ишларини ташкил этиш автомобильсозлик компаниялари учун ўта муҳимдир. Чунки бунга катта маблағлар сарфлаш билан бир қаторда бу хизматни ташкил этиш савияси компанияларнинг ўз мижозлари наздидаги ишончлилигини, обрў-мавқеини белгилайди.

Кафолатли хизмат кўрсатиш компаниялар томонидан ишлаб чиқилган маҳсус ҳужжат "Автомобилларга кафолатли хизмат кўрсатиш тўғрисидаги низом" асосида ташкил этилади. Ушбу ҳужжатда автомобильсоз компанияларининг ўз мижозлари олдида мажбуриятлари, кафолатли хизматдан фойдаланиш тартиби, автомобиллар ва хизмат сифатига бўлган даъволарни кўриб чиқиш ва қониктириш қоидалари келтирилади. Одатда кафолатли таъмираш ишлари ва алмаштирилган эҳтиёт қисмлар мижозлар учун бепул, компаниялар ҳисобидан бўлади. Айрим компаниялар

мижозларни рағбатлантириш мақсадида кафолатли муддат даврида баъзи ТХ ишларини бепул бажаришлари мумкин, масалан, “УзДЕУАвто” компанияси ўзининг маҳсулоти бўлган барча русумдаги автомобилларга сервис дафтарчасида кўрсатилган биринчи ТХ ишлари (2500-3500 км йўл босгандарига қадар) бепул бажарилишини жорий этган. Мижоз фақат сарф бўлган-материаллар (мой, фильтр ва х.к.) нархини тўлайди, ҳолос.

Эътиrozли даъволарни қондириш маҳсус “Даъво қайдно-маси”ни тўлдириш билан расмийлаштирилади ва у кафолатли хизматга масъул мутахассис томонидан тасдиқлангандан сўнг кафолатли таъмирлаш ишларини бажаришга асос бўлади. Эътиrozсиз даъволарни қондиришда фақат “Кафолатли хизмат қайдномаси” расмийлаштирилади.

Компаниялар томонидан автомобиллар сифатига қўйилган кафолат муддатлари автомобилларнинг кафолатли таъмирлашда турган вақти ҳисобига узайтирилади. Агар агрегатлар алмаштирилса, уларга автомобилларнинг умумий кафолат муддатидан ташқари қўшимча кафолат муддати белгиланиши зарур.

Кафолатли хизматларни бажарувчилар, автомобильсоз компанияларнинг ўзларига қарашли дилерлар ёки компаниялар билан маҳсус шартномалар асосида ишловчи автосервис корхоналаридир.

Хозирги замон жаҳон автомобиль транспортида автомобилларга ТХ кўрсатиш ва уларни таъмирлашнинг режали олдини олиш тизими қўлланиб келинмоқда. Унинг моҳияти шундан иборатки, автомобилларда тўсатдан, кутилмаганда носозликлар, бузилишлар содир бўлиши ҳолларининг олдини олиш учун уларда маълум масофа йўл босгандаридан сўнг илгаридан белгиланиб, режалаштирилиб қўйилган профильактик ишлар бажарилади. Чунончи, ювиш-тозалаш, назорат-қаров, диагностика, мойлаш, қотириш ва созлаш каби ишлардир. Бу ишлар ТХК ишлари гурӯхини ташкил этади. Иккинчи гурӯх ишлари-ешиш, қисмларга ажратиш ва йиғиш, созлаш, ростлаш, ишдан чиқсан деталь ва қисмларни алмаштириш, ёки ишлаш қобилиятини тиклашдир.

Бу ишлар таъмирлаш ишлари деб аталади ва уларга зарурат туғилганда ёки талаб этилганда бажарилади. Шунингдек, айрим таъмирлаш ишлари, айниқса хавфсизликни таъминловчи қисмлар ва тизимларда, автомобиль ТХ га кирган пайтда ТХ ишларига қўшилиб ўтказилади ва профильактик таъмирлаш деб аталади.

АС корхоналарида автомобилларга ТХК ва ЖТ жараёнларида маҳсус (ювиш машиналари, диагностика асбоблари, технологик жиҳозлар, бўяш аппаратлари, қўтаргичлар ва х.к.), ностандарт жиҳозлар (токчалар, дастгоҳлар, аравачалар ва х.к.) ва ҳаммабоп (металл қирқувчи, ёғочга ишлов

берувчи, пресслар, кран-балькалар, пайвандлаш трансформаторлари ва х.к.) жиҳозлар ишлатилади.

Корхоналардаги ишчи постлари сони ва ихтисослашганлигига қараб маҳсус ишлаб чиқилган технологик жиҳозлар ва маҳсус асбоблар табелига асосан жиҳозланади. ТАбелда станциянинг қувватига қараб ҳар бир керакли технологик жиҳознинг номи ва сони кўрсатилади.

Автосервис корхоналарида ишлатиладиган технологик жиҳозлар ўзининг қўлланилиши бўйича кўтариш-қўриш, кўтариш-ташиш автомобилларга ТХКважт учун маҳсуслаштирилган туркумларга бўлинади.

Сервис дафтарчалари. Енгил автомобиллар учун автомобильсозлик компаниялари ТХ ишларининг номи, ҳажми ва даврийлиги (яъни режимини) маҳсус сервис дафтарчаларида (СД) келтиради. СДлари автомобилни сотиб олишда ҳар бир мижозга тақдим этилади. СД ларида автомобиллардан фойдаланиш бошланишидан бошлаб унинг камида 5-6 йил давомидаги босиб ўтадиган йўлида бажарилиши мўжжалланган ТХ ишларининг номлари келтирилади. ТХ ларнинг даврийлиги ва ҳар бир ТХ да бажариладиган ишлар СДнинг талонларида келтирилади. Масалан, “УЗДЕУ авто” компанияси автомобиллари СД сотиш олди ва 24 та талонларни ўз ичига олади ва 242,5 минг км босадиган йўлга мўжжалланган. 1-сонли талон билан бажариладиган ишлар автомобилнинг 2,5-3,5 минг км йўл босгандан сўнг, 2-сонли талон ва барча кейингилари ҳар бир 10 минг км йўл босилгандан сўнг бажарилади. Ҳар бир талонга тегишли хизматдан ўтилганда талонга хизмат ўтилган вақти ва босилган йўл ёзиб қўйилади.

СД га биноан ТХ кўрсатиш аҳоли автомобиллари учун хизмат кўрсатишнинг қулай шакли бўлиб, у автомобилларни конструктив ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда бажариладиган ишларни аниқ белгилаб беради. Шунингдек, СД қўллаш автомобиллар эгалари-нинг белгиланган ТХ тартибларига риоя этишларига ёрдамлашади.

Юқ автомобиллари ва автобуслар учун эса маҳсус “Техник хизмат кўрсатиш учун қўлланмалар” тайёрланади. Уларда ҳам худди СДлари каби ТХ ишларининг тартиблари, номлари ва даврийликлари келтирилади. Масалан, “Мерседес-Бенц” компанияси 0-405 русумли шаҳар автобуслари учун 1 млн км босилган йўлга мўжжалланган ТХ лар, бажариладиган ишлар ва уларнинг даврийлиги келтирилади. Биринчи ТХ 2000 км йўл босганидан сўнг, сўнгра ҳар 15 минг км дан кейин ТХ ишлари бажарилади. Албатта, бу келтирилган меъёрлар Ўзбекистон шароити учунгинадир. Автомобиллар ишлаш шароитларига қараб ТХ ишларининг ҳажми ва даврийликлари кенг миқёсда ўзгартирилади.

"Уз ДЕУ Ко" ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан ишлаб чиқарилаётган "Nexia", "Damas" ва бошқа турдаги автомобиллариға ТХКвАТ технологик жараёнларини ташкил этиш учун "Ўзбекстон Республикаси автомобиль транспорти ҳаракат таркибиға техник хизмат кўрсатиш ва таъмиглаш түғрисида Низом" (Низом) ишлаб чиқилган бўлиб, у асосий ҳужжат ҳисобланади. Низомга асосан ушбу автомобилларга бажариладиган ишларнинг тури ва даврийлиги бўйича қўйидаги техник хизмат турлари бажарилади:

- кундалик техник хизмат кўрсатиш(КТХК);
- 500-1000 км масофа юргандан сўнг, янги автомобилларга техник хизмат кўрсатиш;
- даврий техник хизмат кўрсатиш (ТХК);
- мавсумий техник хизмат кўрсатиш(МХК).

КТХКда автомобилларнинг ҳаракат ҳавфсизлигини таъминлашга қаратилган, ҳамда тозалаш-ювиш, ёнилғи қўйиш каби ишлар бажарилади. КТХК ишлари автомобилларнинг ишга чиқишидан аввал ёки ишдан қайтгандан сўнг бажарилади.

Автомобилларга қиска муддатдан сўнг (500-1000 км) ТХК, бирикмалар, узел ва агрегатларни узлуксиз, ишончли ишлашини таъминлаш учун қотириш ва созлаш ишларини ўтказишдан иборат.

Даврий ТХК ишлари ҳар 10000 км масофа юрилгандан сўнг ўтказилиб, унда СДда белгиланган ҳажмида ишлар бажарилади.

"Уз ДЕУ Ко" ишлаб чиқариш бирлашмасининг тавсиясига мувофиқ автомобилларни қишки ва ёзги мавсумларда фойдаланишга тайёрлаш МХ кўрсатиш билан амалга оширилади. МХ бир йилда икки марта, навбатдаги ТХК вақтида ўтказилади.

Хизмат кўрсатишнинг кафолатли даври 12 ойдан иборат бўлиб, автомобилнинг эгаси қабул қилиб олгандан бошлаб (12 ой ичида) автомобилнинг юрган йўли 20000 км дан ошмаслиги ҳамда автомобилдан фойдаланиш ва унга кўрсатилган ТХКда завод йўриқномасига ва "НИЗОМ"нинг кўрсатмалариға тўлиқ риоя қилиниши зарур.

Кафолатли масофадан сўнг ўтказиладиган ТХК автомобилни сотиб олишда берилган сервис дафтарчасининг талони бўйича бириктирилган автосервис станцияси(АСС)да амалга оширилади.

Автомобиллардан фойдаланиш давридаги, даврий хизмат кўрсатишда: назорат, қотириш, созлаш, электротехника, шина, мойлаш-тозалаш ва бошқа ишлар бажарилади. Юрилган йўлга боғ-лиқ ҳолда, ТХКда бажариладиган ишларнинг структураси ўзгаради.

Бажариладиган ишларнинг мажмуи ва даврийлиги авомобиль ишлаб чиқарувчи корхоналар ва ишлаб чиқариш бирлашмалар ёки маҳсус ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилади. “Некция” автомобили учун ишлаб чиқилган кўрсатма келтирилган.

1-жадвал.

«НЕКЦИЯ» автомобилига хизмат кўрсатиш даврлари ва бажариладиган ишлар таркиби


	барабанлари ва колодкалар												
21	Тўхтаб туриш тормози		H	H	H	H	H	H	H	H	H	H	H
22	Тормоз тизими қувур ўтказгичлари ва уларнинг бирикмалари, тормоз кучайтиргичи		H	H	H	H	H	H	H	H	H	H	H
23	Филдирак гупчаги подшипниклари			H		H		H		H		H	
24	Узатмалар қутисидаги мой		H	H	H	H	H	H	H	H	H	H	H
25	Тормоз ва илашиш муфтаси тепкиларининг эркин ёъли		H	H	H	H	H	H	H	H	H	H	H
26	Илашиш муфтаси юрутмасидаги суюқлик		H	A	H	A	H	A	H	A	H	H	H
27	Шассининг резьбали бирикмалари		H	H	H	H	H	H	H	H	H	H	H
28	Шиналар ва ундаги ҳаво босими		H	H	H	H	H	H	H	H	H	H	H
29	Филдиракларнинг ўрнатиш бурчаклари												
30	Рул чамбараги ва рул юритмаси		H	H	H	H	H	H	H	H	H	H	H
31	Рул бошқармаси қувур ўтказгичлари ва суюқлиги		H	H	H	H	H	H	H	H	H	H	H
32	Ярим ўқ шарнирларининг ҳимоя филофлари	H	H	H	H	H	H	H	H	H	H	H	H
33	Ҳимоя тасмалари, қулфлар, қотириш бирикмалари			H		H		H		H		H	
34	Эшик осмалари, қулфлар, шарнирлар, кузов деталлари қистирмалари		H	H	H	H	H	H	H	H	H	H	H

Н-назорат, техник ҳолатни текшириш ва аниқлаш. Зарур ҳолатларда суюқликлар сатхини меъёрига келтириш ёки бирикмаларни тозалаш, созлаш ва маҳкамлаш.

А-алмаштириш.

5.3. Турли қувватли умум АССлари ва ихтисослашган корхоналар ишлаб чиқариш жараёнларининг ўзаро боғланиши

Автосервис корхоналарида ҳамма ҳолларда ҳам автомобилни ювиш тозалаш, қабул қилиб кўздан кечириш ишлари бажарилади, хавфсизликни таъминловчи механизмлари ва тизимлари диагностика қилинади, зарурат бўлса чуқур диагностика қилиб сўнг ишчи постларга ёки кутиш жойларига жўнатилади. 3.2-расмда АССларида автосервис хизматини ташкил қилишнинг технологик жараёни келтирилган.



5.2-расм. АССларида автосервис хизматини ташкил қилишининг технологик жараёни.

- - автомобиллар ҳаракатининг асосий йўналиши;
- - автомобиллар ҳаракатининг баъзи холлардаги йўналиши;
- - таъмирланадиган агрегатлар ва деталлар йўналиши;

Ишлаб-чиқаришни ташкил этилишининг технологияси, яъни барча ишлар бажарилишининг кетма-кетлиги, тартиби ишлаб чиқилар экан, бу технология, яъни технологик жараён рационал, яъни энг максадга мувофиқ бўлиши керак.

Ишлаб чиқариш жойларининг ҳар бири қуйидагича ихтисослашган бўлади:

- техник хизмат ва майда таъмирлаш постлари;
- махсус диагностика участкаси;
- таъмирлаш ва агрегатларни алмаштириш постлари;
- агрегат ва деталларни таъмирловчи устахоналар.

Агрегат ва деталларни таъмирловчи устахоналарнинг сони автосервис корхонасининг катта-кичилигига боғлиқ бўлади.

Максадга мувофиқ (рационал) технологик жараён эса қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

- садда ва қулай бўлиши;

- ҳаммабоп ва универсаллиги;
- ишиларни якунлашга имкон берниши;
- хавфсизлиги;
- механизация ва автоматизация воситаларини кенг қўллашга имкон бернишидир.

Ҳаммабоп (универсал) технология дейилганда, уни кўп маротаба, бошқа жойларда ҳам қўллаш имконияти мавжудлиги ва турли моделдаги автомобилларга хизмат кўрсатишда қўллаш мумкинлиги тушунилади. Технологиянинг якунловчанлиги эса, автомобиль ҳар бир участкадан ўтган пайтда шу участкада мўлжалланган барча ишилар тўла бажарилиши зарурлигини билдиради.

Албатта, мақсадга мувофиқ (рационал) технология қўлланилганда меҳнат унуми ва сифати юқори бўлишлиги зарур ва шарт. Автосервис хизмати кўрсатувчи йирик компаниялар, фирмалар томонидан ўзларининг автомарказлари, АССлари ва дилер станциялари учун ишлаб-чиқариш жараёнларини ташкил қилишнинг турли вариантларини ишлаб чиққилган ва қўлланган.

5.4. Автомобилларни хизматга қабул қилиш ва эгасига топшириш тартиби ва қоидалари


Автомобилларни хизматга қабул қилиш автомобил унинг агрегатлари, узеллари ва тизимларининг техник ҳолатини аниқлаш бажариладиган ишилар ҳажмини ва муддатини белгилаш, шунингдек, зарур ҳужжатларни тўлдириш, мижозлар билан муомала қилиш каби фаолиятдир. Шунингдек, қабул қилиш жараёнида сарф бўладиган эҳтиёт қисмлар, материаллар миқдори ва тахминий ҳаки ҳам келишиб олинади. Албатта, автомобилларни хизматга қабул қилиш ҳам корхона ёки соҳа раҳбарияти томонидан тасдиқ-ланган маҳсус қоидалар асосида амалга оширилади. Автомобиль эгаси - мижоз билан келишилган ҳолда ва унинг иштирокида автомобиль тўла кўздан кечирилиб чиқилади, унинг умумий техник ҳолати, айниқса ҳаракат хавфсизлигини таъминловчи тизимларига катта эътибор берган ҳолда аниқланади (5.3-расм).

Қабул қилиш пайтида автомобилдаги барча носозликлар сабабини аниқлашнинг имконияти бўлмаган ҳолларда у диагностика постларига юборилади ва маҳсус стенклар, ўлчов-назорат асблоблари ёрдамида унинг техник ҳолати аниқланади.

Автомобилларни кўриқдан ўтказиш ва хизматга қабул қилиш давомида унинг бутлиги ва техник ҳолатига маҳсус талаблар қўйилади. Албатта,

автомобилнинг маркаси ва русуми унинг техник паспортига мос бўлиши, агрегатлари ва барча қисмлари завод маҳсулоти бўлиши шарт, ясама деталлар қўйилган ва конструкцияларга ўзгартиришлар киритилган ҳолда автомобиль хизматга қабул қилинмайди.

Кўпчилик автомарказларда ва автомобилларга техник хизмат кўрсатиш станцияларида автомобилни хизматга қабул қилиш уни ташқи ва остки томондан ювиш, мотор бўлинмасини шланг ёрдамида ювиш, салонни тозалаш ва қуритиб артишдан бошланади.



5.3-расм. Автомобилларни қабул қилиш ва эгасига топширилиш жойи.

Бу ишлар кўпчилик ҳолларда автоматик режимда ишловчи ювиш-куритиши комплекслари ёрдамида бажарилади. Автомобилларни қабул қилиш учун ишлаб чиқариш биносининг киравери-шида маҳсус жой ажратилади ва жиҳозланади. Автомобилнинг остки қисмларини қўриб, назорат қилиб чиқиши учун участкага тўрт тиргакли кўтаргичлар ёки эстакадалар ўрнатилади, айрим ҳолларда қаров чуқурларидан ҳам фойдаланиш мумкин. Қабул қилувчи мутахассис тўла комплект чилангарлик асблолари ва айрим енгил диагностик приборлар, масалан, газоанализатор, люфт ўлчагич, аккумуляторлар зарядини текширувчи уни айри асбоб ва ҳ.к.лар, билан таъминланади.

Ҳажми ва қиймати ўзгармас бўлган ишлар, масалан, ювиш, тозалаш, автоматик диагностика, мой алмаштириш, ва ҳ.к. ишларни бажариш учун автомобилларни қабул қилиш бирмунча осон.

Бунинг учун автомобиль эгаси буюртмалар столидан чипта олади ва хизматга ўтаверади. Автомобилни назорат қилгандан ва унинг ҳолати аниқлангандан сўнг автомобиль эгаси билан келишилган ҳолда бажариладиган ишларга буюртма тўлдирилади ва хизмат нархи белгиланади.

Бунда қайси ишлар бажарилишини танлаш ҳуқуқи мижоз томонида бўлади. Хизмат нархи маҳсус нархномалар (прейскурантлар) асосида қўйилади. Шунингдек, сарф бўладиган эҳтиёт қисмлар ва материаллар ҳақида мижоз билан келишилиб буюртма ёзилади, булар учун алоҳида ҳақ тўланади.

Шунингдек, хизмат қўрсатишда автомобиль эгаси, мижоз келтирган эҳтиёт қисмлар ва материаллар ҳам ишлатилиши мумкин, фақат улар техник талабларга жавоб бериши шарт.

Автомобил қабул қилингандан сўнг ишчи постларига қўйилади ёки маҳсус қутиш жойларига ўтказилади. Қабул қилиш вақти ўртacha 20-30 дақиқани ташкил этади. Барча зарур ишлар бажариб бўлингандан сўнг автомобиль эгасига топшириш учун яна қабул қилинган участкасига келтирилади ва маҳсус техник назоратдан ўтказилади. Буюртмада қўрсатилган барча ишларнинг бажарилганлиги, уларнинг сифати, автомобилнинг умумий ҳолати ва бутлиги яна бир карра техник назоратдан ўтказилиб, эгасига тақдим этилади ёки тайёр автомобиллар қаторига қўйилади. Автомобилни қабул қилиб олганлик тўғрисида унинг эгаси буюртмага имзо чекади ва хизмат ҳақи тўлангангач, автомобилини олиб кетади. Автомобилни топшириш вақтида агар унинг эгаси буюртмадаги ишларни бажаришдан қониқиши ҳосил қилмаса, унинг ҳақли эътиrozлари қондирилади.

Одатда АССларда қабул қилиш ва эгасига топшириш постлари бирлаштирилиб, бир жойда ташкил этилади ва қабул қилиб олган мутахассис ходимнинг айнан ўзи автомобилни яна эгасига топширади.

Назорат саволлари:

1. Автосервис ишлаб чиқаришининг асосий вазифалари.
2. Сотиш олди техник хизматини ташкил қилиш.
3. Кафолатли техник хизмат қўрсатиш.
4. Сервис дафтарчаси орқали хизмат қўрсатиш.
5. АССларида автосервис хизматини ташкил қилишнинг технологик жараёни.
6. Автомобилларни хизматга қабул қилиш ва эгасига топшириш.

6. Мавзу: Автосервис корхоналарининг ишлаб чиқариш участкалари ва технологик жиҳозлари

Режа:

6.1. Автомарказлар ва автосервис станцияларида ишлаб чиқариш участкалари ва технологик жиҳозлари.

6.2. Автосервис корхоналарининг ёрдамчи участкалари.

6.3. Автосервис корхоналаридаги мижозлар учун хоналар ва хизмат пунктлари.

6.4. Савдо шохобчалари, сотиладиган автомобиллар, эҳтиёт қисмлар омборлари, дўконлар, автосалонлар.

6.1. Автомарказлар ва автосервис станцияларида ишлаб чиқариш участкалари ва технологик жиҳозлари.

АСС ларда ишлаб чиқариши ташкил этиш технологияси автомобилларда ТХК ва таъмирлашнинг барча умумий ишлари (тозалаш-ювиш-йиғишириш, қабул қилиш учун кўриб чиқиш, созлаш, қотириш, агрегатлар, қисмларни ўрнидан ажратиб олиш, таъмирлаш, ўрнига қўйиш ва ҳ.к.) ва зарур бўлган ҳолларда автомобилни диагностика қилишдан ташкил топган.

Кичик қувватли станцияларнинг (2-6 постли) постлари асосан универсал постлардан иборатdir. Йирик ва баъзан ўрта қувватли АСС ларида автомобиллардаги майда таъмирлаш ишларини бажариш учун алоҳида, кириш ва чиқиш учун қулай бўлган жойда, маҳсус постлар ажратилади. Бунда автомобиль ювиш-тозалаш ва қабул қилувчи билан келишган ҳолда бўш турган постга киритилади ёки бўши бўлмаган ҳолда кутиб турилади. Шу жойнинг ўзида, айнан шу постда, барча ишлар бажарилади ва автомобиль чиқиб кетади.

Баъзан, асосан, хориж амалиётида, шу постларнинг қаторида ўз-ўзига хизмат кўрсатиш постлари ҳам ажратилади, яъни мижоз ўзи ёки ёрдамчиси билан айрим ишларни ўзлари бажариб олишади.

Автомобилларга комплекс хизмат кўрсатувчи қўйидаги ишлаб чиқариш участкалари ташкил этилади:

- автомобилларни ювиш ва қуритиш;
- автомобилларни ТХКга қабул қилиш ва уларни эгасига топшириш;
- маҳсус диагностика участкаси;
- техник хизмат кўрсатиш постлари;
- таъмирлаш ва агрегатларни алмаштириш постлари:

- кузов элементларини (эшиклари, қанотлари, бамперлари ва ҳ.к.) таъмирловчи постлар;
- агрегатлар ва деталларни таъмирловчи устахоналар;
- ғилдираклар ва шиналарга хизмат кўрсатувчи устахоналар;
- аккумуляторларни таъмирловчи ва зарядловчи устахоналар;
- электр жиҳозларига хизмат кўрсатувчи устахоналар;
- двигателнинг таъминот тизими приборлари (карбюратор, инжектор, бензонасос ва ҳ.к.) га хизмат кўрсатувчи устахоналар;
- кузовни таъмирлаш комплекси (тунукасозлик, пайвандлаш, арматура, бўяшга тайёрлаш, бўяш ва қуритиш).

Автомарказларда, йирик ва ўрта АСС ларда юқорида келтирилган ишлаб чиқариш участкаларининг барчаси тўла ва мустақил равишда ташкил этилади. Лекин унинг бир қанча вариантлари ҳам бўлиши мумкин, масалан, майда таъмирлаш ишларини ТХК постларида ёки алоҳида, киришга ва чиқишга қулай бўлган постларда бажаришни ташкил қилиш мумкин. Баъзи устахоналар кичик АСС ларда бирлаштирилади, масалан, аккумулятор устахонаси электр жиҳозлари устахонаси билан таъминот тизими асбобларини таъмирлаш агрегатлар устахонасида бажарилиши мумкин. Шунингдек ТХК ишлари таъмирлаш ишлари билан биргаликда бир постнинг ўзида ташкил этилиши ҳам мумкин.

Автомобилларни ювиш, тозалаш ва қуритиш устахонасида автомобиллар салонини йиғишириш ва тозалаш, моторни ва кузовни ҳар томондан, шунингдек остидан ҳам ювиш, кузовни қуритиш ва жило бериш (полировка) ишлари бажарилади.

Махсус диагностика минтақаси автомобилларни, уларнинг агрегатлари, механизмлари ва тизимларининг техник ҳолатини аниқлаш, баҳолаш билан шуғулланади (6.1-расм).



6.1-расм. Махсус диагностика минтақасининг умумий кўриниши.

Диагностика жараёнида техник ҳолатни аниқлаш автомобильни қисмларга ажратмасдан, махсус дастурларга асосан жиҳозлар, ўлчов ва назорат асбоблари ёрдамида бажарилади. Диагностика ТХК ва таъмирлашнинг муҳим элементи ва назорат ишларининг асосий қисми бўлиб, уни билиб қўлланилса меҳнат сарфи камаяди ва иш унуми ошади. Энг муҳими бажарилган ишнинг сифати ва автомобилларнинг техник ҳолати яхшиланади.

Барча автомарказларда ва замонавий АСС ларида махсус жиҳозланган диагностика постлари ташкил этилган. Автомобил эгасининг буюртмасига кўра уни хизматга қабул қилишда, техник хизмат ёки таъмирлаш жараёнларида ва баъзи зарур ҳолларда, эгасига топшириш постларида, хизмат сифатини текшириш мақсадида диагностика қилинади. Мижозлар томонидан энг кўп диагностика қилиш тўғрисидаги талаблар моторни ёнилғи билан таъминлаш аппаратуралари, уни ўт олдириш тизими ва электр-электрон жиҳозлар, бошқариладиган ғилдиракларнинг оғиш бурчакларини текшириш ва созлаш, ғилдиракларни динамик мувозанатлаш, аккумуляторлар ҳолатини текшириш ва таъмирлаш каби ишларига тушади. Чунки шу узелларнинг ишлаши асосан автомобиль шиналарининг ейилиши, унинг ёнилғи тежамкорлиги билан боғлиқ бўлган сарф-ҳаражатларини белгилайди.

Ихтисослашган махсус диагностика участкалари станцияларнинг кувватига қараб 1-4 постлардан иборат бўлиб, улар автомобилларнинг техник ҳолатини аниқлаш учун барча зарур ўлчов-назорат асбоблари ва махсус синов стендлари билан жиҳозланади.

ТХК постлари тўсатдан, кутилмагандан автомобилда носозликлар, бузилишлар содир бўлиши эҳтимолини олдини олиш ишларини бажариш учун мўлжалланган. Маълумки, бу ишлар текширув-назорат, қотириш-маҳкамлаш, созлаш, мойлаш ва майда таъмирлаш ишларидан иборат бўлиб, керакли технологик жиҳозлар билан таъминланган постларда, махсус кўриш ариқчалари устида ёки кўтаргичлар, эстакадаларда бажарилади. ТХК участкасининг айрим постлари, баъзи ишларни, масалан, мойлаш, олдинги ғилдиракларни ўрнатиш бурчакларини текшириш ва созлаш, чиқинди газлар заҳарлилигини меъёрига келтиришга ихтисослашган бўлиши мумкин.

Агрегатларни алмаштириш постлари автомобилларнинг агрегатлари, узеллари ва тизим қисмларида содир бўлган бузилишлар, носозликларни тузатиш учун хизмат қиласи. Кўп ҳолларда бу бузилишлар ва носозликларни оддий созлаш ёки қотириш билан бартараф этиб бўлмайди, бунинг учун ўша агрегат ёки узел автомобилдан ечиб олинади, баъзи бир қисмлар алмаштирилади ёки махсус устахоналарда таъмирланади.

Баъзан таъмирлаш ишларини бажаришда автомобильни кўтариб, унинг остида иш бажариш талаб қилинмайди (свечани ёки карбюраторни алмаштиришда), бу вақтда ишлар махсус ажратилган оддий жойларда бажарилиши мумкин.

Ўз табиатига кўра постларда бажарилиши мақсадга мувофиқ бўлмаган ёки мумкин бўлмаган таъмирлаш ишлари юқорида айтиб ўтилгандек, махсус таъмирловчи устахоналарда бажарилади. АСС лардаги бу устахоналарнинг таркиби ва сони шу корхонанинг қувватига ва йиллик бажариладиган ишлар ҳажмига боғлиқdir. Агрегатларни таъмирлаш ва механика устахонасида моторлар, узатмалар қутиси, илашиш муфтаси, олдинги ва орқа кўприклар, редуктор, рул механизмлари ва бошқа узелларни қисмларга ажратиш, йиғиш, айrim деталларга (тирсакли вал, мотор блоки ва ҳ.к.ларга) турли хилдаги механик, электрогальваник, чилангарлик каби ишловлар берилади ва синалади.

Аккумулятор устахонасида эса аккумуляторлар батареясига хизмат кўрсатилади, таъмирлангандан сўнг янгидан зарядланади, дистилланган сув ва электролит тайёрланади. Таъмирлашга яроқли аккумуляторлар батареяси автомарказлар, йирик АССлар ёки махсус ихтисослашган устахоналарда корпусини алмаштириб ёки мастика қуйиб тузатиш, пластинкалари ва сепараторларини алмаштириш, қўрғошинли сеткалари ва клеммаларни қалайлаш, кавшарлаш билан таъмирланниб, ишлаш қобилияти тикланади.

Электротехника ёки электр жиҳозларини таъмирловчи устахонада эса электр ва электрон жиҳозлар, агрегатлар (генераторлар, стартерлар, турли узатма электромоторлари, электрон моторлар ва ҳ.к.) ва бошқа назорат-ўлчов асбоблари текширилиб кўрилади, зарурат бўлганда таъмирланади. Шуни таъкидлаш лозимки, бу жиҳозларнинг носозлиги автомобилларнинг ўзида, таъмирлаш постларида ёки бартараф этилиши иложи бўлмаган ҳоллардагина улар устахонада бажарилади.

Таъмирлашга келтирилган агрегатлар аввал махсус жиҳозларда текширилиб кўрилиб, сўнgra қисмларга ажратилади, ювилади, тозаланади, қуритилади ва дефектовка қилинади, яъни яроқсизлари янгисига ёки яроқлисига алмаштирилади, баъзилари таъмирланади ва яна йиғилиб синаб кўрилади.

Таъминот тизими асбоблари ва жиҳозларини таъмирловчи устахонада эса ёнилғи насоси, карбюратор, инжекторларни қисмларга ажратиб, ювиб, тозалаб, яроқсиз деталларини алмаштириб, сўнgra қайтадан йиғиб, текшириб ва синаб кўрилади.

Баъзан енгил автомобиль кузовларининг шикастланган эле-ментларини (эшиклари, қанотлари, бамперлари ва ҳ.к.) тўғрилашга ёки текислашга, пайвандлашга ва жойида бўяшга тўғри келиб қолади. Автомарказларда, йирик ва ўрта қувватдаги станцияларда бу ишларни бажаришга махсус ажратилган ва жиҳозланган **кузов элементларини таъмирловчи постлар** ажратилади.

Кузовларни таъмирлаш устахонаси барча устахоналардан энг каттаси бўлиб, ундаги ишларининг ҳажми ва мураккаблиги кўп вақтни талаб қиласи.

Кузов устахоналари бир неча мустақил ишлаб чиқариш участкаларидан, чунончи, тунукасозлик, бўяшга тайёрлаш, бўяш ва қуритиш ва арматураларни таъмирлаш жамламасидан иборатдир. Бу устахонага кузов барча агрегатлар ва осма қисмлардан ажратилган ҳолда келтирилади.

Кузовни таъмирлаш тунукасозлик участкасидан бошланади. Бу жойда урилиб шикастланган кузовлар махсус жиҳозларда, винтли, гидравлик тортмаларда тортилиб тўғриланади, занглашга учраб чириган жойлари ва деформацияланган тўғрилашнинг иложи бўлмаган қисмлари автоген ёрдамида кесиб ташланади. Олиб ташланган жойларга эҳтиёт қисмлар ёки махсус тайёрланган ямоқлар пайвандланади. Пайвандлаш карбонат ангидридли ҳимояли муҳитда, ярим автомат электр ёили қурилмаларда бажарилади.

Кесища эса автоген усули билан бир қаторда пневматик юритмали айланма кесгичлар қўлланилади. Кузов деталларини бир-бирига улашда контакт нуқтасимон электр пайвандлаш усуллари ҳам қўлланилади.

Тўғриланган ва уланган кузов сўнгра пайвандлаш чокларидан тозаланади ва обдон махсус асбоблар ёрдамида қўл зарбаси билан текисланади. Узел-кесил тўғриланган, нафис ҳолгача текисланган ва тозаланган кузов бўяшга тайёрлаш участкасига ўтказилади. Бу жойда кузов сатхидан бўёқлари иложи борича қириб, сидириб ташланади, қумқоғоз билан ишқаланиб тозаланади. Нотекис жойлари ва тирқишилари махсус шпаклевка билан текисланади, сўнгра кузов бўяш участкасига ўтказилади.

Бўяши жойи алоҳида ёпиқ герметик камера бўлиб, у ишончли ҳаво суриш ва ҳайдаш асосида ишловчи вентилятор билан жиҳозланади (4.3-расм). Бу камерада кузов сатҳига, аввало, хомаки бўёқ грунт сепилади, корпусига шовқинга ва занглашга қарши ишлов берилади ҳамда махсус пуркагич пистолетларда бўёқ сепилади. Нитроэмалли бўёқлар тез, 20 минут ичida, паст ҳарорат($18-20^{\circ}\text{C}$)да қуритилади, агар синтетик эмал бўёқлар ишлатилса, қуритиш учун кузовни $110-130^{\circ}\text{C}$ ҳароратли камерада 30-50 минут сақланади.



6.3-расм. Автомобилларни бўяш жойи.

Бўёқларни тайёрлаш, ранг ва жилосини аниқлаш компьютер-лар ёки махсус тайёргарликка эга бўлган мутахассислар ёрдамида бажарадилар. Кузов жамламасининг яна бир участкаси арматура участкаси бўлиб, бу жойда эшиклар, капотлар, юкхона ошиқ-мошиқлари, қулфлар, ойналарини кўтариш-тушириш механизмлари таъмирланади.

6.2. Автосервис корхоналарининг ёрдамчи участкалари

Автомарказлар ва АССларда маъмурий-маиший хоналар қатори мижозлар учун алоҳида хона, эҳтиёт қисмлар омборлари ва савдо дўконлари, салонлари бўлиши шарт.

Омбор хўжалиги. Ишлаб чиқариш бинолари ва устахоналаридан ташқари технологик жараёнларнинг узлуксиз ва тўхтовсизлигини таъминловчи элементлардан бири омбор хўжалигидир. Уни барпо этиш ва фаолиятини ишлаб чиқариш жараёнлари талаблари асосида ташкил этиш, айниқса, муҳимдир.

Омбор хўжалигининг таркиби, уларда сақланадиган захиралар ҳажми ва хиллари, автосервис корхоналарининг турлари ва ишлаб чиқариш қувватига боғлиқ бўлади.

Автомарказ ва АССларнинг омборларида қуйидагилар захираси сақланади:

- сотиладиган автомобиллар;
- автомобилларга эҳтиёт қисмлар;
- алмаштириладиган (янги ва таъмирланган), алмашилган автомобиллар агрегатлари ва узеллари;
- таъмирлаш материаллари (лок-бўёқлар, электродлар, кислород баллонлари, кислоталар, карбидли бочкалар, турли металлар ва х.к.
- ёнилғи-мой материаллари;
- асбоб-ускуналар;
- шиналар;
- автомобилларнинг турли хил ашёлари.

Бу автомобиллар, эҳтиёт қисмлар ва материалларнинг ишлаб чиқаришга сарфланадиган ва сотиладиган қисмлари учун алоҳида омборлар ёки умумий захира омборларини ташкил этиш мумкин.

Материалларнинг хиллари бўйича тўғри танлаб шакллантирилган захиралар ҳажми ТХК ва таъмирлаш ишлаб чиқаришининг узлуксиз ишлашини таъминловчи мустаҳкам моддий-техник базаси бўлиб хизмат қиласди. Захираларни шакллантириш усуллари эса сервис станциялар тармоғининг ташкилий таркиби, корхона хизматининг автомобиллар турлари ва ишларига қараб ихтисосланганлик даражаси ва қувватига боғлиқдир. Мустақил АССлари ўз захира моллари турлари ва ҳажмини ўзининг ўтган даврдаги амалий фаолияти ҳисботидан олинган статистик маълумотлар, шунингдек, хизмат кўрсатиладиган автомобиллар сонининг келажакдаги эҳтимолий ўзгаришларини назарда тутган ҳолда аниқлайдилар.

Захиралар аниқлангач уларни саклаш меъёрлари орқали омборлар ҳажмини (қувватини) аниқлаш мумкин. Ҳар бир молнинг хили бўйича қуйидагича саклаш меъёрлари белгиланган:


- майдон бирлигига түғри келадиган массаси ($0,2 - 3 \text{ т}/\text{м}^2$);
- хона ҳажмига түғри келадиган массаси ($0,1 \div 2,0 \text{ т}/\text{м}^3$);
- максимал сақлаш баландлиги.

Сақлаш меъёрлари асосида омбор жиҳозлари танлаб олинади (стеллаж-тахмонлар, күтариш-силжитиш механизмлари, маҳсус яшиклар, тагликлар, аравачалар ва ҳ.к). Омбор майдонини аниқлашда ундаги жиҳозлар, юриш ва транспорт йўлакчалари, мол қабул қилиш, тарқатиш, шунингдек бўш идиш-анжомларни сақлаш жойларининг ўлчамлари ҳам ҳисобга олинади. Автомарказлар ва йирик АСС ларда омборлар ёнфинга чидамли материаллардан алоҳида бино ҳолатида ёки ишлаб чиқариш мажмуаси билан бириктирилган (блок усулида) бир неча бўлим, хоналар сифатида барпо этилади.

Ўрта ва кичик қувватли станцияларда эса омборлар учун одатда ишлаб чиқариш биноси мажмуасида бир ёки бир неча хоналар ажратилади. Аммо ҳар қандай ҳолда ҳам ёнилғи-мойлаш материаллари алоҳида бинода сақланиши зарур.

Омбор майдонининг шакли тўртбурчаксимон бўлиб, унинг бўйи билан эни 1:4 нисбатда бўлиши мақсадга мувофиқдир. Автосервис корхоналари молларини кўп қаватли ($3 \div 4$) тахмонларда сақлаш мумкин. Бу ҳолда омбор майдонидан фойдаланиш даражаси ошиб 40-60 % га етади (4.4-расм) [19]. Автомарказлар, катта ва ўрта қувватли автосервис корхоналарида эҳтиёт қисмлар ва агрегатлар алоҳида хонада кўп қаватли пештхталарда, маҳсус токчали шкафларда, майда деталлар эса (болт, гайка, шайба ва ҳ.к) яшикларда сақланади.

Керакли деталларни тезда излаб топиш учун улар автомобиль қисмлари бўйича гурухланиб каталог номлари асосида жойлаштирилади. Маҳсулот ва материалларни шу ёрлиқларга асосан маҳсус пештхталарга жойлаштириш ишлаб чиқаришга кераклиларини бир зумда топишга имкон беради. Думалоқ шаклда-ги металларни горизонтал шаклда кўп қаватли пештхталарда, яssi металлар вертикал шаклда пештхта токчаларида сақланади.



6.4-расм. Эҳтиёт қисмлар омбори.

Эҳтиёт қисмлар ва агрегатлар сақланадиган омбор автомобилларга ТХК ва жорий таъмирлаш постлариға яқин жойлашган бўлиши зарур, чунки улар ўзаро технологик боғланганлар. Лок-бўёқ, кузов деталлари, пайвандлаш материаллари, кислород баллонлари, юпқа металл листларини ва шунингдек, шикастланган кузовлари тикланаётган автомобиллар ашёларини сақлаш омборлари кузовларни таъмирлаш участкасида ёки унинг ёнида жойлаштирилади.

Енгил ўт олуви материяллар ва кислоталар (лаклар, бўёқлар, сульфат кислотаси, сульфат ва хлорид кислотаси) ажратилган ҳолда алоҳида ёнгинга чидамли хоналарда сақланади. Кислоталар юмшоқ тагликларга ўрнатилган бутилларда алоҳида ажратилган хоналарда сақланади.

Катта ва ўрта қувватли станцияларда ТХК ва таъмирлаш жараёнида ҳар доим керак бўлиб турадиган айрим майдаталарнинг бир қисми (болтлар, гайка, шайба, проклад-калар, картон қофозлари, электросақлагичлар, автолампочкалар ва х.к.) ишлаб чиқариш участкалари бошлиқларида сақланади.

Кичик қувватли станцияларда юқорида келтирилган барча вазифани марказий омбор бажаради. Ёнилғи-мойлаш материаллари уч кунлик заҳира ҳисобида алоҳида, ёнгинга чидамли биноларда сақланиши талаб этилади.

Шунингдек барча турдаги корхоналарда ишдан чиқсан, **яроқсиз деталлар ва анжомлар** сақланадиган алоҳида омбор бўлиши лозим.

Шина ва бошқа резинатехник маҳсулотлар ҳамда материаллар маҳсус омборларда сақланади. Шина омборларида янги, айрим ҳолларда таъмирлашга топширилган ва таъмирланган шиналар ҳам вертикал ҳолатда сақланади. Бу омбор ҳам шиналарни таъмирлаш участкаси ёнида жойлашуви маъқул. Бу омборларнинг тузилиши ертўла ёки ярим ертўла шаклида бўлиши мақсадга мувофиқдир. Шиналар ҳам 2 қаватли пештахталарда тик турган ҳолда сақланади. Камераларга озроқ дам берилган ҳолатда илгакларда

сақланади. Улар вақти-вақти билан бир оз айлантирилиб турилади. Шиналар омбори қоронғи бўлиб, у ерда ҳаво ҳарорати $-10^{\circ}\text{C} < t < +20^{\circ}\text{C}$ ва намлиги 50-60% оралиғида бўлиши керак. Шиналарни сақлаш хоналарига ёруғлик нуридан ҳимоялаш учун махсус ойнали деразалар ўрнатилади. Резина материалларни сақлаш омборларида уларга салбий таъсир этувчи материаллар (керосин, бензин, скрипидар, мой) билан биргаликда сақлаш таъкиқланади.

Таъмирлаш учун ишлатилувчи хом резиналар ёғоч тиқинга эга бўлган ўрамларда пештахта устида сақланади. Таъмирлаш учун ишлатиладиган елим ёпиқ ойнали идишда сақланади.

Электр таъминоти. Автосервис корхоналари электроэнергия истеъмолчиларининг учинчи тоифасига киради (яъни, уларга энергия узатишдаги узилишлар бир суткага қадар давом этиши мумкин).

Электроэнергия қўйидаги максадларда фойдаланилади:

- технологик жиҳозлар, электромоторларни ҳаракатлантириш;
- қизитиш қурилмалари (вулканизация аппарати, автомобилларни бўяш, қуритиш камералари ва х.к), электропайвандлаш аппаратлари ва ёритиш тизими приборларини энергия билан таъминлаш;
- инсон ҳаёти ва унинг хавфсизлигини таъминловчи ва нормал меҳнат шароити яратиш учун хизмат қилувчи техник воситаларнинг (электровентиляторлар, кондиционерлар, компьютерлар ва х.к) ишланини таъминлаш.

Электроэнергия тизимида кучланиши 127, 220, 380 вольтли ўзгарувчан ток ва 6, 12, 24, 36 вольтли ўзгармас ток қўлланилади. Кичик кучланишдаги ўзгармас токлар (асосан 12, 24 в) аккумуляторлар батареяларини зарядлаш, автомобилларга ТХК ва таъмирлаш постлари чукурларини ёритиш учун ишлатилади.

Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, уларни ташхислаш ва таъмирлаш участкалари бино шифтига ўрнатилган эстетик газли лампалар ёрдамида ёритилади. Кўриш ариқчалари хона полидан пастда жойлашганлиги учун уларнинг ёритиш тизимига электр таъминоти умумий ёритиш тизмидан алоҳида шамоллатиш тизими билан биргаликда амалга оширилади. Технологик жиҳозларга электр энергияси деворларга ўрнатилган, бош улагич орқали таъминланадиган штепсел розеткалари орқали узатилади.

Иссиқлик таъминоти. Корхонанинг иншоотларини иситишни лойихаланаётганда хоналардаги ҳавонинг ҳисобланган параметрлари 6.1-жадвалдаги микдорларда қабул қилинади.

Ишдан ташқари вақтда ҳамма хоналарда илиқ ҳароратни ушлаб туриш учун навбатчи иситгич кўзда тутилиши керак. Иситиш тизимини ишдан ташқари вақтда навбатчи иситишга ўтказишни имкони борича автоматлаштириш лозим.

Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва сақлаш хоналарида шамоллатиш билан мослашган ҳаво иситгич қўлланилиши керак. Бу тизим

ҳаво иситиш жиҳозларини марказлашган ёки марказлашмаган ҳолда жойлаштириш ёрдамида амалга оширилади.

Марказлашган буғ-ҳаво иситиш усулида ҳаво марказий камерада иситилади ва у ердан марказдан қочма вентилятор ҳамда метали ҳаво юритгич ва пол тагидаги каналлар ёрдамида хоналарга тарқатилади.

6.1-жадвал

Хоналар номи	Ҳарорат $^{\circ}\text{C}$	Ҳавонинг нисбий намлиги, %	Ҳавонинг харакатланиш тезлиги, м/с
Автомобилларга хизмат кўрсатиш	16	75 дан ортиқ эмас	0,5 дан ортиқ эмас
Автомобилларни сақлаш	5	Меъёrlанмайди	0,5 дан ортиқ эмас 1.0
Эҳтиёт қисмлар, агрегатлар материаллар ва асбоблар сақлаш	10	меъёrlанмайди	Меъёrlанмайди
Шиналарни сақлаш	5	меъёrlанмайди	Меъёrlанмайди

Марказлашмаган ҳолда иситишда яхлит блокка ўрнатилган калорифер, вентилятор ва электродвигателдан фойдаланилади.

Ҳаво узатиш агрегатларини колонналар ёки деворларда жойлаштирилиши лозим.

Таъмирлаш-тайёрлов ва омборхоналарни иситишда паст босимли ёки юқори босим (маҳаллий иситиш асбоблари) буғли иситиш тизими қўлланилади.

Автомобилларни сақлаш хоналари билан дарвоза ёки эшик билан боғланган ишлаб чиқариш хоналарида қўшимча жой кўзда тутилади ва у ерга узатилаётган ҳаво миқдори ҳисобдагидан 10 % га оширилади.

Аккумулятор, камера ямаш, копламачилик ва қайта тиклаш ишлари бажариладиган хоналар ҳаволи иситиш қўлланганда ҳавони айланма харакатлантиришга рухсат этилмайди.

Ҳавонинг совиши ҳисобланганда, ташқи тўсиқлар ва инфильтрация ҳисобига йўқотиладиган иссиқликлардан ташқари, хонага кираётган совук автомобилларни иситишга кетадиган ва очик дарвозадан кираётган совук ҳавони иситишна кетадиган иссиқликни ҳам ҳисобга олиш зарур.

Ҳаво тўсгич иккита вертикал ҳаво юритгичлардан иборат бўлиб ўз электродвигатели билан таъминланган. Ҳаво юритгичдан юбориладиган иситилган ҳаво кириб келаётган ҳавога қарши 45° бурчак остида юборилади.

Сиқилган ҳаво билан таъминлаши. Сиқилган ҳаво билан ишловчи ускуналар бошқарилиши енгиллиги, ишончлилиги ва хавфсизлиги билан ажралиб туради, уларнинг камчилиги эса факат кичик фойдали иш

коэффициенти ва шовқинидир. АССларида айрим технологик операцияларни бажариш учун бу ускуна ва асбоблардан фойдаланилади .

Сиқилган ҳаво билан ишловчи ускуналар, дастгоҳлар ва қурилмалар томонидан истеъмол қилинадиган ҳаво ҳажмлари 6.3-жадвалда келтирилган.

АССларида сиқилган ҳавони етказиб бериш мақсадида поршенли компрессорлардан фойдаланилади (босим 0.6...1.0 мПа).

6.3-жадвал

Ускуна, дастгоҳ ва қурилма номи	Ҳаво истеъмоли
Пардозловчи машина	0,5-0,7
Йўнувчи машина Ø10 мм гача.	0,5-0,6
2 мм қалинликдаги пўлат листларни қирқиши қайчиси	0,7
M14-M24 гайкалари учун гайкаоверт M14- M24	1,2
65	0,75
150	1,1
200 мм деметрли чархлар учун	1,2
Бир устунли кўтаргич	0,8-1,0*

Изоҳ: * ҳар бир кўтариш учун

Шамоллатиш тизими. Автосервис корхоналарининг ишлаб чиқариш иншоотлари меҳнат муҳофазаси талаблари асосида шамоллатиш жиҳозлари билан таъминланган бўлади. Чунки ишлаб чиқариш технологик жараёнларида юзага келадиган (ёнилғи ва электролитнинг бугланиши, бўёқлар газлари, автомобиль двигателларидан чиқадиган ёниш маҳсулотлари ва х.к.) ва ҳаво таркибига қўшиладиган ҳар хил газлар инсон организмига заҳарловчи таъсир кўрсатади. Бундан ташқари бу газлар таъминот тизими жиҳозларини ва аккумуляторларни таъмирлаш, бўёқчилик устахонасида, кўриш хандакларида, мой материаллари омборларида ҳаво таркибида портлашга мойил қўшилмалар юзага келтириши мумкин.

Бу ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида барча турдаги корхоналарнинг ишлаб чиқариш биноларида шамоллатиш тизими ташкил қилинади. Шамоллатиш тизимининг асосий вазифаси ҳаво таркибида газлар концентрацияларини ҳосил бўлишига йўл қўймаслик ва ҳавонинг меҳнат муҳофазаси қоидалари ва ёнғинга қарши талаблар асосида белгиланган мақдорларда алмашиниб туришини таъминлашdir.

Ҳаво таркибидаги заҳарли газларнинг микдорини камайтириш мақсадида ТХК ва таъмирлаш участкаларида автомобилларнинг ишлаб турган двигателларидан чиқаётган ёниш маҳсулотлари маҳсус қувурлар орқали ташқарига чиқариб юборилади.

Сув таъминот ва тозалаши тизими Автосервис корхоналари ўзлари жойлашган шаҳар тармоқлари орқали сув билан таъминланади. Магистраль йўллари ёnlаридаги ва сув тармоқлари мавжуд бўлмаган кичик аҳоли

пунктларидаги корхоналар ўзларининг сув билан таъминлайдиган автоном тармоқларига эга бўлишлари мумкин.

Корхонада сувлар асосан ичиш, санитар-маиший эҳтиёжлар, технологик (автомобилларни ювиш, дастгоҳларни совутиш) ва ўт ўчириш учун сарфланади.

Мавжуд стандартларга асосан **маиший эҳтиёжлар** учун қўйидаги меъёрларга асосан ҳисобланади :

- офис (идора) хизматчиларига,
- бир киши учун - 50-80 л/кун;
- жисмоний меҳнат қилувчиларга,
- бир киши учун - 120-150 л/кун.

Технологик жараёнлардаги сув сарфига автомобилларни ювишга кетадиган сув миқдори асосий сарф ҳисобланади. Чунки бошқа ишлаб чиқариш устахоналарида (аккумулятор, шиналарни таъмирлаш устахоналари, қозонхона ва х.к.) сув сарфи жуда кам бўлиб $0,5\text{-}1,0 \text{ м}^3$ дан ошмайди. Автомобилларни ювишга сарфла-надиган сув миқдорлари ювиш услугига (қўлда, механизация-лашган) қараб 6.4-жадвалда келтирилган.

6.4-жадвал

Автомобилларни ювишга сарфланадиган сув миқдорлари

T.№	Ювиш услуби	Сув сарфи, л/автомобиль		
		Шасси	Кузов	Жами
1	Қўлда ювиш	400	300	700
2	Механизациялашган	300	200	500

Ўт ўчириш учун сув сарфи мавжуд биноларнинг ёнғинга чидамлилик даражасига bogliq бўлиб 6.5-жадвалда келтирилган.

Юқорида келтирилган сув сарфидан ташқари станция территориясидаги дарахтлар, гул-қўкаламзорларни суғориш учун сарфланадиган сувларни ҳам таҳминан 5 л/м^2 меърида ҳисобга олиш зарур.

Станция сув билан таъминланиши учун шаҳар, қишлоқ сув ўтказиш коммунал тизимига уланиши ёки мустақил сув таъминотига эга бўлиши, яъни ер ости сувларини артезиан қудук насослари орқали тортиб фойдаланиши мумкин. Баъзи ҳолларда бу усулларнинг барчасидан бирданига фойдаланилади.

6.5-жадвал


Ўт ўчириш учун сарфланадиган сув миқдорлари

Биноларнинг ёнғинга	Иншоотларнинг ёнғинга хавфлилик	Битта ёнғин ҳолати учун сув сарфи, л/мин
---------------------	---------------------------------	--

чиdamлилик даражаси	даражаси	Биноларнинг ҳажми, минг м ³		
		3 гача	3-5	5-20
I - II	Д, Е	300	300	600
	A,B,C	600	600	900
III	Д, Е	300	900	900
		600	900	1200
IV - V	Д, Е	900	1200	1500

Корхона коммунал сув ўтказиш тармоғидан фойдаланадиган бўлса чиқиши мумкин бўлган ёнғинларни ўчириш учун 50 м³ ҳажмдаги маҳсус иншоот қурилиб унда захира суви сақланади. Чунки тармоқдаги сув босими ёнғинни тез ўчиришга имкон бермайди, камлик қилади.

Автомобилларни ювиш постидан чиқаётган **оқова сув канализация тизими**, сув ҳавзаларини ва атроф муҳитни ифлосламаслиги учун маҳсус “сув сепаратор”идан ўтказилади (6.5-расм). Сепараторнинг 3 ёки 4 бакидан сув-оқова тармоғига ёки бошқа сув ҳавзаларига, канал (арик)ларга ташланатган сув барча ифлосликлардан (шу жумладан мой маҳсулотларидан) тоза бўлиши керак. Сепаратор камида учта бакдан иборат бўлади.



6.5-расм. Ювиш пости (линияси)дан чиқаётган оқова сувни тозалаш “сув сепаратор”и.

Оқова сув кетма-кет сепаратор бакларидан ўтиш жараёнида сув таркибидаги лой ва бошқа қаттиқ оғир заррачалар (ювиш маҳсулотлари)

баклар тубига чукиб йиғилади. Худди шундай мой маҳсулотлари солиширма оғирлиги кичик бўлгани учун (аралашма учун ўртача 0,85) баклардаги сувнинг устки қисмига қалқиб чиқиб маҳсус идишларда йиғилади. Сепаратор бакларида тўпланадиган лойқа вақти-вақти билан тозалаб турилади. Идишда тўпланган лой, қувур 4 (\varnothing 150 мм) дан бункерга (автомашинага юклаб, жўнатиш учун) туширилади.


АСС марказлашган тартибда сув манбаи билан таъминланмаган ҳолларда ва ташқи муҳитни муҳофаза қилиш мақсадида, автомобилни ювишдан чиқкан сув тозаланиб, ундан қайта фойдаланиш мумкин. Бунинг учун фойдаланилган сувни тозалаш курилмалари кўлланилади. Будай курилмалар асосан аралашмаган заррачалар: қумлар ва нефть маҳсулотларини тозалашга асосланган.

6.3. Автосервис корхоналарида мижозлар учун хоналар ва хизмат пунктлари.

Бозор иқтисодиёти шароитида рақобатга чидаш ва унда муваффақиятли кураш олиб боришининг асосий шартларидан бири бозорга қўйилган товарни ёки хизматнинг юқори сифатли бўлиши ва унга бериладиган кафолат ҳисобланади. Автосервис хизмати ҳам бу қоидадан ҳолис эмас, чунки мижозлар автомобилларига қўрсатилаётган хизматларнинг сифати, хизмат қўрсатувчиларнинг бозордаги, тадбиркорликдаги муваффақиятлари гаровидир.

Хизмат қўрсатиш соҳасида, жумладан, автосервис хизматида ҳам, сифат икки қисмдан, яъни автомобилда бажарилган ишларнинг сифати ва автомобиль сохиблари-мижозларга қилинадиган муомала маданиятидан иборатdir. Яратилган бу қулайликлар автомобиллар сохибларининг шу корхонанинг доимий мижозларига айланишларини таъминлаб беради. Автомобилларида юзага келган кичик носозликларни тузатиш ёки кам ҳажмдаги сервис хизмати билан кирган мижозлар учун кутиш ва дам олиш салони (4.6-расм) телевезор, дам олиш креслолари, диванлар, стол ва стуллар билан жиҳозланган бўлиб, бу салонларда газета ва журналлар, проспектлар бўлади [19]. Кутиш ва дам олиш салони кафе-бар сифатида ҳам ташкил қилиниши мумкин.

Мижозларга **маданий-майиший хизматни** яхшилаш учун корхоналар ёнида ресторанлар, ошхоналар, кафе-барлар ва чойхоналар ташкил этилади.



6.6-расм. Мижозлар учун кутиш ва дам олиш салони.

6.4. Савдо шохобчалари, сотиладиган автомобиллар, эҳтиёт қисмлар омборлари, дўконлар, автосалонлар

Автосавдо-тижорат шохобчалари, корхоналари - автосавдо базалари, салонлари ва дўконларидан иборат бўлиб, улар асосан автомобилларни сотувга тайёрлаш ва сотиш билан шуғулланади (6.2-расм).

Савдо-тижорат корхоналари автомобиллар, уларга эҳтиёт қисмлар ва турли материаллар ҳамда анжомларнинг улгуржи ва чакана савдосини ташкил қилиш билан шуғулланади, улар савдо базалари, омборлари, салон-дўконларидан иборат бўлиши мумкин.


Автомобиллар савдоси билан шуғулланувчи катта фирмалар, компаниялар савдо шохобчалари таркибида автосалон (6.7-расм) ва кўргазма заллари (6.8-расм) ташкил қиласидилар.



6.7-расм. Автомобиллар савдоси билан шуғулланувчи корхоналарнинг автосалони.

Мижозлар бу күргазма залларида мавжуд автомобиллар билан танишиб уларнинг ўзларига ёқсан русум ва моделларини танлаб олиш имкониятларига эга бўладилар. Худди шундай сотиб олина-диган автомобиллар мижозлар томонидан ўз вақтида олинишини таъминлаш учун савдо корхоналари ўз таркибларида сотиладиган автомобиллар, эҳтиёт қисмлар омборларини ташкил қиласидилар.

Кичик аҳоли пунктларида автомобиллар савдоси билан шуғулланувчи дўконлар ташкил қилинади. Мазкур дўконларда сотиладиган автомобилларнинг нусхаси ҳамда уларнинг бошқа русум ва моделларининг проспектлари бўлади.



6.8-расм. Автомобиллар савдоси билан шуғулланувчи корхоналарнинг күргазма заллари.

Мижозлар проспектлар билан танишиб, улардан ўзларига ёқсан русум ва моделлари танлаб олиб, дўкон ходимига буюртма берадилар.

Автомобиллар қисқа муддатларда буюртмага асосан олиб келиб берилади. Мижозлар янада күпроқ қулайликлар яратиш мақсадида автосавдо салонлари ёнида автосервис шохобчаси, тижорат банклари бўлимлари ташкил қилинади (6.9-расм).



6.9-расм. Автосавдо салони, автосервис шохобчаси ва Асака тижорат банкининг бўлимлари мажмуаси.

Назорати саволлари:

1. АССларда ишлаб чиқариш участкалари.
2. АССларда ТХК постлари.
3. Автосервис корхоналарининг ёрдамчи участкалари.
4. Автосервис корхоналаридаги мижозлар учун яратиладиган шароитлар.
5. Автосавдо-тижорат шохобчалари, корхоналари.
6. Электро таъминоти тизими.
7. Иссиқлик таъминоти тизими.
8. Шамоллатиш тизими.
9. Сиқилган ҳавога бўлган эҳтиёж.
10. Сув таъминоти ва тозалаш тизими.
11. Технологик жараёнлардаги сув сарфи.

7. Маъруза: Ишлаб чиқаришни технологик тайёрлаш ва хизмат сифатини таъминлаш чора-тадбирлари

Режа:

- 7.1.Ишчи постлари, ўринлари, технологик жиҳозлари ва асбоб-ускуналарига кўйиладиган талаблар ва уларни аттестациядан ўтказиш тартиби.
- 7.2.Ишлаб чиқаришда сифатни таъминлаш чора-тадбирлари.
- 7.3.Хизмат сифатини меъёrlаштириш ва уни аттестациядан ўтказиш (сертификация).

Ииchi пост-бу бир ёки бир неча турдош ишларини бажариш учун технологик жиҳозлар билан таъминланган ишлаб чиқариш майдонининг бир бўллагидир. Пост бир ёки бир неча иш жойидан иборат бўлиши мумкин. Замонавий автотранспорт корхоналари шароитида ишчи жойлар бир-бири билан узлуксиз боғланган бўлаклар тизимидан иборат. Бу алоқа ишлаб чиқариш жараёнининг бирлиги, ҳамма иш жойларида коммуникация тармоқларининг, сиқилган ҳаво, электр энергияси, совитиш суюқликлари, мойлаш маҳсулотларининг пропорционал тақсимланиши билан белгиланади.

Иш жойи-бу ижрочининг маълум ишларни бажариши учун ускуна, мослама ва жиҳозлар билан қуролланган меҳнат фаолияти зонасидир.

Иш жойини режали аттестациядан ўтказишнинг мақсади: меҳнат ва материал ресурслардан, асосий фондлардан фойдаланиши яхшилаш, иш унумдорлигини ўстириш асосида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишдан иборатdir.

Иш жойини аттестациядан ўтказиш қўйидаги тадбирларни ўз ичига олади:

- ҳар бир иш жойининг меъёрий талабларга ва илғор технологияларга мувофиқлигини комплекс баҳолаш;
- ишлаб чиқариш техника базасининг ривожланиши эришилган даражасининг тизимли таҳлили;
- иш жойининг бундан кейинги фойдаланилиши хақида қарор қабул қилиш ва унда ишлаб чиқаришни такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини аниқлаш.

Иш жойини аттестациядан ўтказиш режа асосида 5 йилда икки маротаба ўтказилади. Иш жойини аттестациядан ўтказиш билан бирга бригадалар ҳам шаҳодатланади.

Иш жойини аттестациядан ўтказии кўрсаткичлари.
Техник-технологик даража.

Минтақа ёки устахоналарни аттестациядан ўтказиш ҳайъатининг баҳолаш бўйича хulosаси.

1. Баҳолаш шартларига тўғри келади.

2. Баҳолаш шартларига тўғри келмайди, лекин тўғри келтириш мумкин.
3. Баҳолаш шартларига тўғри келмайди ва тўғри келтириб бўлмайди ҳам. Иш жойини тугатиш муддати.
4. Ишчи жойининг ушбу шартларга мослиги аттестациядан ўтказиш билан аниқланади:

Технологик тамоийил бўйича дастлабки ҳужжат бўлиб жойлаштириш тавсиялари билан стандартлаштирилган жиҳозлар табели ҳамда жорий таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатишнинг намунавий технологиялари хизмат қиласи.

Ишчи жойлари қўйидаги белгилар бўйича таснифланади:

- ҳайдовчилар, асосий ва ёрдамчи ишчилар ишчи жойлари;
- муҳандис -техник ходимлар ва хизматчилар ишчи жойлари;
- носаноат гурӯҳи ходимларининг ишчи жойлари.

Ишчиларнинг ишчи жойлари таснифий белгилари.

- ишчиларнинг касби;
- ишчи жойларидан фойдаланиш таснифи;
- жиҳозларнинг мавжудлиги ва ҳолати;
- ишчилар сони.

- Ишчи жойлардан фойдаланиш тавсифига қараб:

Вақт бўйича - **доимий ва вактинча**.

Доимий - бу муайян ишчи биритирилган ва жиҳозлар билан таъминланган ишчи жойи. Бунга станокчилар, стенкларда ишлайдиган ишчилар киради.

Вактинчалик - технологик жиҳозларга техник хизмат кўрсатиш билан боғлик ишчи жойлари.

Бунга чарх станоги, пармалаш станоги ва бошқа шунга ўхшаш иш жойлари.

Жойлашиши бўйича-стационар ва қўчма.

Стационар - меҳнат воситаларининг бир жойда тўпланган ишчи жойлар.

Қўчма- меҳнат предметига нисбатан ишчининг кўчиши билан таърифланадиган ишчи жойлари.

Кўчма ишчи постларга автомобиль, электрокара, юк ортувчи автомобиль ҳайдовчиларининг ишчи жойлари киради.

Жиҳозларнинг борлиги бўйича.

-жиҳоз билан.

-жиҳозсиз.

Ишчилар сонига қараб.

-якка.

-жамоавий.

Жамоавий деганда бир ишчи жойда бир неча ишчи ишлашига (ТХК, ЖТ постлари) айтилади.

Агарда бир ишчи бир вақтнинг ўзида бир неча жиҳозларда ишласа, у бир ишчи жойга ўтади.

Ишчи жой сифатида қуидагилар инобатга олинмайди:

-умумий фойдаланилдиган жиҳозлар (масалан чарх, кўчма пармалаш станоги кўтариш-элтиш воситалари ва х.к.)

-ўрнатилаётган ёки эксплуатацияга топширилмаган жиҳозлар:

-ўқув максадлари учун қўлланилдиган жиҳозлар.

Иш жойини аттестациядан ўтказиши. Аттестациядан ўтказиш жараёнида хар бир ишчи жойи тўртта даражা бўйича комплексли баҳоланади.

-техник-технологик - K_1 ;

-ташкилий-иқтисодий - K_2 ;

-мехнат шароити ва техника хавфсизлиги - K_3 ;

-ишлаб чиқаришни тайёрлаш тизими - K_4 .

Иш жойининг баҳолаш учун меъёрий усул (амалдаги маълумотларни меъёр билан солишириш) қўлланилади.

Ишчи жойини меъёр талабларига мос келишини аниқлашда ГОСТлардан, ОСТ лардан, санитар қурилиш қоида ва меъёрларидан, технологик лойиҳалаш меъёрларидан, намунавий лойиҳалардан ва бошқалардан фойдаланилади. Зарур меъёрий материаллар бўлмаган ҳолларда баҳолаш учун эксперт усулидан фойдаланилади. Бунда шу соҳа да эришилган ютуқлар, илфор меъёр ва усуллар, тажрибалар ҳисобга олиниши зарур.

7.2. Ишлаб чиқаришда сифатни таъминлаш чора-тадбирлари

Автомобилларга ТХК ва уларни таъмирлаш миқёсида бажариладиган ишлар техник хужжатларда кўрсатилган технологик тартибда, техник талаблар ва шартларга риоя қилинган ҳолда бажарилсагина сифатли бўлади.

ТХК ва таъмирлаш сифати қуидаги омилларга боғлиқ:

1. Ишлаб чиқаришни технологик тайёрлаш;
2. Моддий-техника таъминоти;
3. Кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш;
4. Метрологик таъминот;
5. Хизмат сифатига бўлган талабларни меъёрлаштириш ва хизмат сифати даражасини барқарорлаштириш;
6. Хизматни баҳолашдан ўтказиш (сертификация);
7. Хизмат сифатини яхшилашни рағбатлантириш;
8. Хизмат сифатини бошқаришни хукуқий таъминлаш;

9. Давлат томонидан давлат стандартларининг жорий этилиши ва унга риоя қилинишини, техник шартларни, техник ўлчов воситалари ҳолатини назорат қилиш;

10. Хизмат сифатини муассасалар томонидан назорат қилиш;

11. Тизимни маълумот (ахборот) билан таъминлаш.

Шу кўрсатилган барча амалларни хисобга олган ҳолда корхонада ишлаб чиқариш стандартлари тузилади ва уларда ўз йўналишлари бўйича бажариладиган тадбирлар, бажарувчи бўлимлар ва ижрочилар аниқ кўрсатилади.

Автосервис хизматида сифат икки қисмдан, яъни автомобилда бажарилган ишларнинг сифати ва автомобил эгалари-мижозларга кўрсатиладиган хизмат сифатидан иборатdir.

Ишлаб чиқаришини технологик тайёрлаш.

Бу жараёнда ҳамма ишлаб чиқариш участкалари ва мувофиқ хизматлар керакли хужжатлар билан таъминланиши керак.

Жумладан, технологик хужжатлар ҳолатини текширишда қуйидагилар хужжат аниқланади;

- технологик хужжатларнинг транспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш меъёрлари ва талабларига мувофиқлиги;
- технологик хужжатларнинг техник талабларига мувофиқлиги.

Технологик тартибга риоя қилиш тартиби текшириш жараёнида эса қуйидагилар мавжудлиги аниқланади:

- ҳар бир иш жойида технологик карталар, инструкция, автомобилларга ТХК ва Т ишларини бажаришдаги кўрсатмалар;
- ишлаб чиқариш участкаларини назорат ва синаш, диагностик жихозлар, ўлчаш воситалари;
- мавжуд технологик жихозларни режали таъмирлаш жадвалига амал қилиниши;
- ТХК ва Т ишларини ишчилар томонидан технологик хужжатлар йўриқномасига асосан бажарилиши.

Моддий-техника таъминоти. Хизматининг сифати моддий-техника таъминоти ҳолатига боғлиқ бўлиб, унга замонавий жихозлар, қурилмалар, асбоб-ускуналар ишлатилиши, меҳнатни ташкил қилиш ва рафбатлантиришнинг мақбул шаклидан фойдаланиши, таъмир вақтида

сертификатланган эҳтиёт қисм ва агрегатни қўлланиши орқали эришилади.

Бунда катта эътибор ишлаб чиқариш минтақа ва устахоналарини “Автосервис корхоналари учун технологик жихозлар рўйхати”даги энг замонавий синов-назорат, ўлчаш ва диагностикалаш жихозларининг ва механизацияшган технологик воситаларининг қўлланишига, технологик жихозларнинг ва қурилмаларнинг режавий-огоҳлантирувчи тартиб асосида таъмирдан чиқаришга қаратилган бўлиши лозим.

Кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириши хизмат кўрсатиш сифатига катта таъсир кўрсатади.

Замонавий мураккаб жиҳоз ва электроника билан таъминланган автомобилларга хизмат кўрсатиш юқори малакали, маҳсус маълумотга эга бўлган кадрларни тақазо этади. Автосервис хизмати бозори ривожланиши бўйича дунё амалиёти автосервис корхоналарининг мутлақ қўпчилигига олий маълумотли ходимлар ишлашини кўрсатади.

“Ишни бажариш ва хизмат кўрсатишни баҳолаш” ишни ва хизматни бажарувчининг малакаси билан ўлчанади.

Уни аниқлашда қўйидагиларга эътибор берилади:

- бажарувчининг малакаси, иш тажрибаси ва бошқа тавсифларининг меъёрий техник хужжатларда белгиланган талабларга мослиги (дипломи, разряди, меҳнат дафтарчаси, малакасини оширганлиги ҳакида сертификатлар ва бошқалар);

-технологик ва меъёрий хужжатларни, ишлаб чиқаришнинг метрологик таъминотини билиши;

- хизмат кўрсатиш малакаси;

- янги жиҳозлар билан ишлай олиш имконияти ва бошқалар.

Сервис бўйича технологик амалларни бажаришда ишнинг мураккаблигига қараб, ҳар-хил разрядли ишчилар ва мутахассислар жалб қилинади. Уларнинг малакалари мунтазам ошириб борилиши ва улар вақти-вақти билан қайта тайёрлаш курсларида ўқишилари лозим.

Метрологик таъминот.

Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш сифатини бошқаришда асосий кўрсаткич автомобил ва унинг агрегати ҳамда тизимларининг техник ҳолати хисобланади. Техник ҳолат параметрлари талаб даражасида эканлигини аниқлаш метрологик таъминотга боғлиқ.

Автотранспорт воситаларига ТХК ва таъмирлаш хизмати метрологик таъминот талабига жавоб бериши қўйидаги омиллар орқали баҳоланади;

- ўлчов ва назорат-диагностика жиҳозларининг (ЎНДЖ) ҳолати ва қўлланишининг назоратини таъминловчи метрология бўйича масъул шахснинг мавжудлиги;

- ЎНДЖ нинг давлат ва муассаса томонидан текшириш жадвали мавжудлиги ва унинг олиб борилиши;

- ЎНДЖ нинг аниқлик снифи ва ўлчов чегаралари бўйича талабларга мослиги;

- ЎНДЖ аттестациядан ўз вақтида ўтказилганлигини тасдиқловчи тамға, шаҳодатнома ёки жиҳоз паспортларидағи белгиларининг мавжудлиги;

- технологик жараённинг автотранспорт воситаларига ТХК ва таъмирлаш технологик хужжатлари бўйича таъминланганлиги.

Хизмат сифатига бўлган талабларни меъёrlашибирлиши ва хизмат сифати даражасини барқарорлашибирлиши.

Сифатли хизмат кўрсатиш буюртмачига сидқидилдан, дикқат-эътибор берган ҳолда, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишларини сифатли, кафолатли ва ўз вақтида бажаришдан иборатдир.

Хизмат сифатига умумий ва маҳсус талаблар қўйилади.

Умумий талаблар мәхнат ҳақидағи қонун, ички ишлаш тартиб-қоидалари ва бошқа ҳужжатлар билан белгиланган.

Махсус талаблар АТХКСларда хизмат күрсатиши қоидалари, мутахассислик билдиргилари, мансаб йўриқномалари ва бошқа турдаги меъёрий актларда ўз аксини топган.

Автосервис корхонасидаги хизмат сифатини баҳолаш борасида маълум даврийликда мижозлардан сўров ўтказиб турилади ва унинг натижалари бўйича хизмат күрсатишдаги ютуқ ва камчиликлар аниқланади, улар олдинги эришилган натижалар билан солишириб кўрилиб, чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилади ва амалга оширилади.

Хизмат сифати даражасини барқарорлаштириш учун корхонада қуийидағи тадбирлар оширилиши мақсадга мувофиқ:

1. Корхонада барча ишчи-ходимлар учун қатъий риоя қилинадиган ягона хизмат қоидалари бўлиши ва унга амал қилиниши;
2. Корхона томонидан ўз ишчи-ходимларига аниқ ва равshan талаблар кўйиш;
3. Ишчи ходимларни муттасил ўқитиши, малакаларини ошириш;
4. Ишчи ходимларни ўз корхонаси, фирмасига садоқатли руҳда тарбиялаш;
5. Ижодга йўл очиш;
6. Ишчи ходимларни моддий ва маънавий рағбатлантириш

7.3. Хизмат сифатини меъёрлаштириш ва уни атгестациядан ўтказиш (сертификация).

“ISO-9000” сериядаги стандартлар базасида яратилган, лекин саноатнинг айрим соҳаларига мўлжалланган стандартлар ва усуллар ҳам мавжуд. Масалан, “Тоёта Украина” компанияси мижознинг талабини қандай бажарилганини кўрсатувчи сервис сифати назорати – Customer Satisfaction Postcard жорий этди. Toyota дилерига кирган ҳар бир кишига иккита ташрифнома ва маркали конверт тақдим этилади. Ташрифноманинг бири мижознинг хизматлардан хурсандлигини, иккинчиси эса, норози эканлигини билдиради. Жўнатилган жавобларни компаниянинг бош директори олади ва таҳлил қиласи. Бу билан мижознинг ҳар бир фикри эшитилади ва эътиборга олинади. Шунга ўхшаш тизимлар хорижда кенг қўлланилмоқда ва ўзининг самарасини бермоқда.

Сифат бўйича стандартлар яратила бошланди, улардан бирин-чиси Британия стандарт институти (British Standards Institution, BSI) томонидан ишлаб чиқилган ва 1979 йили тасдиқланган “BS-5750” стандартидир. Кейинчалик ушбу стандарт халқаро стандартлаш-тириш ташкилоти (International Organization for Standardization, ISO) томонидан 1987 йили тасдиқланган “ISO-9000” сериядаги стандартга асос қилиб олинди [6]. “ISO-9001, 2 ва 3” стандарти 1994 йили қайта кўриб чиқилди. 2000 йили “ISO-9000” нинг янги таҳрири тасдиқланган ва ҳозиргacha амалда. Бу халқаро стандарт жаҳонда етакчи ўринни эгаллаган: уни корхона раҳбарлари, муҳандислари ҳамда ишчилар билади, яъни яқин вақтларгача амалда бўлган “Сифат билан маҳсус бўлим шуғулланиши керак”-деган тушунча ўз моҳиятини йўқотди. Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар етакчи фирмаларининг тажрибалари асосида шуни таъкидлаш мумкинки – ишчидан тортиб корхонанинг биринчи раҳбари гача ўз ишчи ўрни ва ваколати юзасидан сифат менежментига жалб этилсагина, маҳсулот ёки хизматнинг юқори сифатли бўлишига эришилади. Сифатни бошқаришда харидор талаби, носозликлар, адашиш ва хатоликлар ҳақидаги маълумотлар ва харидор баҳоси ахамиятли ўринни эгаллайди.

Ўзбекистон Республикасида ҳам халқаро ISO стандартини халқ хўжалигида, шу жумладан, автомобиль саноатида ва автомобиль сервиси ва таъмирлашда жорий этиш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилган. Халқаро ISO стандарти асосида давлат стандартлари яратилган (7.1-жадвал).

Ушбу стандартларни ўрганиш ва жорий этиш анча мураккаб ҳамда махсус сертификати бор органлар томонидан ўқитилади.

Халқаро ISO стандартининг сифат менежменти тамойиллари. Ташкилотни ва унинг фаолиятини муваффақиятли бошқариш учун уни шаффоғли усулда тизимли бошқариш ва йўналтириб туриш даркор. Барча манбаатдор томонларнинг талаблари ҳисобга олинган сифат меженменти тизими яратилиб, жорий этилиб ва доимий ишчи ҳолатда ушлаб турилса, корхонанинг муваффақиятга эришиши кафолатланади. Бунда бошқарувнинг бошқа йўналишлари билан биргаликда бу тизимнинг қўйидаги асосий саккиз тамойилига риоя қилиш зарур:

7.1-жадвал

"ISO-9000" сериядаги стандартлар рўйхати

№	Белгиланиши	Стандарт номи	ЎзР да МХ ҳолати
1	ISO 9000:2000	Сифат менежменти тизими. Асосий тушунчалар ва луғат	Ўз DSt ISO 9000:2002
2	ISO 9001:2000	Сифат менежменти тизими. Талаблар	Ўз DSt ISO 9001:2002
3	ISO 9004:2000	Сифат менежменти тизими. Фаолиятни яхшилаш учун тавсиялар	Ўз DSt ISO 9004:2002
4	ISO19011:2003	«Сифат менежменти тизими ва/ёки экологик менежмент тизимининг аудити бўйича асосий кўрсатмалар»	Ўз DSt ISO 19011:2004
5	ISO 9000-3:2004	СООРКOK. Программа таъмино-ти бўйича ISO 9001:2000 стандартини қўллаш низоми	
6	ISO 9004-2:1994	АУКЕСК. 2-бўлим. Хизматлар бўйича асосий низомлар	Ўз DSt ISO 9004-2:1999
	ISO 9004-3:1994	АУКЕСК. 3-бўлим. Қайта	

7		ишиланувчи ашёлар бўйича асосий низомлар	
8	ИСО 10005:2003	СМК. Сифат режаси бўйича асосий низомлар	Ўз РН 51-090:1999
9	ИСО 10006:2003	СМК. Лойихаларни бошқариш бўйича асосий низомлар	
10	ИСО 1007:2003	СМК. Конфигурацияни бошқа-риш бўйича асосий низомлар	Ўз DSt ISO 10007:2003
11	ИСО 10012-1:2003	Ўлчов асбоблари сифатини таъминлаш бўйича талаблар. 1-бўлим. Ўлчов асбоблари учун метрологик таъминот тизими	
12	ИСО 10012-2:2003	Ўлчов асбоблари сифатини таъминлаш бўйича талаблар. 2-бў-лим. Ўлчов жараёнини бошқа-риш бўйича асосий кўрсатмалар	
13	ИСО 10013:2001	Сифат бошқарувини яратишга тааллуқли асосий низомлар	Ўз DSt ISO 10013:2001
14	ИСО 10014:2003	«Сифат иқтисодини бошқариш бўйича асосий кўрсатмалар»	Ўз DSt ISO/TR 10014:2004
15	ИСО 10015:1997	Сифатни бошқариш. Ўқитиш бўйича асосий кўрсатмалар	Ўз DSt ISO 10015:2003

1-ТАМОЙИЛ – харидорга мўлжал (ориентир) олиши.

Ҳар қандай ташкилотнинг равнақи ишлаб чиқараётган маҳсулот (кўрсатаётган хизмат) нинг сотиши ҳажми билан аниқланади, қачонки шу маҳсулот харидор талабини қондирса ва у кутаётган бўлса.

Харидор, маҳсулотнинг факат сифатини эмас, балки унинг нархи, етказиб бериш шартлари, хизмат кўрсатилиши кабиларни ҳам кутади. Шунинг учун факат мавжуд талабларни аниқ белгилашдан ташқари, келажакда пайдо бўлиши мумкин бўлган эҳтиёжларни ҳам башорат қилиб харидорга таклиф этиш зарур.

2-ТАМОЙИЛ – раҳбарлик (лидерлик) ўрни. Энг аввало, бу маъмурий фаолият эмас, балки мақсад танлаш ва шундай шароит яратиш керакки, унда ташкилотнинг барча ходимлари ушбу мақсадга эришиш учун ўзини

бағишиласин. Бунда юқори поғонадаги раҳбарлар сифат учун курашда шахсий намуна кўрсатишлари керак. Раҳбарнинг вазифаси ишончлилик атмосфераси яратиш, кўрқмасдан текширишсиз ишлаш, инсонларнинг ҳиссасини тан олиш ва рағбатлантириш, очик ва ҳаққоний ўзаро муносабатларни қўллашдан иборат.

3-ТАМОЙИЛ – ходимларни жалб этиши. Одамлар ташкилотнинг энг қимматбаҳо бўлаги ҳисобланади. Шунинг учун ходимларнинг имкониятларини оқилона сафарбар қилиш ташкилотга максимум самара бериши мумкин.

Сифат тизими ходимларни сифатни доимий яхшилаш бўйича ташабускорлик кўрсатишга, билимини муентазам ошириб боришга, ҳамкасларига тажрибасини ўргатишга ва барча қизиқувчиларга ўзининг корхонаси афзалликларини кўрсатувчи бўлишга ундаши зарур.

4-ТАМОЙИЛ – жараён сифатида ёндашиши. Ишлаб чиқаришни самарали бошқариш ва талаб даражасидаги сифатни таъминлаш учун ресурс ва фаолиятни жараён деб қараш керак.

5-ТАМОЙИЛ – бошқарувга тизимли ёндашув. Қўйилган мақсадга эришиш учун ўзаро боғланган жараёнлар тизимини тузиш ва уни бошқариш ташкилот ишининг самарадорлигини таъминлайди. Тизимли ёндашиш ўлчаш ва баҳолаш орқали тизимнинг доимий мукаммаллашишини кўзда тутади.

6-ТАМОЙИЛ – доимий мукаммаллаштириши. Доимий мукаммаллаштириш – корхонанинг асосий мақсадларидан биридир.

Қоида сифатида, тамойил кескин сакрашларсиз қадамба-қадам, доимий ва ҳамма жойда амалга оширилади.

7-ТАМОЙИЛ – аниқ далилларга асосланган қарор қабул қилиши усули. Ҳақиқий маълумотлар ва далилларнинг мантиқий тахлилига асосланган қарор самарали бўлади.

8-ТАМОЙИЛ – маҳсулот берувчилар билан ўзаро самарали муносабат. Бундай муносабат икки томонга ҳам яхши имкониятлар беради ва икки томонга ҳам катта фойда беради.

Келтирилган тамойиллар асосида корхона стандарти яратилади. Намунавий корхона стандарти 8 боб ва А, В, С, Д, Е, F, G, H ва K иловалардан ташкил топган.

Биринчи бобда ҳужжатнинг нимага мўлжалланганлиги ва қўлланиш соҳаси кўрсатилади.

Иккинчи бобда стандартнинг қайси меъёрий ҳужжатларга асосланганлиги кўрсатилади.

Масалан:

Ўз DSt ISO 9000:2002 Сифат менежменти тизими. Асосий низомлар ва лугат;

- Ўз DSt ISO 9001:2002 Сифат менежменти тизими. Талблар;
- Ўз DSt ISO 9004-2:1999 АУКЕСК. 2-бўлим. Хизматлар бўйича асосий низомлар.

Учинчи бобда атамалар, тушунчалар ва қисқартмалар келтирилади.

Тўртинчи бобда фирманинг сифат менежменти тизими тўлиқ ёритилади. Унда сифат соҳасидаги сиёсат (А-илова), сифат менежменти тизими учун зарурий жараёнлар ва унга мос амаллар ҳамда ушбу жараёнларнинг кетма-кетлиги ва ўзаро таъсир этиши келтирилади. Ҳужжатлар ва ёзувларнинг бошқарилиши, яъни қандай шаклларда ва тартибда олиб борилиши кўрсатилади.

Бешинчи бобда раҳбар жавобгарлиги акс эттирилади. Боб раҳбарнинг бурчи, харидорга мослашиши, режалаштириш, жавобгарлик, ҳукуқ ва маълумот алмашиш, раҳбар томонидан таҳлил каби бўлимлардан ташкил топади.

Олтинчи бобда ресурслар менежменти келтирилади. Унда ресурснинг таъминоти, ходимлар, инфратузилма, ишлаб чиқариш каби бўлимлар ёритилади.

Еттинчи боб маҳсулот яратиш ва ишлаб чиқаришни режалаштириш, харидорлар билан муносабат ва шартномалар таҳлили, лойиҳалаш ва ишланмалар яратиш, сотиб олиш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш, мониторинг ва ўлчовлар учун зарур жиҳозларни бошқариш, ўлчаш, таҳлил ва мукаммалаштириш бўлимлари мавжуд.

Иловаларда эса сифат соҳасидаги сиёсат - А, ишлаб чиқариш жараёнлари бўйича бўлимларнинг ўзаро ҳаракат шакли - В, корхонада хизмат кўрсатиш жараённинг кетма-кетлиги – С, сифат менежменти тизимининг бошқарув таркиби – Д, сифат менежменти тизимининг асосий ҳужжатлар рўйхати – Е, ҳужжатлаштириш тартиби – F тузилади. Булардан ташқари ички аудит ўтказиш тартиби ҳам ишлаб чиқилади.

Жаҳон миқёсида рақобатнинг кучайиши сифат кўрсаткичларига қўйилаётган талабнинг ортишига олиб келмоқда. Ўзининг келажагини ўйлаган ташкилот маҳсулоти ёки хизматининг сифатига катта аҳамият беради.

Назорат саволлари

1. Ишчи постлари, ўринларига қўйиладиган талаблар.
2. Ишчи постлари, ўринларини аттестациядан ўтказиш тартиби.
3. Сифатни бошқариш тизими.
4. Ишлаб чиқаришда сифатни таъминлаш чора-тадбирлари.
5. Хизмат сифатини меъёрлаштириш (сертификациялаш).
6. Халқаро ISO стандарти.

7. Халқаро ISO стандартининг сифат менежменти тамойиллари.
8. Соҳа ва корхоналарни маълумотлар билан таъминлаш
9. ISO стандартлари асосида корхонанинг сифат стандартини тузиш.

8-Маъруза.

Мавзу: Автомобилларни сотишга тайёрлаш ва кафолатли техник хизмат кўрсатиш

Режа:

1. Автосавдо жойлари.
2. Сотиш олди техник хизмат технологияси.
3. Кафолатли техник хизмат кўрсатиш ишлари.
4. Кафолат давридан сўнги техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш.

1.Автосавдо жойлари.

Автосавдо марказлари (ёки базалари) автомобиллар ва эҳтиёт қисмлар билан улгуржи, савдо қиласидилар.

Автосавдо марказларини автомобилсозлик компаниялари, шунингдек тижоратга ихтисослашган маҳсус йирик фирмалар ташкил этадилар. Уларнинг марказий омборлари йирик шаҳарларда жойлашган бўлиб, савдо шахобчалари эса бир қанча шаҳарлар, вилоятлар худуди бўйлаб фаолият кўрсатадилар. Автосавдо марказларининг автомобилларга техник хизмат кўрсатиш корхоналари, автоустахоналари автоэҳтиёт қисмлар дўконлари бўлиши ҳам мумкин (масалан, Япониянинг “Сомитомо Корпорейшин” компанияси).


Автосалонлар эса шу молларни чакана савдо билан сотадилар, бунинг учун уларда автомобилларни сотишга тайёрлаш (сотиш олди) техник хизматини бажариш учун маҳсус ишчи постлари бўлиши шарт.

Бозор иқтисодиёти шароитида рақобатга чидаш ва унда муваффақиятли кураш олиб боришининг асосий шартларидан бири бозорга қўйилган товарни ёки хизматнинг юқори сифатли бўлиши ва унга бериладиган кафолат ҳисобланади. Автосервис хизмати ҳам бу қоидадан ҳолис эмас, чунки мижозлар автомобилларига кўрсатилаётган хизматларнинг сифати, хизмат кўрсатувчиларнинг бозордаги, тадбиркорликдаги муваффақиятлари гаровидир.

Хизмат кўрсатиш соҳасида, жумладан, автосервис хизматида ҳам, сифат икки қисмдан, яъни автомобилда бажарилган ишлар-нинг сифати ва

автомобил сохиблари-мижозларга қилинадиган муомала маданиятидан иборатdir. Яратилган бу қулайликлар авто-мобиллар сохибларининг шу корхонанинг доимий мижозларига айланишларини таъминлаб беради. Автомобилларида юзага келган кичик носозликларни тузатиш ёки кам ҳажмдаги сервис хизмати билан кирган мижозлар учун кутиш ва дам олиш салони (4.6-расм) телевезор, дам олиш креслолари, диванлар, стол ва стуллар билан жиҳозланган бўлиб, бу салонларда газета ва журналлар, проспектлар бўлади [19]. Кутиш ва дам олиш салони кафе-бар сифатида ҳам ташкил қилиниши мумкин.

Мижозларга **маданий-масийи хизматни** яхшилаш учун корхоналар ёнида ресторонлар, ошхоналар, кафе-барлар ва чойхоналар ташкил этилади.



4.6-расм. Мижозлар учун кутиш ва дам олиш салони.




4.7-расм. Автомобиллар савдоси билан шуғулланувчи корхоналарнинг автосалони.

Мижозлар бу кўргазма залларида мавжуд автомобиллар билан танишиб уларнинг ўзларига ёқсан русум ва моделларини танлаб олиш имкониятларига эга бўладилар. Худди шундай сотиб олинадиган автомобиллар мижозлар томонидан ўз вақтида олинишини таъминлаш учун савдо корхоналари ўз

таркибларида сотиладиган автомобиллар, эҳтиёт қисмлар омборларини ташкил қиласидар.

Кичик аҳоли пунктларида автомобиллар савдоси билан шуғулланувчи дўконлар ташкил қилинади. Мазкур дўконларда сотиладиган автомобилларнинг нусхаси ҳамда уларнинг бошқа русум ва моделларининг проспектлари бўлади.



4.8-расм. Автомобиллар савдоси билан шуғулланувчи корхоналарнинг кўргазма заллари.

Мижозлар проспектлар билан танишиб, улардан ўзларига ёқсан русум ва моделлари танлаб олиб, дўкон ходимига буюртма берадилар.

Автомобиллар қисқа муддатларда буюртмага асосан олиб келиб берилади. Мижозлар янада кўпроқ қулайликлар яратиш мақсадида автосавдо салонлари ёнида автосервис шохобчаси, тижорат банклари бўлимлари ташкил қилинади (6.9-расм).

2. Сотиш олди техник хизмат технологияси.

Сотиш олди техник хизмати автомобиллар билан савдо қилувчи барча автосервис корхоналарида бажарилиши шарт. Зеро сотишга қўйилган автомобиллар сифати ва бутлиги жиҳатидан ишлаб чиқарган автомобилсозлик компанияларининг махсус стандартларига мос бўлишлари талаб этилади. Сотиш олди техник хизматининг бажарилишидан мақсадхаридорга техник жиҳатдан соз ва фойдаланишга яроқли автомобилни сотишидир.

Сотиш олди техник хизматига эхтиёж эса автомобилларни сотиш жойларига етказиш ва сақлаш жараёнларида улар кузовлари ва салонларининг ифлосланиши, айрим механизмлари ва тизимларида майда носозликлар пайдо бўлиши, турли шикастлар етишидан келиб чиқади. Бундан ташқари автомобилни харидорга тақдим этишдан аввал уни кузовининг баъзи жойларидаги занглашдан сақловчи суркама мойлардан тозалаш, агрегатлари ва тизимларидаги мой ва махсус суюқликлар сатхини текшириш ва зарур ҳолларда меъёрига келтириш, барча агрегатлари ва харакат хавфсизлигини таъминловчи механизмлари ва тизимларининг соз ва равон ишлаши текширилади ва зарур ҳолларда созланади ёки алмаштирилади. Шунингдек, автомобилнинг техник хужжатлари: “Автомобилдан фойдаланиш қоидалари”, “Сервис дафтарчаси”нинг автомобилга мослиги ва автомобилни бутловчи қисмлар, захира ғилдираги, махсус асбоб-анжомлари билан таъминланганлиги текширилади. Бу хизмат автомобилни ишлаб чиқарган компаниялар хисобидан бажарилади. Бажарилган ишлар сифатига эса бу хизматни бажарган корхона маъсул хисобланади. Барча аниқланган носозликлар, алмаштирилган қисмлар ва таъмилаш ишлари содир бўлган ҳолларда бу ҳақда махсус қайдномалар тузилади ва автомобилсозлик компаниясига хабар берилади. Сотиш олди техник хизмати махсус ажратилган постларда зарурий малакага эга бўлган мутахассислар томонидан бажарилади ва автомобилнинг сервис дафтарчасига ёзиб қўйилади.

Сотиш олди ТХ ишларининг ҳажми автомобиллар моделига қараб 1-2 ишчи - соатни ташкил этади, “УзДЭУАвто” компанияси барча автомобиллари учун бу ишлар ҳажми 0,77 ишчи-соат миқдорида белгиланган.

3. Кафолатли техник хизмат кўрсатиши ишлари.

Кафолатли техник хизмат кўрсатиши - автомобилларга автомобилсозлик компанияси томонидан бузилмасдан, соз ишлашига кафолат берилган давр ичida, юзага келган носозликларни автомобилсозлик компанияси хисобидан бартараф этиш бўйича бажарила-диган ТХ ва

таъмираш ишлариdir. Автомобилни кафолатлаш муддати турли компаниялар томонидан турлича белгиланади. Бу муддат мавжуд худуд автомобил бозоридаги рақобатга боғлиқ бўлиб, 1-3 йиллар оралиғида, маълум босиб ўтилган йўл ҳисобида белгиланади. Масалан, "УзДЭУАвто" компанияси ишлаб чиқара-ётган барча русумдаги автомобиллари учун кафолат муддатини 1 йил ёки 20 минг км миқдорида белгиланган. Кафолатланган муддат давомида автомобилга маҳсус кафолатли ТХ кўрсатилади ва зарур ҳолларда кафолатли таъмираш ишлари бажарилади. Кафолатли ТХ ишлари таркиби ва ҳажмини автомобилсозлик компанияси белгилайди. Кафолатли таъмираш ишлари эса ТХ кўрсатиш пай-тида аниқланган ёки автомобилдан фойдаланиш жараёнида унинг агрегатлари, узеллари ва турли тизимларида содир бўлган носоз-ликлар ва бузилишларни тузатишга қаратилгандир. Бу ишларнинг барчасини компания-ларнинг маҳсус дилерлари бажаради.

Кафолат муддатида автомобилда бузилишлар, носозликлар со-дир бўлиб, уни тузатиш зарурати пайдо бўлган ҳолларда кафолатли таъмираш ишлари бажарилади. Бу давр давомида автомобилдан фойдаланиш қоидаларига қатъий риоя қилиш талаб этилади.

Компанияларнинг кафолати сифатида тузатиладиган автомобиллардаги бузилишлар, носозликлар эътиrozли ва эътиrozсиз даъволарга бўлинади. Эътиrozли даъволарга деталларнинг бевақт синиши, ишдан чиқиши, агрегатлар, механизмларнинг носозла-ниши ва натижада, агрегатни автомобилдан чиқариб, қисмларга ажратиш ишларини бажариш ёки бузулган агрегат, узелни янгисига алмаштириш зарурати пайдо бўлган ҳоллар киради.

Эътиrozсиз даъволарга эса алмаштирилиши осон ва майда деталларнинг нормаллар, электр сақлагичлар, лампочкалар ва ҳ.к. ишдан чиқиши кириб, улар ТХнинг баъзи ишларини бажариш жараёнида алмаштирилади. Кафолатли ТХ ва таъмираш ишларини ташкил этиш автомобилсозлик компаниялари учун ўта муҳимдир. Чунки бунга катта маблағлар сарфлаш билан бир қаторда бу хизматни ташкил этиш савияси компанияларнинг ўз мижозлари наздидаги ишончлилигини, обрў-мавқеини белгилайди.

Кафолатли хизмат кўрсатиш компаниялар томонидан ишлаб чиқилган маҳсус ҳужжат "Автомобилларга кафолатли хизмат кўрсатиш тўғрисидаги низом" асосида ташкил этилади. Ушбу ҳужжатда автомобилсоз компанияларининг ўз мижозлари олдидағи мажбуриятлари, кафолатли хизматдан фойдаланиш тартиби, автомобиллар ва хизмат сифатига бўлган даъволарни кўриб чиқиш ва қониктириш қоидалари келтирилади. Одатда кафолатли таъмираш ишлари ва алмаштирилган эҳтиёт қисмлар мижозлар

учун бепул, компаниялар ҳисобидан бўлади. Айрим компаниялар мижозларни рағбатлантириш мақсадида кафолатли муддат даврида баъзи ТХ ишларини бепул бажаришлари мумкин, масалан, “УзДЭУАвто” компанияси ўзининг маҳсулоти бўлган барча русумдаги автомобилларга сервис дафтарчасида кўрсатилган биринчи ТХ ишлари (2500-3500 км йўл босгандарига қадар) бепул бажарилишини жорий этган. Мижоз фақат сарф бўлган-материаллар (мой, фильтр ва х.к.) нархини тўлайди, ҳолос.

Эътиrozли даъволарни қондириш маҳсус “Даъво қайдно-маси”ни тўлдириш билан расмийлаштирилади ва у кафолатли хизматга масъул мутахассис томонидан тасдиқлангандан сўнг кафолатли таъмирлаш ишларини бажаришга асос бўлади. Эътиrozсиз даъволарни қондиришда фақат “Кафолатли хизмат қайдномаси” расмийлаштирилади.

Компаниялар томонидан автомобиллар сифатига қўйилган кафолат муддатлари автомобилларнинг кафолатли таъмирлашда турган вақти ҳисобига узайтирилади. Агар агрегатлар алмаштирилса, уларга автомобилларнинг умумий кафолат муддатидан ташқари қўшимча кафолат муддати белгиланиши зарур.

Кафолатли хизматларни бажарувчилар, автомобилсоз компанияларнинг ўзларига қарашли дилерлар ёки компаниялар билан маҳсус шартномалар асосида ишловчи автосервис корхоналаридир.

4. Кафолат давридан сўнги техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш.

Ҳозирги замон жаҳон автомобил транспортида автомобилларга ТХ кўрсатиш ва уларни таъмирлашнинг режали олдини олиш тизими қўлланиб келинмоқда. Унинг моҳияти шундан иборатки, автомобилларда тўсатдан, кутилмаганда носозликлар, бузилишлар содир бўлиши ҳолларининг олдини олиш учун уларда маълум масофа йўл босгандаридан сўнг илгаридан белгиланиб, режалаштирилиб қўйилган профилактик ишлар бажарилади. Чунончи, ювиш-тозалаш, назорат-қаров, диагностика, мойлаш, қотириш ва созлаш каби ишлардир. Бу ишлар ТХ ишлари гурухини ташкил этади. Иккинчи гурух ишлари-ешиш, қисмларга ажратиш ва йиғиш, созлаш, ростлаш, ишдан чиқсан детал ва қисмларни алмаштириш, ёки ишлаш қобилиятини тиклашдир.

Бу ишлар таъмирлаш ишлари деб аталади ва уларга зарурат туғилганда ёки талаб этилганда бажарилади. Шунингдек, айрим таъмирлаш ишлари, айниқса хавфсизликни таъминловчи қисмлар ва тизимларда, автомобил ТХ га кирган пайтда ТХ ишларига қўшилиб ўтказилади ва профилактик таъмирлаш деб аталади.

АС корхоналарида автомобилларга ТХКважт жараёнларида маҳсус (ювиш машиналари, диагностика асбоблари, технологик жиҳозлар, бўяш аппаратлари, кўтаргичлар ва ҳ.к.), ностандарт жиҳозлар (токчалар, дастгоҳлар, аравачалар ва ҳ.к.) ва ҳаммабоп (металл қирқувчи, ёғочга ишлов берувчи, пресслар, кран-балъкалар, пайвандлаш трансформаторлари ва ҳ.к.) жиҳозлар ишлатилади.

Корхоналардаги ишчи постлари сони ва ихтисослашганлигига қараб маҳсус ишлаб чиқилган технологик жиҳозлар ва маҳсус асбоблар табелига асосан жиҳозланади. Табедда станциянинг қувватига қараб ҳар бир керакли технологик жиҳознинг номи ва сони кўрсатилади.

Автосервис корхоналарида ишлатиладиган технологик жиҳозлар ўзининг қўлланилиши бўйича кўтариш-қўриш, кўтариш-ташиш автомобилларга ТХКважт учун маҳсуслаштирилган туркумларга бўлинади.

Сервис дафтарчалари. Енгил автомобиллар учун автомобилсозлик компаниялари ТХ ишларининг номи, ҳажми ва даврийлиги (яъни режимини) маҳсус сервис дафтарчаларида (СД) келтиради. СДлари автомобилни сотиб олишда ҳар бир мижозга тақдим этилади. СД ларида автомобиллардан фойдаланиш бошланишидан бошлаб унинг камидаги 5-6 йил давомидаги босиб ўтадиган йўлида бажарилиши мўжжалланган ТХ ишларининг номлари келтирилади. ТХ ларнинг даврийлиги ва ҳар бир ТХ да бажариладиган ишлар СДнинг талонларида келтирилади. Масалан, “УЗДЭУ авто” компанияси автомобиллари СД сотиш олди ва 24 та талонларни ўз ичига олади ва 242,5 минг км босадиган йўлга мўжжалланган. 1-сонли талон билан бажариладиган ишлар автомобилнинг 2,5-3,5 минг км йўл босгандан сўнг, 2-сонли талон ва барча кейингилари ҳар бир 10 минг км йўл босилгандан сўнг бажарилади. Ҳар бир талонга тегишли хизматдан ўтилганда талонга хизмат ўтилган вақти ва босилган йўл ёзиб қўйилади.

СД га биноан ТХ кўрсатиш аҳоли автомобиллари учун хизмат кўрсатишнинг қулай шакли бўлиб, у автомобилларни конструктив ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда бажариладиган ишларни аниқ белгилаб беради. Шунингдек, СД қўллаш автомобиллар эгалари-нинг белгиланган ТХ тартибларига риоя этишларига ёрдамлашади.

Юк автомобиллари ва автобуслар учун эса маҳсус “Техник хизмат кўрсатиш учун қўлланмалар” тайёрланади. Уларда ҳам худди СДлари каби ТХ ишларининг тартиблари, номлари ва даврийликлари келтирилади. Масалан, “Мерседес-Бенц” компанияси 0-405 русумли шаҳар автобуслари учун 1 млн км босилган йўлга мўжжалланган ТХ лар, бажариладиган ишлар ва уларнинг даврийлиги келтирилади. Биринчи ТХ 2000 км йўл босганидан сўнг, сўнгра ҳар 15 минг км дан кейин ТХ ишлари бажарилади. Албатта, бу келтирилган меъёrlар Ўзбекистон шароити учунгинадир. Автомобиллар

ишлиш шароитларига қараб ТХ ишларининг ҳажми ва даврийликлари кенг миқёсда ўзгартирилади.

"Уз ДЭУ Ко" ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан ишлаб чиқарилаётган "Nexia", "Damas" ва бошқа турдаги автомобилларига ТХКваТ технологик жараёнларини ташкил этиш учун "Ўзбекстон Республикаси автомобил транспорти ҳаракат таркибиға техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш тўғрисида Низом" (НИЗОМ) ишлаб чиқилган бўлиб, у асосий ҳужжат ҳисобланади [25]. Низомга асосан ушбу автомобилларга бажариладиган ишларнинг тури ва даврийлиги бўйича қуидаги техник хизмат турлари бажарилади:

- кундалик техник хизмат кўрсатиш(КТХК);
- 500-1000 км масофа юргандан сўнг, янги автомобилларга техник хизмат кўрсатиш;
- даврий техник хизмат кўрсатиш (ТХК);
- мавсумий техник хизмат кўрсатиш(МХК).

КТХКда автомобилларнинг ҳаракат ҳавфсизлигини таъминлашга қаратилган, ҳамда тозалаш-ювиш, ёнилғи қуиши каби ишлар бажарилади. КТХК ишлари автомобилларнинг ишга чиқишидан аввал ёки ишдан қайтгандан сўнг бажарилади.

Автомобилларга қиска муддатдан сўнг (500-1000 км) ТХК, бирикмалар, узел ва агрегатларни узлуксиз, ишончли ишлашини таъминлаш учун қотириш ва созлаш ишларини ўтказишидан иборат.

Даврий ТХК ишлари ҳар 10000 км масофа юрилгандан сўнг ўтказилиб, унда СДда белгиланган ҳажмида ишлар бажарилади.

"Уз ДЭУ Ко" ишлаб чиқариш бирлашмасининг тавсиясига мувофиқ автомобилларни қишки ва ёзги мавсумларда фойдаланишга тайёрлаш МХ кўрсатиш билан амалга оширилади. МХ бир йилда икки марта, навбатдаги ТХК вақтида ўтказилади.

Хизмат кўрсатишнинг кафолатли даври 12 ойдан иборат бўлиб, автомобилнинг эгаси қабул қилиб олгандан бошлаб (12 ой ичида) автомобилнинг юрган йўли 20000 км дан ошмаслиги ҳамда автомобилдан фойдаланиш ва унга кўрсатилган ТХКда завод йўриқномасига ва "НИЗОМ"нинг кўрсатмаларига тўлиқ риоя қилиниши зарур.

Кафолатли масофадан сўнг ўтказиладиган ТХК автомобилни сотиб олишда берилган сервис дафтарчасининг талони бўйича бириктирилган автосервис станцияси(АСС)да амалга оширилади.

Автомобиллардан фойдаланиш давридаги, даврий хизмат кўрсатишда: назорат, қотириш, созлаш, электротехника, шина, мойлаш-тозалаш ва бошқа ишлар бажарилади. Юрилган йўлга боғлиқ ҳолда, ТХКда бажариладиган ишларнинг структураси ўзгаради.

9-Маъруза

Мавзу: Автосервис корхоналарининг ташкилий тузилмаси, уларда меҳнатнинг ташкил этилиши, ишлаб чиқариш ва ходимларни бошқариш.

Режа:

1. Автомарказлар, АТХКСлари, автодистрибуторларин тузилмалари ва жойлашуви.
2. Ишчилар меҳнатини самарали ташкил этиш шакллари.
3. Ишчи ходимларни бошқаришнинг ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий руҳий муаммолари.

1. Автомарказлар, АССлари, автодистрибуторларнинг ташкилий тузилишлари.

Автомарказлар автосервис тизимининг энг йирик ва кўп қиррали фаолиятларига эга бўлган корхоналари бўлиб, уларнинг таркиби қўйидаги қисмлардан иборат бўлади:

- савдо;
- ишлаб чиқариш;
- маданий-маший хизмат;
- маъмурий бошқарув соҳаси.

Савдо қисми автомобиллар, уларга эҳтиёт қисмлар ва турли материаллар, анжомларнинг улгуржи ва чакана савдоси билан шуғулланади ҳамда у савдо базалари, омборлари, салон-дўконларидан ва ҳисбот-ахборот бўлимларидан иборат бўлади.

Ишлаб чиқариш қисми автомобилларга турли хилдаги техник хизмат кўрсатиш, уларни таъмирлаш, мижозлар билан ишлаш, моддий -техника таъминоти ишлари билан шуғулланади ва унга барча ишлаб чиқариш участкалари, технологик жиҳозлар, эҳтиёт қисмлар ва материаллар омборлари қарашлидир.

Маданий-маший хизмат борасида мижозлар ва ходимларга хизмат қилувчи ошхона, кафе-бар ва чойхоналар ташкил этади.

Автомарказларнинг **маъмурий-бошқарув тизими** мулк эгалигига ва бошқа омилларга боғлиқ бўлиб, у бошқарув бошлиғи ва шунингдек бир неча бўлимлар, чунончи, кадрлар, молия-иқтисод, қурилиш-таъмирлаш, моддий-техника таъминоти, ишлаб-чиқариш ва бошқа бўлимлардан иборатдир.

Автомобиллар ишлаб чиқарувчи ва сотувчи компанияларнинг фирма усулида хизмат кўрсатувчи автомарказлари ҳам деярли юқорида келтирилган тизимлар ва бўлимлардан иборат бўлиб, фақат уларнинг савдо қисмлари молиявий, баъзан эса маъмурий мустақилликка эга бўлади.

Шу билан бирга, бундай автомарказлар мижозлар билан ишлашга, улар дикқатини фирма молларига ва хизматига жалб этишга катта аҳамият беради. Шу мақсадда савдо ва техник хизмат кўрсатиш соҳаларида маҳсус бозорни ўрганиш, мижозлар билан алоқа боғлаш ва уларнинг истак ва таклифларини ўрганиш секторларини ташкил этадилар. Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш станцияларининг таркибий қисми ҳам уч қисмдан: савдо, техник хизмат ва моддий-техника таъминотидан иборатdir.

2. Автосервис корхоналарида ишчилар меҳнатини самарали ташкил этиш шакллари.

Маълумки, меҳнатни ташкил қилиш ҳар қандай бошқарув (менежментнинг) асосини ташкил этди. Бунда ҳар бир ишчи ёки ходим (унинг юқори самарали меҳнат қилишини таъминлаш мақсадида) ишлаб чиқариш технологияси асосида маҳсус жиҳозланган, маълум санитария-гигиена қоидалари ва хавфсизлик талабларига жавоб бера оладиган ишчи ўринлари билан таъминланади.

Автосервис корхоналарида ишчи ўринларини ва ишчи постларини ташкил қилиш автотранспорт корхонасиникidan жиддий фарқ қilmайди, ТХК ва таъмирлаш ишларини бажариш учун автомобиль агрегатлари ва тизимлари бўйича 5-6 та ихтисослашган (масалан, двигател ва унинг тизимларига хизмат кўрсатувчи, электрон жиҳозларга, трансмиссия ва юриш қисми, кузов ва унинг элементларига ва ҳ.к. хизмат кўрсатувчи) бригадалар ташкил этилади.

Кўпгина автомарказларда ва йирик қувватли станцияларда қўлланиладиган бу турдаги ишларни тақсимлаш ва ташкил этиш агрегат-узел усули деб аталади. Бу усулни қўллаш бир томондан иш унумини ва иккинчи томондан ишлар сифатини назорат қилиш имкониятини оширади. Бунда шунингдек бригадалар орасида корхонанинг ишлаб-чиқариш ресурсларини (ишчи постлари, жиҳозлар, асбоб-ускуналар, эҳтиёт қисмлар ва ҳ.к.ларни) тақсимлаш осонлашади. Меҳнатни агрегат-узел усулида тақсимлаш ва ташкил қилишнинг камчилиги эса бригадалар автомобильнинг яхлит техник ҳолатига жавоб бермаслигидир.

Меҳнатни тақсимлаш ва ташкил қилишнинг яна бир усули, хизматларнинг турлари бўйича ихтисослашган ишчилар бригада-сини шакллантириш ва ишлатишдир. Бу усулга биноан хизмат турлари (ювиш-тозалаш, техник хизмат, майда ва тез таъмирлаш, жиддий таъмирлаш, кузов ишлари ва ҳ.к.) бўйича алоҳида ихтисос-лашган ишчи бригадалари тузилади. Бундай бригадалар турли касб-даги ишчилардан иборат бўлиб, қабул қилиб олинган автомобиль бўйича барча турдаги ишларни (ювиш ва тозалашдан

ташқари) тўла бажарадилар. Ишчилар меҳнатини бу усулда ташкил қилишнинг асосий афзаллиги унинг соддалиги ва қулайлигидадир. Лекин авто-мобил турли хилдаги хизмат учун турли бригадаларда бўлади ва унинг “ўз” устасидан айрилиб қолиш хавфи туғилади, у кўп ҳолларда мижозларни қаноатлантирумайди.

Ишчилар меҳнатини ташкил қилишнинг яна бир усули комплекс бригадалар усули бўлиб, бунда бригадалар турли касбдаги ишчилардан иборат бўлади ва қабул қилинган автомобил бўйича барча ишларни (ювиш-тозалашдан ташқари ва ТХК га ёки таъмирлашга қарашлилигидан қатъий назар) тўлиқ бажарадилар. Ишчилар меҳнатини бу усулда ташкил қилинганда, ҳар бир бригада ўзлари хизмат кўрсатган автомобилларнинг техник ҳолатига ва бажарилган иш сифатига тўла жавобгарлик хис этадилар ҳамда “ўз” мижозларига эга бўлишга ва уларни йўқотмасликка, балки кўпайтиришга ҳаракат қиласидилар. Натижада бригадалар орасида мижозлар учун “кураш” рақобат пайдо бўлади, бу ҳол эса ишнинг сифатини ва самарасини яхшилашга хизмат қиласиди.

Ишчилар меҳнатини комплекс бригадалар усулида ташкил қилиниши ҳам жиддий камчиликлардан ҳоли эмас, улардан энг кўп тарқалгани бригадалардаги иш сифатини корхона кўламида назорат қилинишининг сустлигидир. Чунки бригадалар мижозлар билан келишган ҳолда ўз нуқсонли ишларини яширишларига имконият туғилади. Шунингдек, комплекс бригадалар орасида ишлаб чиқа-риш ресурсларини тенг тақсимлаш қийинлашади ва бу ҳол жамоада маънавий-руҳий ҳолатнинг таранглашишига олиб келиши мумкин. Кўриниб турибдики, ишчилар меҳнатини ташкил қилиш осон иш эмас, барча қўлланилган усуллар ўз афзалликлари билан бир қаторда жиддий камчиликларга ҳам эга. Амалда, автосервис корхоналарининг тажрибаларидан келиб чиқкан ҳолда, баён этилган усулларни барча турлари ёки уларнинг бир-бири билан комбинацияларини учратиш мумкин.

Меҳнат жамоасини, ходимларни бошқариш, илмий асослар ва амалиётнинг бир-бири билан боғлиқ бўлган жиҳатлари, яъни ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий руҳий (психологик) муаммоларни ўз ичига олади. Агар бошқаришнинг ижтимоий-иқтисодий томони ишлаб чиқаришнинг технологияси ва унинг ташкил этилишини ҳамда корхоналар таркибини ўз ичига олса, ижтимоий-руҳий жиҳати эса ишчилар ва ходимларнинг ўз вазифаларини бажаришдан қониқишилари ва уларнинг самарали меҳнат қилиш мезонларини ўз ичига олади.

Ҳар қандай бошқаришнинг бош мақсади ҳар бир ходимни ўз ишчи ўрнида самарали меҳнат қилиши эвазига юқори сифатли хизмат кўрсатишга

эришиш натижасида ишлаб чиқаришнинг юқо-ри ва барқарор самадорлигини таъминлашдир. Чунки ҳар қандай техника ва технологияни бошқаришда, иш муваффақиятини таъминлашда инсон омили асосийдир. Ишчининг (ходимнинг) фаоллиги, унинг ўз меҳнати натижаларидан қанчалик манфаатдор эканлигига, яъни меҳнат қилиш мезонларига боғлиқдир.

Меҳнат қилиш мезонлари эса ҳар бир ишчи, ходимнинг шахсий манфаатлари билан корхона ёки фирманинг манфаатлари уйғунлашишига хизмат қилувчи, уларнинг меҳнатга бўлган муносабатларини белгиловчи, иштиёқ, кўтаринки рух, ҳатто завқ-шавқ билан ишлашга ундовчи қўйидаги моддий, маънавий, руҳий ва инсоний омиллардир:

- моддий меҳнат ҳаки;
- турли мукофотлар;
- маънавий малакасини ошириш;
- турли унвонлар;
- хизмат погонаси бўйлаб кўтарилиш;
- жамоада руҳий соғлом, яхши кайфият мұхитини яратиш;
- ижтимоий мухофаза қилиш ва оиласа кўмаклашиш ва ҳ.к..

Ўзбекистон Республикасида меҳнат қилиш мезони “Инсоний”лаштирилган бўлиб, у ҳар қандай бошқарувнинг асосини ташкил этади. Шу аснода унинг маънавий қизиқтирувчи таркибига қўйидаги элементлар киради:

1. Корхона томонидан ўз ишчи-ходимларига аниқ ва равshan талаблар қўйиш;
2. Корхонада барча ишчи-ходимлар учун (жумладан, раҳбарлар учун ҳам), қатъий риоя қилинадиган ягона хизмат қоидалари бўлиши ва унга амал қилиниши;
3. Ишчи ходимларни мутасил ўқитиш, малакаларини ошириш;
4. Ижодга йўл очиш ва уни доимо рағбатлантириш;
5. Ишчи ходимларни ўз корхонаси, фирмасига садоқатли руҳда тарбиялаш.

3. Буюртмачиларга маданиятли хизмат кўрсатишни ташкил этиш.

Автосервис хизматининг ўзига хос хусусиятлари, бир томондан хизмат кўрсатишнинг баланд нархи ва эҳтиёт қисмларнинг танқислиги бўлса, бошқа томондан, амалий жиҳатдан буюртмачиларнииг автосервис корхонасига мурожат қилмасдан автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишларини бажара олмаслигидадир.

Маданиятли хизмат кўрсатиш-буюртмачига ситқидилдан, дикқат эътибор берган ҳолда техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишларини сифатли, кафолатли ва ўз вақтида бажаришдан иборатдир. Бу ТХКС ишчи-

ходимлар ва буюртмачининг ўзаро алоқаси ҳамда бир-бирини тўғри тушуна билиш мунсабатларида намоён бўлади. Турли русумдаги автомобилларни бошқарувчи буюртмачилар турли характер, касб, маълумот, ёш ва жинсга эгадирлар. ТХКС ишчи-ходимлари буюртмачиларнинг бу хусусиятларини инобатта олган ҳолда уларги маданиятли хизмат кўрсатишлари лозим.

Бу талаблар умумий ва маҳсус турларга бўлинади:

1. Умумий талаблар меҳнат ҳақидаги қонун, ички ишлаш тартиб-қоидалари ва бошқа хужжатлар билан белгиланган.

2. Маҳсус талаблар ТХКС ларда хизмат кўрсатиш қоидалари, мутахассислик билдиригичлари, мансаб йўриқномалари ва бошқа турдаги меъёрий актларда ўз аксини топган.

Буюртмачилар билан алоқада бўлувчи ТХКС ходими - буюртмачи билан иш бажарувчининг ўзаро муносабатларида меъёрий муҳитни пайдо қилувчи психологияк сифатларга эга бўлиши зарур. Бу ўз навбатида автомобилга бирламчи диагноз қўйишга, ишни бажариш учун буюртмани ва буюртма-нарядни тўғри тўлдиришга, шу жумладан буюртмачи айтиб ўтмаган бошқа носозликларни ҳам аниқлашга имкон беради. ТХКС ишчи-ходимлари буюртмачилар билан ўзаро муносабатларни қуидаги тамойиллар асосида ташкил қилишлари зарур.

Инкор қилиб бўлмас хусусиятлардан бири ТХКС ходимининг *ишбилармонлик* сифатлари буюртмачи ва ТХКС жамоаси олдида унинг бажараётган ишига ҳаққонийлик ва масъулиятлилик билан ёндошишини намоён қиласи.

Ишбилармонлик сифати жуда мураккаб категорияни ўзида акс эттиради. Бу кўрсаткич ТХКС ходими зарурий маълумотга эга бўлган яхши мусахассис бўлиши (компетентност), ўз вазифасини мунтазам сифатли бажариши, доимий ўзгариб турувчи буюртма-чилар ва автомобилларга мослаша олиши билан белгиланади.

ТХКС ходими ва буюртмачи орасидаги маданиятли муносабат аниқ психологик ва самимий кўрсатмалар асосида қурилади: тактика, босиқлик, ўзини тута билиш, огоҳлантира билиш, самимийлик, муносабат таранглигини юмшата билиш, ҳақгўйлик, ҳаққонийлик ва буюртмачига ёрдам бера олиш. Бу хусусиятларнинг жамланиши буюртмачи билан самимий муносабатни таъминлайди.

ТХКС ишчи-хизматчиларининг буюртмачи билан ўзаро муно-сабатда сергак, уларнинг шахсий психологик характерларига мос-лаша олишлари, мулоқатда оддий ва табиий ҳамда автомобилнинг техник ҳолатини аниқлаш ва таъмирлашни баҳолаш ишига объек-тив тарзда, автомобил эгаларининг илтимосларига диққат эътибор билан ёндошиши жуда муҳим ўрин тутади.

Бажарилаётган ишлар: шошилаётганларга тезда, шошмаётганларга астасекин, ишонмов-чиларга рұхан тетиклик, қўполнарга босиқлик, инжиқларга алоҳида эътибор билан хизмат кўрсатиш тарзида бажарилади.

Буюртмачи билан ТХКС ишчиси орасидаги самимий психологик мухитни буюртмачининг қай ҳолатдалиги белгилайди. Буюртмачи билан ўзаро муносабатни самимийлаштиришга интилиш ва унинг ҳаракатларини англай билиш корхонанинг самарадарлигини ошишига сабаб бўлади. Буюртмачи билан алоқанинг ёмонлашуви ТХКСдаги ижтимоий-психологик мухитни таранглаштиради ва иш самарадорлигини камайтиради.

Буюртмачига биргаликда ечим қабул қила оловчи, унинг инжиқлари ва танбехларига эътибор берувчи, катта кетмайдиган ва бюрократ бўлмаган, автомобилнинг носозликларини бартараф этишда биргаликдаги ечимни тўғри баҳоловчи буюртмалар столидаги қабул қилувчи ёки уста ёқади. Буюртма қабул қилувчи содда ва ўзига ишонувчи, автомобилнинг техник ҳолатини аниқлашда унинг ҳаракатлари буюртмачида ишонч ҳосил қила оладиган бўлиши катта аҳамиятга эга.

Буюртмачи у ёки бу ҳолатни қандай хис қилишии олдиндан билиш учун, ТХКС ходими унинг хулқини олдиндан англай олиши зарур. Бунинг учун хизматчи ўзини буюртмачи ўрнида хис қила олиши ва унинг дарди ҳамда ички кечинмаларига шерик бўла олиши керак. Агар қабул қилувчи буюртмачининг қандайдир фикрига қарши бўлса, у билан бир фикрга келиш учун ҳаракат қилиши ва ўз қарашларига буюртмачини ишонтира олиши керак. Унинг ички ҳолатини чуқур англай олмай туриб, амалий жиҳатдан хулқ-атворини билиш ва йўлга солиш қийин.

Ҳаётда кўпгина ҳолатлар, яъни ТХКС ходимининг ишлаб чиқаришга чуқур шўнғиб кетганлиги ва баъзи бир ютуқлар билан ғуурланиб кетиши буюртмачи билан муносабатда ўзининг йўл қўйган хатоликларига бефарқ бўлишга олиб келади. Буни ўзини-ўзи назорат қила олиш билан бартараф этиш мумкин. Ўз-ўзини назорат мураккаб хулқ шакли бўлиб, у ўзига ва ишга тўғри ёндошишга имкон беради. Автомобилни таъмирлаш бўйича буюртмачи олдидаги мажбуриятни ўз вақтида ва сифатли бажариш ТХКС ходимининг бурчи ва ғурури ҳисобланади.

ТХКСда *хизмат кўрсатии маданияти* буюртмачи томонидан ўз вақтида ва сифатли бажарилган ишга берилган ижобий баҳо салмоғи билан баҳоланади.

Буюртмачига маданиятли ва юқори хизмат кўрсатиш дара-жасини юқорида айтиб ўтилган кўрсаткичлар билан бир қаторда қуйидаги омиллар ҳам белгилаб беради:

- прейскурантни бузиш ҳолатларининг бўлмаслиги;

- хизмат кўрсатиш турларини реклама қилиш;
- автомобилни рўйхатдан ўтказиш, қабул қилиш, топшириш;
- буюртма столининг санитар-эстетик ҳолати;
- ТХКСнинг иш тартиби ва ҳ.к.

Юқори даражада маданиятли хизмат кўрсатиш муаммосини ҳал этишнинг асосий йўлларидан бири автотеххизматни хусусий-лаштириш ва давлат қарамоғидан чиқариш, камёб эҳтиёт қисмларни ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ҳисобланади.

Назорати саволлари:

1. Автомарказлар, АССлари, автодистрибуторларнинг ташкилий тузилишлари.
2. Маданий-маиший хизматнинг асосий вазифалари.
3. Автомарказларнинг маъмурий-бошқарув тизими.
4. Меҳнатни тақсимлаш ва ташкил қилиш.
5. Автосервис корхоналарида ишчилар меҳнатини самарали ташкил этиш шакллари
6. Бошқариш санъати.
7. Меҳнат қилиш мезонлари.
8. Корхоналарда ишчилар учун яратилиши лозим бўлган шароитлар.
9. Буюртмачиларга маданиятли хизмат кўрсатишни ташкил этиш.

10-маъруза

Мавзу: Сервис корхоналари ишчилари учун комфорт шароит яратишда техник воситалар.

Режа:

- 1.Бино ва хоналарни ёритиш, шамоллатиш, иситиш ва совитиш тизимлари.
- 2.Ёритиш, шамоллатиш, иситиш ва совитиш асбобларини ишлатиш ва таъмирлаш.

1.Бино ва хоналарни ёритиш, шамоллатиш, иситиш ва совитиш тизимлари.

Электр таъминоти

Автосервис корхоналари электроэнергия истеъмолчиларининг учинчи тоифасига киради (яъни, уларга энергия узатишдаги узилишлар бир суткага қадар давом этиши мумкин).

Электроэнергия қўйидаги мақсадларда фойдаланилади:

- технологик жиҳозлар, электромоторларни ҳаракатлантириш;

- қизитиш қурилмалари (вулканизация аппарати, автомобиллар-ни бўяш, қуритиш камералари ва х.к), электропайвандлаш аппарат-лари ва ёритиш тизими приборларини энергия билан таъминлаш;

- инсон ҳаёти ва унинг хавфсизлигини таъминловчи ва нормал меҳнат шароити яратиш учун хизмат қилувчи техник воситаларнинг (электроприводы, кондиционеры, компьютеры и т.д.) ишланини таъминлаш.

Электроэнергия тизимида кучланиши 127, 220, 380 вольтли ўзгарувчан ток ва 6, 12, 24, 36 вольтли ўзгармас ток қўлланилади. Кичик кучланишдаги ўзгармас токлар (асосан 12, 24 в) аккумуляторлар батареяларини зарядлаш, автомобилларга ТХК ва таъмирлаш постлари чукурларини ёритиш учун ишлатилиади. Ташқи электр тармоғига уланиш кувватини корхонадаги истеъмолчилярнинг белгиланган кувватларини ва уларнинг бир вақтда уланиш эҳтимоллигини ҳисобга олувчи куйидаги коэффициентлар орқали жамланади:

Ички ва ташқи ёритиш чироқлари	$\mathcal{E}_B = 0,9 \div 1,0$
Санитария ва сув хўжалиги техникаси	$\mathcal{E}_G = 0,6 \div 0,7$
Технологик жихозлар	$\mathcal{E}_T = 0,3 \div 0,4$

Коэффициентларнинг паст қийматлари кичик қувватли, юқори қийматлари эса катта ва ўрта қувватли станциялар учун қабул қилинади. Зарурий уланиш қуввати

$$H = 0,8 (\varrho_B H_1 + \varrho_F H_2 + \varrho_T H_3), \quad \text{кВт}.$$

бунда: H_1 – ички ва ташқи ёритиш чироқларининг белгиланган куввати, квт;
 H_2 – санитария ва сув хўжалиги техникасига сарф бўладиган қувват, квт;

H_3 – технологик жихозлар иштеймөл қиладиган құвват, квт.

Үртача уланиш қуввати турли күламдаги станциялар учун қуидаги миқдорларда деб қабул қилиш мүмкін:

Энг кичик станциялар учун (2-4 постли).....	30 – 40 квт
Кичик станциялар учун.....	60 – 80 квт
Үрта станциялар учун.....	100 – 150 квт
Катта станциялар учун.....	150 – 250 квт

Станцияни ташқи электр тармоғига уланиш усули унинг зарурий электр энергияси кувватига ва коммунал тармоқнинг техник ҳолати ва юклангандигига боғлиқдир. Агар станция шаҳар ташқарисида жойлашган ва зарур уланиш қуввати 50 квт дан ошмаса унда тўғридан тўғри паст кучланишдаги (380 в) шаҳар коммунал тармоғига уланиши мумкин. Станция электр тармоғидан 200-300 м нарида жойлашган бўлса унга электр энергия ўрта вольтли кабель ёки кучланиши 10 – 20 киловольтли бўлган ҳаводан тортилган симлар орқали трансформатордан ўтказиб узатиш иқтисодий жиҳатдан маъқулроқдир. Бу ҳолда истъемолчи станцияда кучланишни пасайтирувчи (380 в) трансформатор ўрнатиши лозим.

Станциянинг ички электр жиҳозларини ўрнатиш ва уларга электр ўтказгичларни тортиш махсус “Электр қурилмаларини ўрнатиш қоидаси” ва

“Электр қурилмаларини техник эксплуатация қилиш қоидалари” хужжатлари асосида бажарилиши талаб этилади.

Биринчи навбатда ишлаб чиқариш биноларидаги устахоналар ҳамда бошқа ёрдамчи хоналар бажариладиган ишлар тавсифига асосан ёритилиши ва электр энергияси билан таъминланиши лозим.

Автомобилларга техник хизмат күрсатиш, уларни ташхислаш ва таъмирлаш участкалари бино шифтига ўрнатилган эстетик газли лампалар ёрдамида ёритилади. Кўриш ариқчалари хона полидан пастда жойлашганлиги учун уларнинг ёритиш тизимига электр таъминоти умумий ёритиш тизмидан алоҳида шамоллатиш тизими билан биргаликда амалга оширилади.

Технологик жиҳозларга электр энергияси деворларга ўрнатилган, бош улагич орқали таъминланадиган штепсел розеткалари орқали узатилади.

Иситиш, шамоллатиш ва сиқилган ҳаво таъминоти.

Иссиқлик таъминоти. Корхонанинг иншоотларини иситишни лойиҳаланаётганда хоналардаги ҳавонинг ҳисобланган параметрлари 9.1-жадвалдаги миқдорларда қабул қилинади.

Ишдан ташқари вақтда ҳамма хоналарда илиқ ҳароратни ушлаб туриш учун навбатчи иситгич кўзда тутилиши керак. Иситиш тизимини ишдан ташқари вақтда навбатчи иситишга ўтказишни имкони борича автоматлаштириш лозим.

9.1-жадвал

Хоналар номи	Ҳарорат °C	Ҳавонинг нисбий намлиги,%	Ҳавонинг харакатланиш тезлиги, м-с
Автомобилларга хизмат кўрсатиш	16	75 дан ортиқ эмас	0,5 дан ортиқ эмас
Автомобилларни сақлаш	5	Меёrlанмайди	0,5 дан ортиқ эмас 1.0
Эҳтиёт қисмлар, агрегатлар материаллар ва асбоблар сақлаш	10	меёrlанмайди	Меёrlанмайди
Шиналарни сақлаш	5	меёrlанмайди	Меёrlанмайди

Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва сақлаш хоналарида шамоллатиш билан мослашган ҳаво иситгич қўлланилиши керак. Бу тизим ҳаво иситиш жиҳозларини марказлашган ёки марказлашмаган ҳолда жойлаштириш ёрдамида амалга оширилади.

Марказлашган буғ-ҳаво иситиш усулида ҳаво марказий камерада иситилади ва у ердан марказдан қочма вентилятор ҳамда метали ҳаво юритгич ва пол тагидаги каналлар ёрдамида хоналарга тарқатилади.

Марказлашмаган ҳолда иситишда яхлит блокка ўрнатилган калорифер, вентилятор ва электродвигателдан фойдаланилади.

Ҳаво узатиши агрегатларини колонналар ёки деворларда жойлаштирилиши лозим.

Таъмирлаш-тайёрлов ва омборхоналарни иситишда паст босимли ёки юқори босим (махаллий иситиш асбоблари) буғли иситиш тизими кўлланилади.

Автомобилларни сақлаш хоналари билан дарвоза ёки эшик билан боғланган ишлаб чиқариш хоналарида қўшимча жой кўзда тутилади ва у ерга узатилаётган ҳаво миқдори хисобдагидан 10 % га оширилади.

Аккумулятор, камера ямаш, копламачилик ва қайта тиклаш ишлари бажариладиган хоналар ҳаволи иситиш қўлланганда ҳавони айланма харакатлантиришга рухсат этилмайди.

Ҳавонинг совиши хисобланганда, ташқи тўсиқлар ва инфильтрация хисобига йўқотиладиган иссиқликлардан ташқари, хонага кираётган совуқ автомобилларни иситишга кетадиган ва очиқ дарвозадан кираётган совуқ ҳавони иситишна кетадиган иссиқликни ҳам хисобга олиш зарур.

Иситилган двигателнинг ва унинг совутиш тизимидағи сувнинг ўртacha ҳарорати 50°C га тенг, автомобилнисовитилган қисмларини ўртacha ҳарорати хисобланган ташқи иситиш ҳароратидан 10°C га юқори қабул қилинади.

Хоналарга кириб келаётган автомобилларни иситиш давомийлиги қабул қилинади. 1 тоифали автомобильар учун -1 соат, 2 ва 3 тоифа учун 2 соат, 4 -тоифали учун эса -3 соат. Бунда 2 ва 3 тоифа учун 70 % иссиқлик биринчи соатда сарфланади, 4 тоифа учун эса биринчи соатда -50 %, иккинчи соатда -30 % ва учинчи соатда -20 %.

Дарвозанинг очиб ёпилиши оқибатида хонани совиши автомобилъарни кўплаб хонага кириб келиши ва чиқиши вақтида максимумга етади. Ҳаво миқдори шамолни йўналиши ва тезлигидан, ташқи ва ички ҳароратдан, дарвозани баландлиги ва кенглигига боғлиқ. Дарвозанинг очиб ёпилишидан йўқотилаётган иссиқликни қоплаш учун иссиқлик таъминоти лойиҳаланаётганда қуйидагиларни кўзда тутиш лозим:

-ташқи ҳавонинг хисобланган ҳарорати- 20°C дан паст бўлганда, ташқи дарвозаларнинг иситилган ҳаво тўсиқлари ўрнатилади, агар ТХК минтақасида постлар сони 5 дан ортиқ бўлса ва сақлаш минтақаларида кириб;

-чиқаётган автомобиллар сони 1 соатда 20 тадан ортиқ бўлса.

-ташқи хисобланган ҳарорат -20°C дан юқори бўлса иссиқлик йўқотишга қўшимча берилади ёки қўшимча даврий ишлайдиган рециркуляцион агрегатлар ўрнатилади;

Ҳаво тўсгич иккита вертикал ҳаво юритгичлардан иборат бўлиб ўз электродвигатели билан таъминланган. Ҳаво юритгичдан юбориладиган иситилган ҳаво кириб келаётган ҳавога қарши 45° бурчак остида юборилади.

Сиқилган ҳаво билан таъминлаш. Сиқилган ҳаво билан ишловчи ускуналар бошқарилиши енгиллиги, ишончлилиги ва хавфсизлиги билан ажralиб туради, уларнинг камчилиги эса факат кичик фойдали иш коэффициенти ва шовқинидир. АТХКСларида айрим технологик операцияларни бажариш учун бу ускуна ва асбоблардан фойдаланилади.

АТХКСни сиқилган ҳавога бўлган эхтиёжи қўйидагича аниқланади:

$$Q = \sum g e a, \text{ м}^3/\text{мин},$$

бу ерда: g – сиқилган ҳаво билан ишловчи барча ускуналар, дастгоҳлар ва қурилмалар томонидан жами истеъмол қилинадиган ҳаво ҳажми, $\text{м}^3/\text{мин}$;

e - бир вактда фойдаланиш коэффициенти (истемолчилар сонига боғлиқ- $0,9\dots0,52$, истеъмолчилар кўпайиши билан у кичиклашади);

a – ҳаво магистралларидағи ножипслик натижасидаги йўқотилиш коэффициенти – $1,1\dots1,3$.

Бир вактда фойдаланиш коэффициенти миқдорлари 9.2-жадвалда келтирилган

9.2-жадвал

Истеъмолчилар сони	1	2-3	4-6	7-10	11-20	21-40	40 дан зиёд
Бир вактда фойдаланиш коэффициенти	1	0,9	0,8	0,78-0,7	0,7-0,6	0,55-0,52	0,5дан зиёд

Сиқилган ҳаво билан ишловчи ускуналар, дастгоҳлар ва қурилмалар томонидан истеъмол қилинадиган ҳаво ҳажмлари 9.3-жадвалда келтирилган.

АТХКСларида сиқилган ҳавони етказиб бериш мақсадида поршени компрессорлардан фойдаланилади (босим $0,6\dots1,0 \text{ мПа}$).

9.3-жадвал

Ускуна, дастгоҳ ва қурилма номи	Ҳаво истеъмоли
Пардозловчи машина	0,5-0,7
Йўнувчи машина $\varnothing 10 \text{ мм}$ гача.	0,5-0,6
2 мм қалинликдаги пўлат листларни қирқиш қайчиси	0,7
M14-M24 гайкалари учун гайкаоверт M14-M24	1,2
65	0,75
150	1,1
200	1,2
ММ деметрли чархлар учун	
Бир устунли кўтаргич	0,8-1,0*

Изоҳ: * ҳар бир кўтариш учун

Шамоллатиш тизими. Автосервис корхоналарининг ишлаб чиқариш иншоотлари меҳнат муҳофазаси талаблари асосида шамоллатиш жиҳозлари билан таъминланган бўлади. Чунки ишлаб чиқариш технологик жараёнларида юзага келадиган (ёнилғи ва электролитнинг буғланиши, бўяшлар газлари, автомобиль двигателларидан чиқадиган ёниш маҳсулотлари ва ҳ.к.) ва ҳаво таркибига қўшиладиган ҳар хил газлар инсон

организмига заҳарловчи таъсир кўрсатади. Бундан ташқари бу газлар таъминот тизими жиҳозларини ва аккумуляторларни таъмирлаш, бўяшчилик устахонасида, кўриш хандақларида, мой материаллари омборларида ҳаво таркибида портлашга мойил қўшилмалар юзага келтириши мумкин.

Бу ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида барча турдаги корхоналарнинг ишлаб чиқариш биноларида шамоллатиш тизими ташкил қилинади. Шамоллатиш тизимининг асосий вазифаси ҳаво таркибида газлар концентрацияларини ҳосил бўлишига йўл қоймаслик ва ҳавонинг меҳнат муҳофазаси қоидалари ва ёнфинга қарши талаблар асосида белгиланган мақдорларда алмашиниб туришини таъминлашдир.

Ҳаво таркибидаги заҳарли газларнинг миқдорини камайтириш мақсадида ТХК ва таъмирлаш участкаларида автомобилларнинг ишлаб турган двигателларидан чиқаётган ёниш маҳсулотлари маҳсус қувурлар орқали ташқарига чиқариб юборилади.

Ёниш маҳсулотлари таркибидаги заҳарли газлар аввало юқорига кўтарилади, кейинчалик совиши натижасида хонанинг энг паст қисмига тушади. Шу сабабли кўриш хандақларига $22\text{-}30^{\circ}\text{C}$ ҳароратдаги тоза ҳаво $150 \text{ m}^3/\text{s}$ ҳисобида юборилиб турилиши керак.

Аккумуляторларни таъмирлаш устахоналарида зарядлаш жараёнида ажralиб чиқадиган водород ва кислоталар буғлари ҳаво билан бирлашиб портлашга мойил қўшилмалар ҳосил қиласди. Аккумуляторларни таъмирлаш хоналарда умумий шамоллатиш татбиқ қилиниб, аккумуляторларни зарядлаш хоналарида эса ҳавони соатига 10 алмашиниши таъминланади.

Умумий шамоллатишдан ташқари барча заҳарли газлар ажralиб чиқиши мумкин бўлган жойларда маҳаллий шамоллатиш ускуналари ўрнатилади.

Маҳаллий шомоллатиш ускуналари иш жойида ажralиб чиқадиган заҳарли газларни бино ичкарисида тарқалишига йўл қоймай ташқарига чиқариб юборади. Бундаги шомоллатиш вентиляторларининг қуввати қўйидагича аниқланади:

$$V_2 = Fv3600, \text{ m}^3/\text{s},$$

бу ерда: V_2 – бир соат ичида сўриб олиниши керак бўлган газлар ва ҳаво қўшилмалари миқдори, m^3/s ;

F – сўриш шкафининг очиқ юзаси, m^2 ;

v – сўриш юзасидаги газлар ва ҳаво қўшилмаларининг ҳаракат тезлиги, m/s .

Сув таъминот ва тозалаш тизими.

Автосервис корхоналари ўzlари жойлашган шаҳар тармоқлари орқали сув билан таъминланади. Магистраль йўллари ёnlарида ва сув тармоқлари мавжуд бўлмаган кичик аҳоли пунктларида корхоналар ўzlарининг сув билан таъминлайдиган автоном тармоқларига эга бўлишлари мумкин.

Корхонада сувлар асосан ичиш, санитар-маиший эҳтиёжлар, технологик (автомобилларни ювиш, дастгоҳларни совутиш) ва ўт ўчириш учун сарфланади.

Мавжуд стандартларга асосан ***машиний эҳтиёжлар*** учун қуидаги меёрларга асосан ҳисобланади:

- офис (идора) хизматчилариға,
бир киши учун - 50-80 л/кун;
- жисмоний мәхнат қылувчиларга,
бир киши учун - 120-150 л/кун.

Технологик жараёнлардаги сув сарфига автомобилларни ювишга кетадиган сув миқдори асосий сарф ҳисобланади. Чунки бошқа ишлаб чиқариш устахоналаридаги (аккумулятор, шиналарни таъмирлаш устахоналари, қозонхона ва ҳ.к.) сув сарфи жуда кам бўлиб 0,5-1,0 м³ дан ошмайди. Автомобилларни ювишга сарфланадиган сув миқдорлари ювиш услугига (қўлда, механизациялашган) қараб 9.4-жадвалда келтирилган.

9.4-жадвал

Автомобилларни ювишга сарфланадиган сув миқдорлари

Т.№	Ювиш услуби	Сув сарфи, л/автомобиль		
		Шасси	Кузов	Жами
1	Қўлда ювиш	400	300	700
2	Механизациялашган	300	200	500

9.5-жадвал

Ўт учирин учун сарфланадиган сув миқдорлари

Биноларнинг ёнфинга чиdamлилик даражаси	Иншоотларнинг ёнфинга хавфлилик даражаси	Битта ёнгин ҳолати учун сув сарфи, л/мин		
		Биноларнинг ҳажми, минг м3		
I - II	Д, Е	300	300	600
	А,В,С	600	600	900
III	Д, Е	300	900	900
		600	900	1200
IV - V	Д, Е	900	1200	1500

Ўт учирин учун сув сарфи мавжуд биноларнинг ёнфинга чидамлилик даражасига боғлиқ бўлиб 9.5-жадвалда келтирилган.

Юқорида келтирилган сув сарфидан ташқари станция территориясидаги дарахтлар, гул-қўкаламзорларни суғориш учун сарфланадиган сувларни ҳам таҳминан 5 л/м² меёрида ҳисобга олиш зарур.

Станция сув билан таъминланиши учун шаҳар, қишлоқ сув ўтказиш коммунал тизимиға уланиши ёки мустақил сув таъминотига эга бўлиши, яъни ер ости сувларини артезиан қудуқ насослари орқали тортиб фойдаланиши мумкин. Баъзи ҳолларда бу усулларнинг барчасидан бирданига фойдаланилади.

Корхона коммунал сув ўтказиш тармоғидан фойдаланадиган бўлса чиқиши мумкин бўлган ёнғинларни ўчириш учун 50 м3 ҳажмдаги маҳсус

иншоот қурилиб унда заҳира суви сақланади. Чунки тармоқдаги сув босими ёнғинни тез ўчиришга имкон бермайди, камлик қилади.

Ер ости сувларидан ва сув ўтказиш тармоғидан фойдаланиш учун маҳсус сув сақлаш минораси қурилади ва унга автоматик режимда ишловчи гидронасосларда сув ҳайдалади. Бу ҳолда инсонлар истеъмоли учун ишлатиладиган сув заҳирасини ташкил этишда маҳсус санитария – гигиена қоидаларига риоя этиш талаб этилади. Минорага ҳайдалган сувдан заҳира хавзаси тўлдирилади, қолган қисми истеъмолчиларга қувурлар орқали тарқатилади. Тармоқнинг бир қисмига сув сарфини ўлчовчи ҳисоблагич ўрнатилади. Шуни таъкидлаш зарурки, шаҳар коммунал сув тармоғидан фойдаланилганда унинг сифати кафолатланади, ер ости сувлар сифатини эса доимо назорат қилиб туриш талаб этилади, айниқса инсон истеъмоли учун ишлатиладиган қисми маҳсус стандарт талабларига мос бўлиши шарт.

Таянч иборалар.

1. Электротаъминот тизими.
2. Зарурий уланиш қуввати.
3. Иссиклик таъминоти тизими.
4. Шамоллатиш тизими.
5. Шамоллатиш вентиляторларининг қуввати.
6. Сиқилган ҳавога бўлган эхтиёж.
7. Сув таъминоти ва тозалаш тизими.
8. Технологик жараёнлардаги сув сарфи.

4.1. Asosiy adabiyotlar

1. James D.Halderman. AUTOMOTIVE TECHNOLOGY. Principles, Diagnosis, and Servise. FOURTH EDITION. Copyright © 2012,2009,2003,1999 Pearson Education, Inc., publishing as Pearson Education, 1 Lake Street, Upper Saddle River, New Jersey 07458.

2. Автомобиллар техник эксплуатацияси. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги автотранспорт олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик сифатида тавсия этган. Проф. Сидиқназаров Қ.М. умумий таҳрири остида, Тошкент “VORIS-NASHRIYOT”, 2008. – 560 б.

3. Техническая эксплуатация автомобилей. Учебник для Вузов. Под ред. проф. Е.С. Кузнецова. М: Наука, 2001 г.

4. Hamraqulov O., Magdiyev Sh. Avtomobilarning texnik ekspluatatsiyasi. Toshkent, 2005 yil.

5. Avtotransport vositalari servisi. Servis korxonalarini texnologik jihozlash. M.A.Ikromov va boshqalar. Toshkent: TAYI, “Rizayev X. XK” 2014. -160 b.

4.2. Qo'shimcha adabiyotlar

1. Mirziyoev SH.M. Tanqidiy tahlil, kat'iy tartib-intizom va shaxsiy javobgarlik - har bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo`lishi kerak. O`zbekiston Respublikasi Vazirlar Maxkamasining 2016 yil yakunlari va 2017 yil istiqbollariga bag`ishlangan majlisidagi O`zbekiston Respublikasi Prezidentining nutqi. Halq so`zi gazetasi. 2017 yil 16 yanvar, №11.

2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevraldagi PF-4947-sonli “2017-2021 yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha HARAKATLAR STRATEGIYASI” to'g'risidagi Farmoni.

3. Ўзбекистон Республикаси автомобил транспорти ҳаракат таркибида техник хизмат кўрсатиш ва таъмилаш тўғрисидаги низом. Тошкент, 1999 й.

4. Автомобиллар сервиси асослари, Дарслик, Хамракулов О. Назаркулов Я.П., Магдиев Ш.П., Кадиршаев Т. Тошкент, «Фан» нашриёти, 2007 г. 176 б.

5. Автотранспорт воситалари сервиси. М.А.Икрамов ва бошқалар, Тошкент: А.Навоий кут. 2010. - 266 б.

Internet saytlari

- 1. <http://www.motorpage.ru>**
- 2. <http://auto.ru/>**
- 3. <http://www.nissan.ru>**
- 4. <http://www.as066.narod.ru/pr.e.g.htm>**
- 5. <http://www.zandy.ru/use.php>**
- 6. <http://www.autokrot.ru/>**